

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2007**



Ойдин ҲОЖИЕВА

# НАЗОКАЛ

*Шеърлар, достон, қасида,  
бадиалар, ўйлар*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2007

Ю 32823  
291

**Хожиева, Ойдин**

Назокат: Шеърлар, достон, касида, бадиалар, ўйлар. — Т.: «Шарқ», 2007. — 160 б.

Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хожиева замонавий ўзбек шеъриятига бухороча нафасни олиб кирди — унинг шеърлари ҳам бошка шоирларнинг лирикаси каби инсонга, инсон дардлари ва севинчларига, ҳасратларига бағишиланган, у ҳам инсон рухиятининг ва биринчи навбатда ўзбек аёлининг рухият манзараларини чизади. Лекин бу манзараларда бухороча тароват, бухороча ўзига хослик ва шоиранинг ўзига хос назокати, инжалити ҳам сезилиб туради. Гўё унинг лирикасида Бухоро зардўзининг жилолари, Бухоро кимхобининг товланишлари, Бухоро коракўлининг жозибадор қўнғироқчалари, Бухоро тор кўчаларининг бетакрорлиги, Бухоро майдонларининг муazzамлиги уфуриб тургандай бўлади.

Энг сара шеърлар, достон, касида, бадиаларидан жамланган шоиранинг ушбу китоби ўкувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

02  
A592  
Alisher Navciy  
nomidagi  
O'zbekiston Mif

ББК 84 (5У)6

ISBN 978-9943-00-043-8

## ТАРЖИМАИ ҲОЛИМДАН БИР УЛУШ

Онамнинг айтишларича, ўриклар оппоқ гуллаб турган баҳорда чоштоҳ пайти туғилган эканман. Ота-онамнинг ўн олтинчи фарзандлари эканман. Ўшандада урушнинг қатағон кунлари, дам-бадам хонадонларга мотам олиб келаётган қорахатлар, одамларнинг юрагини эзган даҳшатли йиллар ичра ота-онамнинг топган шодлиги мен эканман. Ойдин кунларга етайлик, деб номимни Ойдин аташган экан. 10 та ўғли ерга, битта навқирон ўғли урушга ем бўлган отам Ҳожи бобо 60 ёшида оламдан ўтган. Мен – З яшар гўдак ва 55 ёшли кекса онам, икки навқирон опам Бибиражаб опамнинг қўлларида колганимиз. Эсимни таниб-танимасдан онам айтган шеър ва эртакларни, мақоллар, ривоятларни ёд олиб, давраларда айтиб юрарканман. Гулдай келинчакларнинг қорахат ушлаб йиғлаган дамлари, отасиз ўсаётган дугоналаримнинг қайгули кўзларидағи соғинч ва қишлоғимизда йигитлар ўрнида қолиб кечаю кундуз меҳнат қилган кекса чоллар, ёши ўтиб қолган аёлларнинг заҳматли турмуши кечагидай хаёлимдан ўтаверади. Ана шундай дардли кечинмалар оралаб ўрта мактабни битирдим. 1960 йили қишлоғидан бир қадам нари чиқмаган 18 ёшли қиз ўз келажагини излаб Тошкентга – ТошДУ (хозирги УзМУ)га йўл олгани туманимиз учун янгилик ва жасорат эди...

Университетни аъло диплом билан тугатгач, ягона адабий журнал «Шарқ юлдузи»га ишга кирдим. 11 йиллик ижодий фаолиятим шу ажойиб журнал жамоаси даврасида кечди. «Гулхан» журнали мени болалик даврасига олиб кирди. Умримнинг 21 йили «Саодат» билан борлиқ кечди. Севимли устозим Зулфияхоним, Шухрат, Миртемир домла, Тўхтасин Жалолов каби донишманд олим, Уйғун, Тошпўлат Ҳамид каби мендан меҳрини, меҳнатини, мададини аямаган улуғ инсонлардан бир умр карзорман.

Болалигим кенгликларда, кўшни Муллатош қишлоғининг зарангларида, Зарабашон дарёсининг ёвшанлар ифорига тўла чимзорларида ўтган. Иттифоқо, ёз кунларининг бирида сигир ўтлатиб юрган кизчани мактабдаги

учрашувга олиб кетдилар. Ўша қизча хеч қандай тайёр-гарликсиз Үйғун, Куддус Мухаммадий, Faфур Fуломларнинг шеърларидан ифодали ўқиб бериб барчани лол этган. Халк шоири Үйғун: «Шу майиздеккина қизалоқда шеъриятнинг нафасини кўряпман. Уни тарбия қилса бинойидай шоира бўлади», деган эканлар учрашувда. Учрашувдан озгина кейин туман газетасида бир шеър бо- силди. Шеър остига «З-синф ўкувчиси Ойдин Ҳожиева» деб ёзилган эди. Аслида бу шеърни Тошпўлат Ҳамид ўзлари ёзиб, менинг номимдан чиқарган эканлар. 1953 йилнинг ёзидағи шу кувонч мени муҳлислар даврасига, адабиётнинг катта йўлларига олиб чиққан. Шеъриятга кўнгил берган кунимдан бошлаб ўзимни кучли, қудратли ва одамларга керакли деб билганман. Шу сабабли ҳам хаётимнинг пасту баланд йўлларида шеърият менинг кўлларимдан тутиб, қадимни тиклади. Йўқотган кувончларимни қайта топиб берди. Одамларнинг юрагидан кимё излашга ўргатди.

Эсимда, 1971 йил биринчи шеърий китобим чиққанида онамга олиб бордим. Онам «Шабнам» тўпламимни кўзларига суриб йиғлаб юбордилар: «Отангиз ўғилларим яшаб кетмади, энди менинг номим дунёда қолмайди, деб армон билан ўтганди. Худога шукур, отангизнинг номи мана шу китобча билан дунёда қоладиган бўлиби...»

Тақдир менга — чўлда бўэтўрғайдай бўзлаб ўсган қизалоққа беҳад мукофотлар берди: Ўзбекистон халк шоири унвони. Донишманд, меҳрибон умр йўлдоши. Суюмли фарзандлар, набиралар. Менга Ҳизрдай химмат килган доно устозлар. Давраларга кирсам, юзларидан нур ёғилиб турган минглаб муҳлислар. Атрофимда оташ-нафас шоира қизлар. Шуларни ўйласам, эл-юрт хурматини кўрган ва эл-юртига жон-дили билан боғланган ижодкор сифатида хаётимдан, тақдиримдан минт бор ро-зиман.

*Ойдин ҲОЖИЕВА,  
2005 йил, сентябр.*

# ШЕЗРЛАР

Үзин ўтга урган парвонадурман,  
Парвона феълимдан афсонадурман.

Найқамиш дилимни агар ошиқлар  
Чалсалар бир дардли таронадурман.

Эл меҳрин айладим жонга күзмунчоқ,  
Юртимда бир Ойдин нишонадурман.



# УМР ЧАРХПАЛАИ

## Ч О Р Л А Ш

### *Туркум*

Кайлардасан, камнамо илҳом,  
Кийик бўлиб чўлларга қочдинг?  
Ё мен билмай колдим: намозшом  
Марваридинг кўлларга сочдинг?

Сайёд бўлай десам — ўқим йўқ,  
Фаввос эсам — йўқдир қувватим.  
Тўр ташлайман — тўрим куп-қуруқ,  
Чўлда юрар соя-сувратим.

Мен сехргар эмасман, ёху —  
Қаср пайдо айласам зумда.  
Юрагимнинг занг босган охи  
Барг чикарди карри гужумда.

Қай капитарнинг юрагидасан,  
Ёкут тошдай беркинган тилсим.  
Қай баҳорнинг дарагидасан,  
Ҳаётимга кел, эй хуш насим!

Кел, куриган дарёга сел бўл,  
Одамови рухимга эл бўл.  
Мен ковжираб қақшадим-ёндим,  
Жисмим узра совуган кул бўл.

Дўсту душман орасин очиб,  
Ҳабиб айла, дўст айла бир йўл.  
Тандан жондай юрмагил қочиб,  
Кел, Ҳизердай чўзгил менга қўл!

\*\*\*

Менинг маъмур умрим,  
мангу ёш умрим,  
Эртакларда колган  
ёнар тош умрим.  
Чархпалак йўлига  
тескари тушган  
Кузадай бўляпсан ох,  
одош умрим.  
Чархпалак,  
жонимни чайнадинг тинмай,  
Хар катра томчидан  
гулми ё чечак,  
Тиканми, чакиртош  
унди пайдар-пай,  
Билолмай гарангман,  
айтгил, чархпалак!  
Юрагим об бўлди,  
дил селоб бўлди,  
Кўзанинг кўнгли хам  
чингилтоб бўлди,  
Кўзанинг ичига қамалган девдай  
Кучим-қудратим хам охир соб бўлди.

Ҳамон айланади тезкор чархпалак,  
Кўзасида колган энг сўнгти томчи.  
Уни тўлдирай деб жонларим халак,  
Елка тутиб турар ғайб бир ишончим...

\*\*\*

Айб замондами, ўзимиздами,  
Ё мол-дунёга ўч кўзимиздами?  
Ё бизнинг ясаган қобикка сифмас  
Кулочи кенг ўғил-қизимиздами?

Замона чархига урилиб жонлар,  
Ақлимиз пайраха мисоли учди.  
Чархнинг кировлари — аччик армонлар  
Икки чекамизга ок бўлиб тушди.

Туармиз таноби узилган чархдай,  
Калавалар узук, аркоклари — бўш.  
Қанотли тулпордай учар болалар,  
Биз қараб қоламиз хайратли, бехуш.

Энди хур авлоднинг қанотларида  
Офтобнинг мунаввар учкунлари бор.  
Чархи кажрафторнинг хаётларида  
Гулдираб келади пажотбахш баҳор.

\* \* \*

Дафтарим, оққина капитарим менинг,  
Сирлар дунёсига сафарим менинг.  
Сенга шивирладим бокира қиздай,  
Барчадан қизғанған гапларим менинг.

Мен карвон йўлида кетиб боряпман,  
Ортимда жовдираб қолар сўзларим.  
Сендаги ҳар ҳарфни нурга қоряпман,  
Дафтарим — эртага қолар кўзларим.

Бу кўзлар кўргани эртан не бўлар,  
Тўлмасми кўзларим косасига тош.  
Такдир, сендан химмат сўрагим келар:  
Дафтарим лавхидан кўрайин қуёш!

\* \* \*

Менинг дил сўзларим — осудаларим,  
Талотўп дунёда маъсудаларим,  
Кўзимни ўйса-да минг битта нокас,  
Биргина дўстимга қасидаларим.

Юрагим конидан кўқлаган гулим,  
Жаннат чашмаларин йўқлаган гулим,  
Ок сут бериб боккан фарзандим каби  
Нону тузларимни оклаган гулим.

Умр боғимдаги латиф ифорсан,  
Гўдак кулгусидай соф, беғуборсан.  
Фаришта бўлиб сен очдинг эшикни  
Кай даргоҳга элчи-шеърим юборсан.

Иссик юзларимга пешвоз бир меҳр,  
Сўзимга ярашиқ тансик бир қалом  
Шу элим, шу Ватан кўзларидадир  
Абадий севинчим, туганмас илхом.

\* \* \*

Ўзин ўтга урган парвонадурман.  
Парвона феълимдан афсонадурман.

Найқамиш-дилимни агар ошиқлар  
Чалсалар бир дардли таронадурман.

Кийикнинг шохид жавхар шифоси,  
Ажрик илдизида дармонадурман.

Бурғу чалиб ўтди жафо лашкари,  
Қайғуга бандипо девонадурман.

Сахродай тарс-тарс ёрилди юрак,  
Дил чокин чоклаган тевонадурман.

Зоғлар базми жамшид курса боғларда  
Булбул ноласидан уйгонадурман.

Кимдир азон айтур янтоқ шохид,  
Равон йўлда тойған пешонадурман.

Хешу дарвешларга очикдир дилим,  
Кўнгли зиқналарга бегонадурман.

Эл меҳрин айладим жонга кўзмунчок,  
Юртимда бир Ойдин нишонадурман.

\* \* \*

Эй Ватан, қадрингни мен  
Ҳазрат Навоийдан сўрай.  
«Минг бир кеча»лар элчиси  
Кирк мингта ровийдан сўрай.  
Фозию шахидларинг  
Ҳадди-ҳисобидан сўрай.  
Нажмиддин Куброларинг  
Хоки туробидан сўрай.  
Машрабингни ошиғи  
Дорнинг жавобидан сўрай,  
Нодира кўксидаги  
Қонли рубобидан сўрай.  
Қодирийдек нолавор  
Бағри кабобидан сўрай.  
Кеча-кундуз Фитратинг  
Тортган азобидан сўрай.  
Зулфия фахридану  
Хижрон китобидан сўрай.  
Зор Саида бўзлаган

Йиллар азобидан сўрай.  
Тан руҳинда титраган  
Кимё-симобидан сўрай.  
Қадрингу Эркингга эш  
Дил Инқилобидан сўрай.

\* \* \*

Денгизлардан гуҳар топдим,  
Ғойиблардан хабар топдим,  
Пулсиrotдан гузар топдим,  
Кўнглимдай кўнгил топмадим.

Укпар эдим — ботмон бўлдим,  
Ошкор эдим — ниҳон бўлдим,  
Курмак эдим — курч дон бўлдим,  
Ризқимни енгил топмадим.

Гоҳ муз ичинда ёқилиб,  
Чақмок ўтинда чоқилиб,  
Заъфарон гулдай тўкилиб,  
Ҳосилни мил-мил топмадим.

Бошга қўниб омад қушим,  
Ҳал бўлди минг бир ташвишим,  
Ҳайрон қолиб хейлу хешим,  
Бахтимга восил топмадим.

Оқар сувман — тинганим йўқ,  
Тирик ўтман — сўнганим йўқ,  
Бўйим каби бўй топдим-у  
Кўнглимдай кўнгил топмадим...

\* \* \*

Юрагимнинг кунгай адирларида  
Лалми буғдой каби унар севинчлар.  
Қай душманим тошдай бағирларида  
Ҳар тун кайраб чиқар тухмат-қиличлар.

Майса-севинчимга ўт тушиб бот-бот.  
Ини ёнган қушдай қалб чекар фарёд.

\* \* \*

Сен гулладинг — боғим, атир-аибарим,  
Қирқ оғайни гулим — бошга чамбарим,  
Сўнмас баҳор, тўкин ёзим, гавҳарим,  
Бошим узра осмон бўлди ложувард.

Фунчаладинг — фариштали бўлди уй,  
Бозор бўлди, баҳт-кувончга тўлди уй,  
Дутор-қалбим тилларида минг бир куй,  
Кекса дунё яшнаб, кетди ғубор-гард.

Камалаклар, наъматаклар, чақмоқлар,  
Қўзин очди буғу ўтган сўқмоқлар,  
Боғ йўлидай якин бўлди йироқлар,  
Хар жон борки, жонимга мисли пайванд.

Ер-кўк аро урчук бўлди юрагим,  
Софинч аро бир чўғ бўлди юрагим,  
Кордай эриб гоҳ йўқ бўлди юрагим,  
Бўғимларим шовшаб, ёниб банду банд.

Авж пардада создан чикиб кетди тор,  
Кўнглим колди дунёсидан бояқбор,  
Сендана нафис қизни қилиб қўйса хор —  
Хаёт — жаллод, тақдир — сўқир,  
баҳт — номард.

\* \* \*

Чах-чах кулишларингга  
Жон тикарди қирқ йигит.  
Чақнаб туришларингга  
Энтикарди қирқ йигит.  
Бир оҳ десанг, кўлингга  
Қиркта жон гул бўларди.  
Яшнаб ўтар йўлингда  
Кирк йигит кул бўларди.

Танлаб-танлаб тозига  
Тушган Кенжа қиз бўлдинг.  
Кўниб йўқу озига,  
Бир кафт кора туз бўлдинг.  
Бир подшолик божингни  
Балчиқларга отдилар.  
Гавхар эдинг, қадрингни  
Коратошга сотдилар.

Қадру қиймат баҳсида  
Харидори арzonim,  
Қирқ йигитнинг кўксисида  
Гавхар бўлди армонинг.

\* \* \*

Юрагимнинг қадоғига  
Оек қўйма,  
Унинг қат-қат доғларига  
Тамға уйма.  
Ўзи куйган кўксимдаги  
Сафроларим,  
Ох урганда парт бўлади  
Сахроларим.  
Юрагимнинг хурумида  
Мисдай эриб,  
Юрмагил сўнг сўнгакларинг  
Бир-бир териб...

\* \* \*

Менинг кўнглим  
Ойина бўлди:  
Душман ҳам қаради,  
Дўст ҳам қаради.  
Дўстлар назаридан  
Ёришди кўнглим,  
Душман ҳасадидан  
Кўнглим нуради.  
Шунданми  
Кўнглимда тонгу шомларда  
Гоҳи нур,  
Гоҳ зулмат баҳсга киради...

\* \* \*

Буғдой дони бўлдим, офтобрўяда  
Майсадай кўкладим, томир отдим мен.  
Юрак чигит бўлди, жон — ҳимояда,  
Қора совукда ҳам нурга ботдим мен...

### УМР БУ...

Умр бу — Аллоҳдан бизга омонат,  
Аллоҳнинг фарзи бор азиз жонларда,  
Омонатга қилма ҳаргиз хиёнат.

Умр — ёмби олтин, буғдой донидай  
Майдалама уни тегирмонларда,  
Аллоҳнинг фарзи бор азиз жонларда.

Омонатга ҳаргиз килма хиёнат,  
Уни пуллаб юрма майхоналарда,  
Умр — бу Аллоҳдан карзи киёмат.

Умр бу — толедан барака, хирмон,  
Елларга совурма, туфрокка сочма,  
Аллоҳнинг мулки бул ҳар дон, ҳар сомон.

Фурбат-гийбатларга талош айлама,  
Йўлингда учраган нокасу нодон  
Кимсаларни унга фаррош айлама.

Сенга бир ҳадият бул феруза тош,  
Ўзинг заргарисан, заҳҳоби — ўзинг,  
Каллобларни да сангтарош айлама...

Умр бу — Аллоҳдан бизга омонат...

\* \* \*

Кел, руҳим, жонимга қайт,  
Бу жисми сўзонимга қайт.  
Мулкатимнинг файзи бўл,  
Мулки фаровонимга қайт.  
Қоп-коронғу кечалар  
Ой бўл-да, осмонимга қайт.  
Гул-чечаклар хандаси  
Бўл, боғу бўстонимга қайт.  
Хунхабар келтиргил, эй  
Хур элчи, остошимга қайт.  
Шуълайи ишқдай юзимга —  
Рухи зардонимга қайт.  
Кел, Масихо, жонфизо  
Мушкул-осонимга қайт.  
Еру кўкни камраган  
Шахду имконимга қайт.  
Жон ичинда пок нур  
Сабру иймонимга қайт.  
О — алифу  
Й — ёйи ваҳдат,  
Д — диёнат,  
И — инжа инсоф,  
Н — нуни гардун  
Исми қўрғонимга қайт!

28 апрел 1999 йил.

## ЁШЛАРГА ДЕГАНИМ

Күнгилда кулф урган гулшанларим Сиз,  
Нафаси муборак гулханларим Сиз,  
Эртан хар кифтида бир тоғни тутган  
Алпомиш хайбатли улканларим Сиз.

Тожу тахт эгаси — шаждодаларим,  
Орзу-хаёллари озодаларим,  
От босмаган изни босган тойларим,  
Ялпизли, райхонли шаббодаларим!

Кошу күз ораси қабогимдасиз,  
Жон пилигим ёнган равогимда Сиз!  
Етти шажарамнинг шоҳ ҳалкасида  
Хизр назар соглан туёғим-да Сиз!

Ватан коясида лочин бўлгайсиз,  
Ёвлар елкасига — камчин бўлгайсиз,  
Булутсиз, беғубор очун бўлгайсиз,  
Фикри ҳур, маслаги некбин бўлгайсиз!

Ит текса булғанар окар дарё ҳам...  
Бузғун хаёллардан асрасин эгам,  
Онага тик боқиб, бўлманг боши ҳам,  
Зангламас, айнимас олтин бўлгайсиз.

Ватанин бир товоқ кепакка сотиб,  
Бир умр хиёнат лойига ботиб,  
Дурдай жигарларин балчиққа қотиб,  
Юрган нокаслардан йирок бўлгайсиз...

Йигитлик даврони — тахту тожлидир,  
Инсон юрти билан баҳтли, божлидир,  
Бегона элларда султон бўлгунча,  
Остонада бир кафт туфрок бўлгайсиз,  
Қарғишиш-кохишлардан йирок бўлгайсиз.

## СУМБУЛАДАН ЭЛЧИ КЕЛАР

*Туркум*

Езларимнинг тафти қайтиб, оз-оз бўлиб,  
Сунбуладан элчи келди аёз бўлиб.

Ёшлигимнинг турналари шайланадир  
«Борса-келмас» юртга баланд парвоз бўлиб.

Хар дақиқам — қўлдан учган накдим, дедим,  
Хар бир куним — мерган отган шаҳбоз бўлиб.

Тўрт фаслимдан гилам тўкир бўзчи тақдир,  
Иссиқ-совук кунларимга ҳамроҳ бўлиб.

Бул бўзчининг мокилари жон поралар  
Аркоғига юрак қоним пардоз бўлиб.

Ер бағирлаб эниб учдим, кўкни қучдим,  
Канотимда мажруҳларим мерос бўлиб.

Аёз, тақдир, қахратонли тунларингдан  
Ўчмай ўтай бир шуълайи ихлос бўлиб...

\*\*\*

*Машрабона*

Ишқ майин ичдим, ишқпаст бўлдим.  
Парвоналарга ҳамнафас бўлдим.

Парт бўлди жоним ҳар ох дудинда,  
Ожиза эрдим — забардаст бўлдим.

Ким айтадурким: осмон сутунсиз,  
Фалакка тоқи мукарнас бўлдим.

Харобот ичра хору ҳас эрдим,  
Пойингни ўпгач, муқаддас бўлдим.

Девоналиғдан топдим ҳаловат,  
Жонфидолиғдан ўзим маст бўлдим.

Чархи самода сўник тош эрдим,  
Заминга Ойдин мухаммас бўлдим...

\* \* \*

Дафтардаги бу дардларни  
Сен ўқима, нозигим.  
Тоғдай оғир ва залворли  
Маним тақдир ёзиғим!

Жимжитгина, беҳолгина  
Юрганларим ёлғондир.  
Бир юракка, агар билсанг,  
Камалган минг бўрондир.

Юрагимнинг бир дарзи бор, —  
Кирк чегачи улолмас.  
Синган дилга қирқ йил бекор,  
Асло бутун бўлолмас.

Кизим гулим, чақнаб турган  
Менинг тоза палагим.  
Юрагимни чакмоқ урган,  
Бўйлама, жонҳалагим...

Ўн гулингдан битта гулинг  
Очилмаган санамсан.  
Булутсиздир сенинг йўлинг,  
Сен мусаффо оламсан.

Ўттизингда ўн тўрт кунлик  
Ойдай тўлиб турибсан.  
Қўзларингда ишқ, мафтунлик,  
Бека бўлиб юрибсан.

Сендан узок бўлсин бало,  
Бахтинг кўрай, нозигим.  
Яратганинг ўзи сени  
Кўллаб тургай, нозигим!

\* \* \*

Буғдой ноним бўлмаса,  
Буғдойгина сўзим бор.  
Хар сўзимда чийлаган  
Ям-яшил илдизим бор.

Мехр кўрган одамдан  
Элга қайтур мухаббат,  
Хар дилда юз харорат,  
Хар кўзда юлдузим бор.

Молим етмаганига  
Жонимни қилдим нисор,  
Дўстга очик оstonам,  
Келса ёруғ юзим бор.

Туз баҳона ким келди,  
Қарз баҳона ким келди,  
Фарибона ким келди —  
Ўртада нон-тузим бор.

Фойибона, юзма-юз  
Эл тутинган жонимсиз.  
Шоирам деб сийлаган  
Хур Ўзбекистонимсиз.

\* \* \*

Даҳри дунни туздингиз бизга атаб,  
Тўрт буюк унсур яротиб, бутлаб.

Тўртта иқлимини яна аъмол этиб,  
Тўрт мучамни соз, баркамол этиб.

Тўрт қутбни йўлима роҳ айлабон,  
Тўрт фаслни шахдима шоҳ айлабон.

Катта олам сахнини майдон қилиб,  
Қўйдингиз-ку бандангиз хайрон қилиб...

Борадурмен чўнг талотўплар аро,  
Неча фирром, неча дилхўблар аро.

Мехрига лойик қўрди яхшилар,  
Оғзида ошини берди яхшилар.

Гоҳда хирмоним совурди ўзгалар,  
Дўзах ўтида қовурди ўзгалар.

Ёп-ёруғ кунда йўлим йитмишди гоҳ,  
Ёзуғимга юз бало битмишди гоҳ.

Мен ёниб кулдан чиқиб қакнус бўлиб,  
Ўз-ўзимни топдим-о хур киз бўлиб.

Бир тавалло қилганим — Сиз бўлдингиз,  
Раббано, ҳар ерда ҳозир бўлдингиз.

Халқ билиб айтмиш: етимга ёр худо,  
Бандадин қўрдим жафо, Сиздан — вафо.

\* \* \*

Бу сахар, бу сахар мунаввар.  
Гўдакдай оромда баҳру бар.

Ой — туннинг қаймоғи, илиги,  
Тушларнинг беғубор пилиги, —

Юлдузлар тилида сўз бўлар.  
Тандаги ҳар муча — кўз бўлар...

Сут ичсанг дур бўлар кеча бул,  
Ҳар дуо — нур бўлар кеча бул.

Дарёда Ҳут бўлган ўзингсан,  
Илоҳий ўт бўлган ўзингсан.

Игнадай топганинг тоғ бўлар,  
Тор кулбанг — жаннатий боғ бўлар.

Юрагинг тубига қарагил:  
Аллоҳдан мўъжиза бу манзил

Неларга бўлибдири ҳазина?  
Не сирни саклар бу дафина:

Айт, хою ҳавасми ё ҳasad,  
Инсофми, меҳрми, диёнат,

Озорми, эҳсонми ё хислат,  
Не бор бу мулкатда омонат?..

Эй ғафлат бандаси, кўзни оч,  
Ўзингга ўзингсан зўр тилмоч:

Иймонни маҳак тош қилурсан,  
Мисмисан, кумушсан — билурсан...

Тун — қадр.

Жон — қадр.

Дил — қадр.

Лайлутул қадр.

Лайлутул қадр...

\* \* \*

Ариқ бўйларида чучмома бўлсам,  
Қизалар сұхбатида дилнома бўлсам.  
Кўнглига қил сиғмай қолган кезларда  
Кизимга бир таскин-хангома бўлсам...

Набирам тилида эртакка дүнсам,  
Дараҳтлар лабида куртакка дүнсам.  
Үртачүл ёқларда баҳор сарпоси —  
Лолақизғалдокқа, чечакка дүнсам...

Бухор зардўзларин күз нури ёнган  
Заррин қатимларда палакка дүнсам.  
Бўстон осмонида шамолга ошик  
Камиш «қобирға»ли варракка дүнсам...

Ота-бобом ётган аэз тупрокда  
Куйлаб турган кумуш теракка дүнсам.  
Онам кирк йил кутиб ухлай олмаган,  
Акамдан келган хуш даракка дүнсам...

Мохи рамазоним, ижобат ойи —  
Оҳ десам — охи муборакка дүнсам...

\* \* \*

Алмисокдан қолган бу дунё  
Сиздан қолар, бизлардан қолар.  
Шоҳларга ҳам қилмаган вафо,  
Гавҳар тожли кезлардан қолар.

Гардкам дейсан — ошиғинг олчи,  
Сомон каби совруласан гоҳ.  
Гоҳ омадинг ўнг дейди фолчи,  
Буғдој каби қовруласан гоҳ.

Тегирмоннинг дўлида қолиб,  
Омон чиқмоқ гоҳида мушкул.  
Минг ажалдан чикадир ғолиб  
Кимки бўлса иродага қул.

Бу дунёниг минг битта тўри  
Тортанакдай ўраг бизларни.  
Маккор тақдир, кўз ёшлар шўри  
Сарғайтирар кизил юзларни.

Шунча шўриш, ғавғоси кўзда,  
Кетолмайсиз жаннатга қочиб.  
Кари дунё яшар хур қиздай  
Кўнглимизда ғунчалар очиб.

\* \* \*

Гўзалим, дилбарим, севгининг гули,  
Аждаҳо ғоридан ўтдими йўлинг?

Ўргимчак тўрига тушган кабутар  
Фарёди бунча ҳам товшингга ўхшар.

Сен битта тўнкадан ясай деб худо  
Машаққат даштида бўлибсан адо.

Эй зулматхонага тушган нури пок,  
Қай номард топтади сени мисли хок?

Бургани тақалаб юрган кимсалар,  
Хўрдани-бурдани урган кимсалар.

Ҳар сочинг торига биттадан ғийбат  
Кўнғирогин илиб топарлар роҳат.

Эй гулим, вафога гўзал қурбонлик —  
Топмадингми жондан ўзга бир жонлик.

Сажда қилма, ойим, бир бевафога!  
Ибодат қилурлар ёлғиз худога!

2000 йил.

## ЭЪТИҚОДИМСАН, ХАЛҚИМ

Қадамимга қўйлар сўйиб,  
Йўлимга гул сочганим,  
Этагига бошим қўйиб,  
Сир айтиб, дил очганим,  
Хурматингни чап қўксимда  
Офтоб қилиб юрибман,  
Ўз қадримда, нон тузингда  
Тоғдай маҳкам турибман.  
Тўнларингга жийда тумор,  
Кўзмунчоқдай тақилдим.  
Ўтга кирсам бўлди гулзор,  
Ўнг дафтарда ўқилдим.

\* \* \*

Кизил атиргулинг бўлдим,  
Гох заъфарон гулинг бўлдим,  
Дуторларинг бўғзидаги  
Девона булбулинг бўлдим.  
Хасратингдан бўзладим gox,  
Нусратингдан сўзладим gox,  
Жалолиддин, Алномишдай  
Келбатингдан сўзладим gox.

Faфлат кунинг гулдираб,  
Түрён бўлган сўзингман.  
Кулоғингта шивирлаб,  
Уйғон, деган қизингман.

\* \* \*

Пилтасаватларингда  
Ўлмай ўсган болангман.  
Қанду наввотларингдай  
Мехринг сезган болангман.  
Ўртачўлдан ўтса шамолим  
Хазориспанд, явшон гуллайди.  
Болаликда колган хаёлим  
Бешигида Хумо ухлайди.

\* \* \*

Кор остида мева туккан —  
Дараҳтингман, онажон.  
Эркинг учун бошин тиккан  
Журъатингман, онажон.  
Ойдинбоғда жавлон урар  
Менинг икки жайроним.  
Юрагимда гавҳар турар,  
Кўзларимда армоним.

\* \* \*

Гох кўйнимда илон сақлаб,  
Дилим куйди сенингдай.  
Қатиқни хам ичдим пуфлаб,  
Тилим куйди сенингдай...  
Зулфиямсан, Нодирамсан,  
Бисотимсан тенги йўқ.  
Келажагим, хотирамсан,  
Саждагоҳимсан қутлуг.

Кетсам, тупрок ичра туриб  
Файбдан кудрат топурман:  
Мушкулингда овоз бериб  
Хизматингта чопурман.  
Икки дунём, дин-имоним,  
Эътиқодимсан, халқим.  
Киркта жоним ичра жоним —  
Ойдин отимсан, халқим!

2000 йил, декабр.

\* \* \*

Шу тифиз, тор хона  
Қисматга ёр бўлди.  
Сенинг қадаминг-ла  
Бахравор бўлди.

Бу уйнинг шифтлари,  
Бетонли кифтлари,  
Шу ҳаммол лифтлари —  
Файзга ёр бўлди.

Бу ғамгин, бу шовқин  
Дунёда шеър шавқим,  
Эл ичра бой мавқим  
Сен билан бор бўлди.

Бойлигим, оз-камим,  
Беминнат ишқ шамим,  
Дардимга малҳамим,  
Сен билан бор бўлди!  
Устувор бўлди!

\* \* \*

Кизил мўрча, оқ мўрча,  
Қора мўрча тизилар.  
Бир хонага йўл солиб,  
Бирга жони узилар.  
Отлар кишинаф адирда,  
Тойлар тўпи чўзиляр.  
Сурув-сурув қўй билан  
Эгиз келар кўзилар.  
Бутун иондай бир қисмат,  
Бир Ватан — бир ғанимат,  
Кунлар — кундай ёйилиб,  
Тунлар — ойдай чараклаб,

Бир дарёдай куюлиб,  
Бир-бирингни сўроклаб,  
Яшолмасанг, бу элда  
Минг армон фарзандисан!

Не талашдинг — мансабми?  
Туфрок бўлар бир куни.  
Ориятми, адабми —  
Урвок бўлар бир куни!  
Ватан — она юраги  
Фироқ тўлар бир куни,  
Ўз онасин йиғлатган  
Пушаймон фарзандисан!

Рамазони шарифда  
Дўл аралаш кор ўтди.  
Суякларни какшатиб  
Аlam ўтди, зор ўтди.  
Сут эмишган жигарлар,  
Айтинг, нима ор ўтди?  
Кесакларни, тошларни  
Сўзлатиб бахор ўтди...

Гўрга олиб кетмас-ку  
Хеч ким мансаб тошини,  
Яхши ейди ошини,  
Ёмон ейди бошини...  
Бир ёқа, енг бўлайлик,  
Фаришталар дорисин!  
Яхшимсан деб бул Ватан  
Дуо қилиб юрисин!

\* \* \*

### *Мұҳсинага*

Фамгин хаёлларинг жисмiga жойлаб,  
Кечалар күш каби чиркиллар тумор.  
Кўзи кўр севгининг йўлини пойлаб,  
Хеч бир қиз бўлмаган сендей интизор...

\* \* \*

Томсувоқ бўлмаган уй каби вужуд  
Чидаш берармикан жала, дўлларга?  
Баногоҳ тўпланса бошида булат  
Юрак айланади тошқин кўлларга.

«Тиқ» этган томчимас — гүёки ханжар  
Нак юрак томрига санчилар тиги.  
Севинч буғдойларин ўғирдай янчар  
Ожиз ва бетокат кўздаги йиги.

Ёғин-сочин фасли ғафлатда котма,  
Кўнгил иморатинг бировга сотма.  
Вужудинг худонинг мулки-эҳсони,  
Пинхон тут бу қутлуғ байтулмаконни!

\* \* \*

Осмон эгилади бошимга жим-жим...  
Афсона аралаш сирлари сим-сим.  
Юлдуз — бошоқларин тера бошларман,  
Ойнинг кокилларин ўра бошларман...

### **ТАНБЕХ**

Охурдан бosh кўтармаган  
Новвос бўлма —  
Новвосларни семиртириб  
Сўярлар!

Тулкидайн  
Нафси ҳарос бўлма —  
Копқонларга  
Карт думбалар кўярлар.

Бўэтўргайим!  
Бўзлаб-бўзлаб эркин уч!  
Ўзинг урма асло  
Тилло кафасга.  
Туткунликнинг минг йили хеч  
Арзирмикан  
Даштлардаги  
Бир кунлик  
Хур  
Нафасга!

\* \* \*

Теша бобо айтар ривоят.  
Гумбазлардан акс садо кайтар.  
Нурдай оппок соколларидан  
Сочилади илохий байтлар.  
Мадрасани сукунат кўмган.  
Кўрошиндай яраклайди сой.

Мақбаралар хаёлга чўмган.  
Елкасида чараклайди ой.  
Эски масжид пештокларида  
«Алифу лом» ўрмалар сим-сим.  
Муридларнинг қулокларида  
Чашма бўлиб қайнайди тилсим...

\* \* \*

Хеч кимдан сўрмагил  
имкондан ортиқ,  
Мўрчадан тиланма  
бир дондан ортиқ.  
Хасис ғазнасидан  
гавҳар кутмагил,  
Шамолдан хас била  
сомондан ортиқ.  
Гадодан манзилу  
макон тиланма,  
Подшонинг лутфи йўқ  
фармондан ортиқ.  
Арслон панжасига  
тушган кийикдан  
Садқа не титраган  
бир жондан ортиқ.  
Боғон мулкатидир  
боғу сарву гул  
Ёр, ағердан сўрма  
тикондан ортиқ.  
Кўнгил жаннатида  
мехр ғунчалар,  
Сўрмагил вафодек  
эхсондан ортиқ.  
Опик қисматидир  
хижронда ёнмоқ,  
Борму дармон  
vasли жонондин ортиқ?  
Ишонч юртларига  
чакмоқлар тушди,  
Энди не кўрарсан  
бўрондан ортиқ...  
Дилим сахросига  
йт кетди бир йўл,  
Излама Мажнундек  
курбондан ортиқ...

\* \* \*

Савлат тўкиб кирди тўртовлон,  
Одаммисан ё дев наслидан?  
Сув қуйганинг қайси тегирмон,  
Сакбонларинг кимдир аслида?

Бу тухматнинг зарра учкунни  
Сачраганда ёнарди сув ҳам.  
Кўр қиласарди сувнинг тутуни  
Кўзингизни, эй тўртта ҳакам!

Қора мумга айланарди муз,  
Бир кафт қумга дўнарди олтин,  
Арслонга ҳам бундай тажовуз  
Дуч келганда қокиларди чин.

Faфлат ичра почамдан олиб,  
Ит базмини курмок бўлдингиз.  
Ҳақлигимдан ҳайратда қолиб,  
Тўрт оёқлаб қочиб қолдингиз...

## ИСТИҚЛОЛ СЎЗИН АЙТСАМ

Истиқлол сўзин айтсам  
Кўксимда чинор ўсар,  
Лайлаклар уя курган  
Бухорий минор ўсар.

Набирам лаҗжасида  
Тоғдайин викор ўсар.  
Фунчалар нафасидан  
Жаннатий ифор эсар.

Қатраси дур ёмғирлар  
Шивалаб, баҳор эсар,  
Озода рух Тоҳирлар  
Савлатида сор ўсар.

Чақмок урган тутларнинг  
Бағрида дутор ўсар,  
Бургутфеъл йигитларнинг  
Кўкайида пр ўсар.

Бешикдаги бек болам  
Ҳакка ҳаводор ўсар,

Маликчұл — құтлуғ далам  
Исириқ-тумор ўсар.

Шахидлар қалқиб бедор,  
Тириклар хүшөр ўсар,  
Юртим юксалиб қирк газ,  
Элим әркиёр ўсар.

Рұхлар — уйғоқ, шаңн — уйғоқ,  
Тилимда алёр ўсар,  
Истиқлол сүзин айтсам,  
Күнглимиң минг бор ўсар.

\* \* \*

Сариқ саратон ўтди,  
Юрагим ларzon ўтди.  
Суяқ қақшаб, димогим  
Куйиб минг армон ўтди.

Сафро күйди күксимда,  
Зардобли гумон ўтди.  
Итлар изгиб изимдан,  
Ирволар ёмон ўтди.

Дилимдан неча тасдик,  
Нече пушаймон ўтди.  
Бир жонимга тасаддук  
Ёр ила паймон ўтди.

Пилик бўлдим, тутадим,  
Гоҳ гули хандон ўтди.  
Фалак ичинда жим-жим  
Умри жовидон ўтди.

Куюқ кулчасин аяб,  
Не кизғанчик жон ўтди.  
Букилган қаддим суяб,  
Дардима дармон ўтди.

Неки ўтди — саловат,  
Бу ёруғ жаҳон ўтди.  
Ойдин йўлим элимга  
Пайвастайи жон ўтди.

\* \* \*

Қилмишидан топар ҳар банда,  
Қўйнингизда йилон кўрдик биз.  
Ўт оралаб бизнинг хирманда.  
Айни кўклам ҳазон кўрдик биз.

Сиз осмондан тушиган фаришта,  
Биз шу Ернинг ёмонидирмиз.  
Сиз — дунёнинг зулмат кунжаги,  
Биз офтобли томонидирмиз.

Қўлингизда ҳар дона тасбих  
Корақуртга айланар гоҳо.  
Ҳар сўзингиз — ўзгага андух,  
Ўзингизни санайсиз худо.

Сиз ибодат узангисида  
Гоҳ қойимсиз, гоҳида сойим.  
Тарозининг посангисини  
Тўғрилайди кодир худойим.

\* \* \*

Топган ноним она сути каби ҳалолдур,  
Харом пулни чангалимда тутмадим бир қур.  
Шул ҳикматни қулоғингга сирға килиб юр:  
Қўлим очсам, кафтларимга ёғилади нур.

Мен не қилсам, писабиллоҳ, савоб, деб қилдим,  
Она ҳалқим хурматига жавоб, деб қилдим,  
Пирларимнинг бостган изин тавоф, деб қилдим,  
Савобимни пулга чақиб юрмадим, шукур.

Вакт етмади кўтармокка кўш-кўш иморат,  
Қўнгил бердим фактат Ҳақдан бўлса ишорат.  
Бир сўз билан тоатингни айлама ғорат,  
Тухматчилар жаҳаннамнинг тубида ётур.

Айтгил, кимга бедарвоза бўлибди шахар?  
Чарх илондай сочма, инсон, тилингдан захар...  
Бўхтончидан, иғвогардан аё, алҳазар,  
Улар дини, имонини червонга сотур.

Кафш қайтариб, ғийбат ипин чуватган кимдир,  
Иғво томин сомон билан суватган кимдир,  
Арслонларни кўппакларга кувлатган кимдир, —  
Ўзи қазган ботқорига бегумон ботур...

2001 йил.

\* \* \*

Осмон олачалпок,  
Жон — олачалпок.  
Офтоб нурларидан  
Ел эшар аркок.  
Тоғларнинг корайган  
«Қобирғалари».  
Үйнар булутларнинг  
Шўх йўрғалари.  
Турналарнинг узун  
Аргимчорида  
Осмоннинг илохий  
Нур кучорида  
Наврўз кунларидан  
Башорат келар.  
Шодлик унларидан  
Ишорат келар.

Қизил лолаларнинг  
Гул косасида  
Бир томчи дур бўлган  
Хуласасида  
Семурғ кушлар ундан  
Тополсин шифо.  
Дилингга жо бўлсин  
Зумуррад дунё.

\* \* \*

Ватани соғиниб турналар қайтди,  
Қирларда лолалар саловат айтди,  
Олча, ўрик гуллаб, бол тугар пайти  
Соғинчлар бош урган остона бўлдим.

Мажнунтоллар ёйди чилвир сочини,  
Иссик кунлар кучди қалдирғочини,  
Наврўз кийди яна кўклам тожини,  
Вулқон кўчган тоғдек ларзона бўлдим!

Яшил сўқмокларда хилпиар шамол,  
Тоғлар елкасида пистоқи рўмол,  
Қартайган Ер янги келинчак мисол,  
Хутнинг ёмғирлари дурдона бўлди.

Кайғурма, дил, гуллаш фаслинг қайдадир? —  
Чўбонлар сайратган қамиш найдадир,

Гулла, гул хирманинг тил-кўйкайдадир,  
Найнинг пардасида тарона бўлдим.

\* \* \*

Баҳор базм тузди дала-тузларда:  
Кулгулар гуллади кирмиз юзларда.  
Олтинлар бойчечак толага дўнди,  
Хаяжонлар варрак-болага дўнди.

Чўлнинг кўйлаклари явшан атирли,  
Осмон ҳам қайнаган юлдуз-чодирли.  
Дехқон омоцидан ерга нур томар,  
Кирлар равоцидан жонга дур томар.

Чўтири тошлар юзи баҳмал мулойим,  
Шамолни кайвони қилмиш худойим:  
Дарчаларни очган совчи бўлар у,  
Кўнгилларни овлар овчи бўлар у.

Қокигуллар ойна тутиб офтобга,  
Юраклар тушади тошқин гирдобга.  
Ранглар тилга кирар, сув сайрон булбул,  
Букри толларнинг ҳам чеккасида гул.

Сўзанаклар ошиқ, чумоли мажнун,  
Отларнинг кўзида шиддатий қуюн.  
Девор тирқишида ҳилпираб қувноқ  
Мўралаб туради лолақизғалдоқ.

Симонлар кўксини ёриб майса-ниш  
Баҳор қудратига айтади олкиш...  
Қафасдан чик, юрак — ҳур киролича,  
Кучинг йўқми ахир мўрча ҳолича?

\* \* \*

Етти кат фаришта бўлсанг сен агар,  
Мени қўшиб кўйгин бошқа сафларга.  
Гул баргига шудринг бўлай тонг сахар,  
Дур каби беркинай ок садафларга.

\* \* \*

Бунча гўзал муқова бу —  
Ичиди қурт бижғиган?  
Кутурган ит кўрдим, ёху,  
Ўз бошини ғажиган...

\* \* \*

Суксур дунёю ғоз дунё,  
Айтсам — қўғирчоқбоз дунё.  
Ёлғонларин уруғи кўп,  
Лангарчўпсиз дорбоз — дунё...

\* \* \*

Хаёл кўлларимга гулмоҳ истарам,  
Кўнгил кўзларимга бир моҳ истарам.  
Куйган юрагимдан бир оҳ истарам,  
Ё раббим, ўзингдан паноҳ истарам!

\* \* \*

Боғларда ёсуман гуллай бошлади,  
Кумрилар мастона «ху-ху»лай бошлади.  
Офтоб юракларни ёғдулай бошлади,  
Ёзният шамоллари хуш ёқар жонга.

Кулфинай баргидა қизил маржонлар,  
Оқ тут оғизларда наvvot-дармонлар,  
Буғдой бошоқ тортиб сут тўлар онлар  
Ёзният хаёллари ғунчалар жонда.

Урушоқ майна ҳам хаёлпарастдир,  
Кабутар ракслари ишкка пайвастдир,  
Қиркоғани гуллар бир фолпарастдир...  
Сувлар гулдирайди кўш тегирмонда...  
Жаннат Узбекистонда...

\* \* \*

Сўзларим, учқун соч,  
Самандар күш бўл.  
Ён, кулда бола оч,  
Сайра, бехуш бўл.

Найнинг пардасига  
Фарёд бўлиб кир.  
Ёмғир катрасига  
Хаёт бўлиб кир.

Киличлар қон тусар  
Чикқанда қиндан.  
Дунёга ўт кетар  
Битта учқундан.

Ухлат қиличларни,  
Сирли филоф бўл!

Уйғот севинчларни,  
Элчи-инсоф бўл,  
Сўзларим!

\* \* \*

Шоирлик ярим  
пайғамбарликдир,  
Элга дардкашлик,  
жонпарварликдир.  
Тузлукқа тупурмас  
шоирлар зоти,  
Шоирнинг рутбаси  
имонпарварликдир.

\* \* \*

Камонидан отилган ўқсан,  
Бугун — борсан, эртага йўқсан.  
Инсон шаъннинг ерга урма кўп,  
Одамлигинг билан қутлугсан.

\* \* \*

Шоирлар ўлса,  
Ватан деб ўлгандир,  
Ватан ҳажрида  
паймонаси тўлгандир.  
Муқаддас дараҳтидир  
аслида Ватан,  
Яшил баргидай шоир  
ўз шохига сўлгандир...

## МУҲАББАТТА

Кўзлари жавдиrok жайрон боламсан,  
Дунё ишларига хайрон боламсан...  
Сен сўзла, ипакдай эшиламан мен,  
Армони йўқларга қўшиламан мен.  
Маним меҳригиё дараҳтим бўлиб,  
Куласан ҳаётнинг сехрига тўлиб.  
Кўзингдан кўксимга малҳам оламен,  
Кўлинг тутсам, бола бўлиб қоламен.  
Сочимга тушган кор тафтин сезмасман,  
Бир лаҳза дардини унуттай юрак.  
Гарчи арқоклари пишиқ атласман,  
Сенинг шўхлигингдан сўрайман кўмак.

Кадр кечалари муножот айтиб,  
Аллохдан тилаган гулчамбаримсан.  
Умр ўзанига дарёдай қайтиб —  
Гул фаслидан келган хушхабаримсан.  
Мусаффо юрагинг, кулгинг — безавол  
Калбим шилигини ёндиргувчи мой.  
Сен зулмат тунларим ёритиб хушхол  
Күнгил осмонимда чиққан янги ой...

## 2003 ЙИЛ ҚОР ХАТИ

Кор гулинни қилди хирман, ох киш!  
Киш удумидир азал қор хат ёзиш.  
Дўстларим бор хар бири нукра, кумуш,  
Элчи бўлгайсиз биза, эй «Тикланиш».  
Гоҳ арузда баҳру байтлардан тузиб,  
Гоҳ Ҳасанбойда анор, олма узиб,  
Эътиборхон келсалар там-там бўлиб,  
Қошига ўсма қўйиб, хуррам бўлиб.  
Битта қўлда бола, бир қўлда қалам  
«Ёр-ёр» айтиб келса Гулчехра опам.  
Гул такиб Олмос келурлар очилиб,  
Оғзидан қанду новвотлар сочилиб.  
Учкора кишмишидан тортиқ қилиб,  
Хосиятхон келсалар ойдай тўлиб.  
Бону Дилбар чиқса Учкўрғонидан,  
Химралиб Дилбар келур Кўқонидан.  
Келсалар Фарғонанинг ойимлари:  
Энахон, Максудадек қойимлари.  
Хангома авжига чиқса не ажаб,  
Ой Малика лутфидан нурлар тараб.  
Суҳбати сеҳри билан гипноз қилиб,  
Турсунойим кўринадур ноз килиб.  
Хар на қилсанг ҳам, Ватанин сотма деб,  
Уйғотиб миллатни, ухлаб ётма деб,  
Тоғдаги оху каби сезгир бўлиб,  
Даврага киргай Шарифа ҳур бўлиб.  
Элга Алломиш туғар деб хар Аёл  
Келадур Фаридахон Барчин мисол.  
Кўш Ҳалима завқида гулхан ёнур,  
Зулфиянинг шавқида гулшан ёнур.  
Кутлижон кўқсида тоғ сўзлаб келур,  
Гулжамол парвонадай излаб келур.

Каштасига ташлабон зар баҳялар  
Мұхтарамхон шеърни қилмиш насялар.  
Келса Дилбаржон билан қах-қаҳлашиб,  
Гоҳ Мукаррамхон билан чак-чақлашиб,  
Шоҳ Бухоро пирларидан кўл олиб  
Нодира Афок келур фанга толиб.  
Гоҳ юраги парт бўлиб Зеболарим —  
Ўт олиб сўйлар дали дунёларим.  
Сир томонлардан Баҳорим кўринур,  
Ойниса, Мехри нигорим кўринур.  
Келса Жиззахдан Шарофатхонимиз,  
Камсукум Венерадек меҳмонимиз.  
Келса Сурхондан Жамила Эргашим,  
Бахшифеъл Момохолимдай дардкашим.  
Шоири Гулнора Раҳмоним яна,  
Раъно Раҳмондай қадрдоним яна.  
Вақт топиб келса Саломатхон Бафо,  
Қутбижон бирла Фароғат камнамо.  
Кел, Санобардек қизик дарвешимиз,  
Матлуба Дехкон, Дијором эшимиз.  
Мухлиси содик бўлиб муниси жон  
Ғиждувондан келсалар Бахшандахон.  
Битта холига сўраб икки шаҳар  
Келсалар майлига, дермиз, Нибуфар.  
«Қош каро, кўзи қаро санамгина» —  
Келса Сайёрам — бўлур байрамгина.  
Жаннати устозларни ёдлашиб,  
Сухбати жонон бўлиб ободлашиб,  
Кўр тўкишиб, шеър ўқиб, кўнгил ёзиб,  
Бир мажолис-ун нағоислар тузиб,  
Мисли Хулкар юлдузидай жам бўлиб,  
Чинданам меҳригиёга эврулиб,  
Келсангиз-чи, бошимиз осмондадур,  
Манзилим: Тошкент, «Буюк Турон»дадур.  
Етса молим, етмаса — жонлар фидо,  
Сизга мезбонлик қилурмиз, марҳабо!

## ЎЗБЕКНИНГ ЁЗИ

Ўзбекнинг ёзи бу, ғўза гулининг  
Жаннатий исига тўлган чоғлар бу.  
Ишчан боларидек дехкон элининг  
Оғзига бол тутган асал боғлар бу.

Ўртачўлнинг кенгиш этакларида  
Кирғовул патидай тўзган лолалар.  
Жавзо шамолининг элакларида  
Дур бошоғин эгар буғдой далалар.

Каллакланмай қолган балхи тутларда  
Хушхон попушаклар базм бошлагай.  
Лалмикор қирларда, кунгай бетларда  
Офтоб тандирини очиб ташлагай.

Зарафшоннинг чимтол ёқаларида  
Чиркиллар ёттовуқ полапонлари.  
Ям-яшил пайкаллар уқаларида  
Гиламдай чўғланар гул хирмонлари.

\* \* \*

Кўксига ярқиллаб қизил маржони —  
Аёл эгатларда юрар жонсарак.  
Хар туп йўзасига боғлиқдай жони,  
Хар ниҳол бошида хаёли ҳалак.

Қадок қўлларидан ерга инар жон,  
Ғўзанинг илдизи эмар ҳарорат.  
Шоҳи кўйлагига тирмашиб оқшом,  
Гўдакдай эргашар ҳар ниҳол, кўкат.

Гарчанд қош-кўзида ёбоннинг гарди,  
Гарчанд ҳаловати, ороми йўқдир.  
Шу чексиз далалар унинг ўз дарди,  
Шу саҳий тупроқни билади тақдир.

Кун ботар. Товуқлар чиқар кўндоққа,  
Оқшом пари қиздай силкитар рўмол.  
Бир этак боласин жамлаб қучоқда,  
Қозонга ўт ёқар табаррук Аёл...

## ОЗОДЛИК

Озодлик!  
Кўнгил қирларида унган бойчечак,  
Сени суюнчилаб боладай шошдим.  
Минг йиллик тошқинлар солиб гулдурак,  
Айқириб минг битта ўзандан тошдим.

Ҳазрат Навоийнинг шукухимидинг,  
Яссавий пиримнинг пок рухимидинг,

Нодирабегимнинг андуҳимидинг,  
Озодлик,  
Кўнгил осмонида балқан камалак.

Саҳроларнинг бедод самумларидан,  
Офтобнинг гирдибод хурумларидан,  
Даврнинг талофот тўзимларидан,  
Канотлари куймай етиб келган Бахт—  
Озодлик!

Кўзимга сурман — очилар кўзим,  
Умр мезонида топган юлдузим.  
Тилимнинг учида турган Ҳур сўзим —  
Зулмат ёрларидан ўтиб келган Бахт —  
Озодлик!

Хуш келдинг, қуёшга очилган йўлим,  
Рухим бўстонида очилган гулим!

2003 йил.

### ЎН ИККИ БАҲОРИМ...

Озодлик — руҳимда сайраган қушим,  
Озодлик — кўнглимда ўсаётган най,  
Озодлик — ўнг келган илохий тушим,  
Ўн икки юлдузли фаслим, айланай.

Сен-ку Тўмариснинг шиддатли йўли,  
Киличга битилган қасам байтимсан.  
Эртаклардан ўтган мурод манзили,  
Она алласидай улуг айтимсан.

Сен ғафлат мулкига келган қиронсан,  
Сен ғуур элчиси чалган қўнғирок,  
Сен сокин кўлларда турган бўронсан,  
Сен зулмат ёрларда ёнган шамчирок.

Работи Маликнинг харобасида  
Қайтадан кўклаган навниҳол ҳаёт,  
Қадим Кармананинг сардобасида  
Сарин шаббодалар айтган муножот,  
Сенсан, Озодлик!

\* \* \*

Хушбўй явшанларнинг томирларида  
Тиллога айланиб ётган, эй тилсим,  
Ўн тўрт кунлик ойнинг чодирларида  
Тўлишган жаннатий, мусафро насим.

Ўртачўлда гуллаб меҳригиёлар,  
Шудрингқада бўлди туятовон гул.  
Сомон йўли сочган кумуш зиёлар  
Кўктоғ ўнгирида ўстирад сумбул.

Юлдуз ёмғирлари қўйилар шаррос,  
Саксовул, бургандар чўмилар нурга.  
Вақтни эгаллаган шамол — чавандоз  
Сурон солиб ўтар мудраган кирга.

\* \* \*

Бухоронинг нақшин эшикларида  
Фитрат қўлларининг қутлуғ изи бор.  
Моҳи Хосанинг гулкори кўшкларида  
Уста Ширин чеккан хикмат сўзи бор.

Сен ўша хикматнинг мазмуни — эрксан,  
Юзим қизиллиги, сўзимнинг — тузи,  
Қадим минорадай элимга кўрксан,  
Озодлик — Орзунинг париваш қизи.

Модари Шоҳоннинг даҳмаларида  
Кезинган минг йиллик каҳрабо сукут,  
Ҳазрат Нур отанинг чашмаларида  
Баликка айланиб ўйнаган умид,  
Сенсан, Озодлик!

Бўйсун ёқасида гумбазли кошин,  
Шахидлар руҳига ингай ҳаловат.  
Кафансиз кўмилган шахидлар лошин  
Овтиб янграйди «Ёсин» тиловат.

\* \* \*

Озодликнинг буюк кўприкларидан  
Дунёга қанотин ёзар ҳур авлод.  
Мен уни авайлаб киприкларимда  
Ҳазрат Пирларимдан сўрайман нажот.

Озод сахарларим, қутлуғ шомларим,  
Мехнатда ўтгучи кунларим хақи,

Эй тақдир келтирган ҳур пайғомларим,  
Сени қизил гулдай юрибман тақиб.

Ўн икки баҳорим, ўн икки ёзим —  
Озодликнинг икки метин қаноти.  
Халқимга жўр бўлиб озод овозим,  
Турибман Эркинлик болидан тотиб.

Бу куннинг ҳар лаҳза, ҳар нафаси деб  
Жонни гаров қўйиб яшасанг арзир.  
Ўн икки йилликнинг қасидаси деб  
Шукронам қабул эт, эй Ватан, тақдир!

2003 йил.

## МЎҶИЗАЛАҲАРИ

Умрим бўғотига кор тушди неча,  
Лайлакқорлар ёғди афсона айтиб.  
Хаётимга янги йил кирган кеча  
Хар гал болалигим учратдим қайтиб.

Кумуш теракларнинг қир учларида  
Тилла исирғадай қолган варраклар,  
Бир ховуч нур ўйнаб кулгичларида  
Ўсмирилгим келар ҳар йил дараклаб.

Аллоҳдан мўъжиза кутган гўдакдай  
Тутсам она тақдир этакларидан,  
Кор босган тоғлардан сайраб какликдай  
Йилларим чиқар киш эртакларидан.

Кўзим-ла эркалаб ғунча қизларни,  
Дилбар сингилларим манглайн ўпдим.  
Шамолдай айланиб дала-тузларни,  
Гуллар япронига шудринглар сепдим.

Корхат олиб келган кемшик болакай —  
Остонамда турар шошқалоқ элчи.  
Анхор сукутида чалиб оқар най  
Вакт деган ғанимат ғаройиб йўлчи.

Ёғоч дарчаларнинг зулғинларида  
Мурғак кўлларимнинг тафти товланар.  
Кўкка ўрлаган тут ажинларида  
Ўн тўрт кунлик ой ўтовланар.

Қизийди гап-гаштак, хангома, гурунг,  
Танчада биқирлаб қайнайди күмғон.  
Кимдир «Кунтуғмис»дан ўқий бошлар сүнг,  
Ернинг илдизига туташади жон.

Борлиқни чулғайди жаннатий ифор.  
Оппоқ камалақдан қамашади күз.  
Замин сукутида гувлайди бедор  
Юрак — кул ичида тирилган Қақнус.

## Н А В Р Ъ З

Үриклар шохидა ёнди минг чирок,  
Пушти капалаклар күнди бодомга.  
Офтоб бир киэдирса күзлари қора  
Лолакиэфалдоқкыз чикволар томга.

Жиловсиз тойчоқдай югурап кишинаң,  
Киши бўйи эснаган эринчоқ сойлар.  
Бахор бисотидан кетади яшнаң,  
Келинчак уйидай кўхна саройлар.

Сумалак бошида келинлар чечан  
Лутфида дунё ишқ, сирга айланар.  
Ёмғир қўбизини чалади шўхчан,  
Сомонлар тиллога, дурга айланар.

Тарновда пат тараф ошиқ мусича  
Шўх-шўх муччилашиб бахши бўлодир.  
Каврак илдизию чўл андизгача  
Бол кириб чечакдан яхши бўлодир.

Хазин мозористон дарахтлари-да  
Армон гулларини тўзитиб порлар.  
Қабртошнинг видо дастхатларида  
Хотира шуъласин ўқир баҳорлар.

Ҳаёт абадийдир. Ҳаёт — ғанимат.  
Довул қокар жарчи, бонг урар Наврӯз.  
Не чоғ сеҳргарсан, она табиат,  
Хар бир хужайрада ёқасан юлдуз.

Минг торли соғ каби сасланар Инсон  
Наврӯзий саболар охангига маст.  
Тонггача баҳорий завқ ичра жаҳон  
Бир кучок гулдаста бўлса ажабмас.

## НАМАНГАНЛИК СИНГИЛЛАРИМГА

Кўзлар — кўзга тушди, дил бўлди пайванд,  
Наманганда жонга гул бўлди пайванд.  
Мезбонлик урфини этибсиз санъат!  
Мехр — кўзда дерлар! Кўз — дил ойнаси!  
Хар кимни юртида эли сийласин!

Офтоб фунчалайди кучоғингизда,  
Қақнус тирилади ўчоғингизда,  
Бинафша атри бор дудоғингизда,  
Машраб забонида сўйлаганларим,  
Онамлаб, опамлаб сийлаганларим!

Мажнунтолдай соя ташлаганларим,  
Қанотимга кириб қўшилганларим,  
Мехрда ишакдай эшилганларим,  
Қоракош, қаламкош сингилларимсиз,  
Кўнгли гул, тошбардош сингилларимсиз!

Ўнғортог бағрида шоирлар туккан,  
Торгина ўйига кенг дунё сиккан,  
Феълидан феълимга яхшилик юқкан,  
Салкинласам тонгти шаббодаларим,  
Донохон, Мухаррам, Дишодаларим!

Ойшахон, Дилбарим — қаҳрамонларим,  
Фарида, Ашура, Дилдорхонларим...  
Сафид Булондаги шахид жонларим  
Табаррук излари безаган тупроқ!  
Сўз қадрин тиллога менгзаган тупрок!

«Келуттиман» деган шеваси яхши,  
Боғларида жаннат меваси яхши,  
Чортоги, Олмоси, Фоваси яхши,  
Келса, йўлларига жоним пояндоэ,  
На жоним, мартаба, шоним пояндоэ.

Шоирин сийлаган — орин йўқотмас,  
Қўксига бўзлаган торин йўқотмас,  
Дорга бошин тиккан норин йўқотмас,  
Хар бири шоиру моҳири сохир,  
Нодим Намангоний юртига доир.

## ТАНБЕХ

Ўз шоирин танимаган ким бўлар?  
Кул бўлади, фафлатга маҳкум бўлар.  
Хасратида кўнгил олар кими йўқ,  
Кувончида қанотсиз мардум бўлар.

Аждодларин ёди ўчгай дилидан,  
Унутмишлар сахросида қум бўлар.  
Кўкайида ори унут, тили йўқ,  
Бош-бути бор, ичи бўм-бўш хум бўлар.

Ўз элида қаддин букиб яшайди,  
Ўзгаларга ликилловчи дум бўлар.  
Тожу тахти топталади, хор бўлар.  
Туғ-туғроси эшакка тўкум бўлар.

Мирзолари чўқмор тутиб гўр кавлар,  
Гўрковлари мулкатта хоким бўлар.  
Шоир элнинг дилда гавҳар тошидир,  
Миллат қадди у бирлан коим бўлар.

## БАҲОР ИЛИНЖИДА

Киш қаҳрида қорайган шахар,  
Дов-даражтлар турар яланғоч.  
Хўмраяди совуқ бинолар,  
Чарх урмаган ҳали қалдирғоч.

Бинафшанинг майин патларин  
Ўпгим келар муштоқ кўз билан.  
Яллизларнинг яшил хатларин  
Ўқисам ишқ берган сўз билан.

Шамолларнинг ноғорасига  
Ўйнамаган лолақизғалдок.  
Дала-даштда тош орасига  
Сочилмаган бойчечак-бодроқ.

Чўпон-чўлиқ ўтовлариға  
Мўраламас Ой — хаёлпараст.  
Тогнинг сирли ўмровларида  
Ухлаб ётар чашмалар ҳам маст.

Термуламан корга бош кўйиб  
Кишига банди ётган боғларга.  
Хаёл деган озод, хур кийик  
Ўйнаб юрар қорли тоғларда.

## ТАШРИФ

Учкур тулпорига уради қамчи,  
Гулдираб ўтади момакалдирок.  
Кур-кур турнажонлар солар аргамчи,  
Юракка ёношиб келар хур чақмок...

Майсаларнинг игна тиллари баҳши,  
Ёмғирга жўр бўлиб ўлан айтадур.  
Оҳ, хаёт — мўъжиза, тириклик — яхши,  
Дилнинг туб-тубига қуйилади нур.

Ернинг шодликлари — қўзиқоринлар  
Хамал елларига тутади кўкрак.  
Минг турфа ранглардан зангор қуюнлар  
Келинчак заминга тақар чамбарак.

Аттор қутисида йўқ бўёкларни  
Малик чўлларгача чаплаган мохир.  
Хатто Қизилқумдай қоқ тупрокларни  
Яшнатгай сочилиб майса-жавохир.

Бешик бошидаги онадай дилбар,  
Суюмли шу тупроқ, баҳорий Ватан!  
Сеҳргар кўкламга ошиқ кўнгил бер,  
Эй жон, бойчечакка айлана қол сан!

\* \* \*

Бир сўниб, боз ёнмоқ на хушдир,  
Тириклика башорат тушдир.

Гулга кирган бир чоғимдайди,  
Ишқ шиддати кароғимдайди.

Ёндим, устихоним-да ёнди,  
Томирларда коним-да ёнди.

Ўт кетди — хўл-қуруқ аралаш,  
Ёнаверди тўрт тараф яккаш.

Аждаҳо ўт нафаси тинди,  
Кўксим аро насимлар инди.

Кул остида қолган чўғ эдим,  
Мулки борлиқ аро йўқ эдим.

Бир қатра сув, бир томчи шабнам  
Бахрул нажотмиди ўша дам?

Чагир-чұғур қүшларим қайтди,  
Маъсума, хур түшларим қайтди.

Мен қоврилған дўзахни кечиб,  
Қалдирғочим, хуш келдинг учиб!

\* \* \*

*Тамарага*

Ўриклисой чашмалариңдай  
Хаёлингда милдирайди сир.  
Овозингда шивирлайди най,  
Нигоҳингда покиза таъбир.

Кўз тушмаган дала гулидай  
Бепардозу феъли аслсан.  
Чанковузнинг содда тилидай  
Созандасин кутган фаслсан.

Осмондаги учар қүшмисан,  
Кимларгадир шириң түшмисан.  
Мерғанларнинг кўзи қайдадир,  
Асли тоза бир кумушимсан...

\* \* \*

Зуволангиз балки шамолдан,  
Ўтдан қорилғанми, билмадим.  
Тангрим мени тупроқдан қорған,  
Шундан балки тупроқ — бекадр.

Шамол иши бузмок, тўэзитмок,  
Олов эса ямлар беаёв.  
Босинг-янчинг — сўз демас тупроқ,  
Шамол, ўтнинг курбони — ғаров.

Тупроқ ўтда пишгани сари  
Бўлар асил жонон пиёла.  
Шамол дайдиб эсиб сарсари  
Бошин уриб йиғлар дувола.

Ўт дамига тутилған пичок  
Бўлар қилич тифидай кескир...

Сиз ўт олиб ёнинг, бу тупрок –  
Тобга келар мисоли тандир.

Лов этасиз, сунг пов ўчасиз,  
Кудратингиз зое ва завол.  
Кул бўласиз тандир ичра сиз,  
Хар ён сочиб ўйнайди шамол...

## ЎЙЛАР

Бу дунёдан азизлар кетди,  
Фикратида юлдузлар кетди.

Ўтди неча авлиё зотлар,  
Дуосида какнуслар кетди.

Ўтди Аллоҳ ишқида Мажнун,  
Пайғамбарга эгизлар кетди.

Ох урганда ноласи қуюн,  
Кулгусида кундузлар кетди.

Торларида булбул сайраган,  
Элга дармон ҳофизлар кетди.

Чимилдикқа кирмаган неча  
Сор йигитлар, хур кизлар кетди.

Чумолидек тоғларда кезган  
Хазинаси комуслар кетди.

Майсалари саловат айтган  
Баҳор-боғли андизлар кетди.

Қаърларида садафлар туккан  
Неча баҳрул денгизлар кетди.

Ер юзини шамолдай кезган  
Қадамларда шаън излар кетди.

Ватан қадрин номус билганлар  
Ибратида нон-тузлар кетди.

Аждодларнинг шукуҳ-шонидан  
Чакнаб фидо ворислар кетди.

Мункиллаган донишманд йиллар  
Кипригиде кор кезлар кетди.

Дор остида Эрк-иймонида  
Букылмаган кад, тизлар кетди.

Тирикликтининг тегирмонида  
Янчилиб не тўқислар кетди.

Молу давлат гирдобрарида  
Неча ахли тамизлар кетди.

Шону шухрат саробларида  
Канча дўсту нодўстлар кетди.

Тошбақадай имиллаб кимдир,  
Порлаб вакти тиғизлар кетди.

## ДЕҲҚОН

Товшинг турналарнинг «кур-кур»лашидай  
Кирга бойчечаклар экиб ўтади.  
Биллур булокларнинг шилдирашидай  
Майсаларга шудринг тақиб кетади.

Форда калавадай чигал бир сукут.  
Калаванинг учин топар қаҳқаҳант.  
Тошларнинг бағрида уйғонар умид,  
Сўқмоклар тоғларга чикар қисталант.

Боғларни жаннатнинг ислари босиб,  
Хаёт неъматидан баҳраманд инсон.  
Ларzon олмаларга исириқ осиб,  
Шоҳларига тиргак кўяди дехкон.

Яшил байроқлардай хилпирап ғўза,  
Илдизи шамчироқ пиликларидаи.  
Унга қўл урасан — меҳринг андоза,  
Хар шона — меҳнатинг битикларидаи.

Милёнлаб гўзанинг нозик илдизи —  
Улаб қўйилганми томирларингга,  
Эгат оралайсан дилдан нур сизиб,  
Бир зум кетолмайсан адирларингдан...

## САДО БЕРГИЛ

Қайси дарә ирмоғидан  
Сувляпсан?  
Қай қоянинг чақмоғида  
Гувляпсан?

Ўрмонларда меҳригие  
Бўлдингми ё?  
Осмонларда янги ойдек  
Тўлдингми ё?

Чархпалакнинг косасига  
Айландингми?  
Камалакнинг рангларига  
Жойландингми?

Пода қайтар қишлоқ томон  
Серка билан.  
Намозигар шабодаси  
Кўрки билан...

Ўйинқароқ болалигим,  
Дарагинг йўқ.  
Қайтмадинг-а, ё тегдими  
Бир дайди ўқ?

Абжир мерган камонига  
Дуч келдинг ё?  
Неча йилки, кўзим йўлда  
Бермас садо  
Ўйинқароқ болалигим,  
Ўйинқароқ болалигим!

\* \* \*

Сўнди деманг, олов ўчса,  
Кул остида чўғи бор.  
Бу оташда кўклам шавқи,  
Саратоннинг тифи бор.

Бир учқуни сачрагандা  
Хўлу куруқ ёнодир.  
Ўт қорилган жисму танда  
Гулханларга дўнодир.

Темирчининг босқонида  
Очилгандай олов гул,  
Тафти қайтган юрак қайта  
Ловуллашга топар йўл.

Чўғ топаман тириклиқдан,  
Ўт излайман йўлимдан.  
Юрагимнинг шилигига —  
Куч оларман элимдан...

\* \* \*

Чечак бошқа, янток, явшон чўлга хос,  
Явшон гули менгзарми ҳеч атирга?  
Тулпор отнинг жабдугини чавандоз  
Урмас асло чўбир отга, хачирга.

Пойгаларнинг ҳадис, шавқин олган от  
Кўкни чоғлар, парвозлари тилсимот.  
Тилло така кокса ҳамки чўбир от  
Ер хайдайди, сомон ташир умрбод...

\* \* \*

Хосили ўрилган даладай кўнгил,  
Кўши, хирмонлари кўчган ва жимжит.  
Ёшлик кўшинлари ташлаб кетган йўл  
Фурсат сўроғида наҳотки унут?..

\* \* \*

Сенинг — онанг меҳнат.  
Отанг ҳам меҳнат.  
Толганинг ёйибдан, ҳалолдан келмиш.  
Суянсанг — суянчик,  
Зориқсанг — ҳиммат,  
Меҳнат деган улуғ аъмолдан келмиш...

\* \* \*

Кари тол тагида мудрайди арслон.  
Арилламас, ётар парвойи палак.  
Бизники бўлар деб ўлжаю ўрмон  
Ириллаб туради бир гала кўпрак.

\* \* \*

Шошма, кўнгил, баҳор билан  
Хайр-хўшга кўн энди.

Ловуллаган тандир каби  
Бўлолмайсан сен энди.  
Тушларингта кузакларнинг  
Элчилиги чин энди.  
Дарё эдинг телба тошқин  
Оқишинг сокин энди.  
Кулдирдими, йиғлатдими  
Сени даҳри дун энди,  
Уйқу учар, хаёл қочар  
Кечалар узун энди.  
Сен эккан ул теракларнинг  
Коматлари нун энди.  
Гарчи кўнглингда дарзлар кўп,  
Толеинг бутун энди.  
Хар кунингга, хар кунингга  
Байрам, деб юкин энди...

## ВОСВОС

«Ўзини портлатганлар орасида  
ёш қиз ҳам бор эди...»

(Матбуот хабаридан.)

Ўн гулидан очилмаган бир гули,  
Сочи эди баҳорларнинг сумбули.  
Бахт кўйлаги бичилмаган қизгина,  
Қачон дилинг бўлди восвос манзили?

Алла айтсанг бешикларга ярашик,  
Гул-райхонли эшикларга ярашик.  
Оқ сутини ерга соққанимиди-я,  
Онанг йиғлар, куяр кўзу қорачик.

Қай ғофиллар бозорингни қизитди,  
Умр деган гулзорингни қуритди.  
Қадамнингда гуллар унса бўлмасми,  
Ўз элингда мозорингни қуритди.

Қаро ерда сочилган кон — дўзахий,  
Ўз қавмидан чиккан инсон — дўзахий.  
Аёл ахир халқнинг иажот-панохи,  
Бу «шахидлик» Ҳаққа исён, дўзахий.

Нечун келдинг бу дунёга жавоб йўк,  
Нечун кетдингки, бир хайру савоб йўк.

Ер ёнади, ололмасдан лошиングни,  
Шаккокларга, дея хоки туроб йўк...

\* \* \*

Ёнверингда тусланади бир шайтон:  
Дўзах бўлиб юзланади ногаҳон,  
Жаннат бўлиб нозланади ногаҳон,  
Лол турасан: чинми-лофин билолмай.  
Киёматдан сўзлаб туриб ниш урар,  
Диёнатдан сўзлаб туриб ниш урар,  
Оч бўридай юрагингга тиш урар,  
Лол турасан: чин филофин билолмай.

## АСЛО ҚАРАМ БЎЛМАСМИЗ

Пирлар дуосин олиб,  
палак ёзган Ватан бу,  
Майдонда марду ғолиб  
кўнгли ўсган Ватан бу,  
Душман келса қоядай  
йўлин тўсган Ватан бу,  
Хеч кимдан кам эмасмиз,  
Асло қарам бўлмасмиз!

Кўнглимиз токчасида  
бир чироқ ёниб турар,  
Мангу алансасида  
кирк Широқ ёниб турар,  
Тошга битилган хатдай  
шул сабоқ ёниб турар:  
Хеч кимдан кам эмасмиз,  
Асло қарам бўлмасмиз!

Сўнгаклар тилга кириб,  
боболар ёди айтур,  
Амир Темур бошида  
туғлар муроди айтур,  
Дорда Дукчи эшонлар  
фарёд, саботи айтур:  
Хеч кимдан кам эмасмиз,  
Асло қарам бўлмасмиз!

Мовий гумбаз остидан  
Гулдираб садо келар,

Чўлпон, Фитрат, Қодирий,  
Усмондай фидо келар,  
Мехрсаро Онанинг  
Кўксидан нидо келар:  
Хеч кимдан кам эмасмиз,  
Асло қарам бўлмасмиз!

Асл дежкон кўлида  
омочлар кумуш бўлиб,  
Хивич отли гўдаклар  
эртан Алломин бўлиб,  
Кексаларнинг дуоси  
сайрап найқамиш бўлиб:  
Хеч кимдан кам эмасмиз,  
Асло қарам бўлмасмиз!

Ватан — борлик хаётим,  
сенга жоним садаға,  
Хар фиштида жон или  
хонумоним садаға,  
Даштлардаги эрмоним,  
адрасмоним садаға,  
Хеч кимдан кам эмасмиз,  
Асло қарам бўлмасмиз!

Булбул чаманин севар,  
одам Ватанин севар,  
Бир хонуч тупроғига  
тeng бўлмагай дунё зар.  
Ватан — Иймон, Ватан — Дард,  
кимки жон-танин севар —  
Хеч кимдан кам бўлмагай,  
Асло қарам бўлмагай!

## МУНОЖОТ

Дунё!  
Бу заминни осуда тутгил,  
Мехру илтифотинг кўзида тутгил.  
Кипригингда асра фарзандларингни,  
Кобилу ноқобил дилбандларингни.

Бол томиб сўзидан бири жонга жон,  
Бирининг кўллари тирсаккача қон.

Бири бунёд этар, кай бири вайрон,  
Бирининг макридан худо ҳам ҳайрон!

Бири қадам босса — гуллайди жаннат,  
Бирининг қаҳрида дўзах, фалокат.  
Онасан, кечирдинг оқ сутинг хақи,  
Фахру пушаймонлар ёрлигин такиб.

Сўзон шамчироққа айланиб тунлар,  
Бағрингда ёнадир шодлик, қуюнлар.  
Бешик кирган уйда ҳаёт бўлурсан,  
Тобут чиккан жойда фарёд бўлурсан.

Яйрайсан, химматдан бўлурсан дарё  
Танти ўғлонларинг саховатидан.  
Куярсан онага сомонни раво  
Кўрмаган нокаслар хиёнатидан.

Гулларнинг баргига шабнамлар эмас,  
Намозшом сочилган кўз ёшларингдур.  
Дастурхон бошида шоду хуш ҳавас  
Тўпланган дилкашлар қўёшларингдур.

Фижжак торларига тегинган шамол  
Дардчил юрагингда берадир садо.  
Мунгли нигохингда титрокли савол,  
Эй, қуш уйқусида мизғиган дунё!

Кўнглини кул босган бандаларингни  
Ёндири-ей саратон, жавзоларингда.  
Ер бағирлаб қолган кундаларингни  
Учиргил еттинчи самоларингда.

Нодон болаларинг жафоларидан  
Юрагинг ғалвирга айланган, дунё  
Ёруғ жаҳондаги бедаволардан  
Кўзлари басирга айланган дунё!

Сен ширин азобсан, аччик қисматсан,  
Яхшию ёмонга меҳригиёсан.  
Онадай покиза ҳусни исматсан,  
Онадай ягона, битта Дунёсан!

Дунё, иссиқ жонинг одам кафтида  
ТИПИРЧИЛАБ турад мисли начор күш.

Сени асролмасак дил садафида,  
Борлигинг, йўқлигинг, тириклигинг — туш.

Ўзингники бўлиб ўзагинг тортган  
Эллар орасига ташлаб Сулҳ рўмол,  
Мен сени опичлаб бораётирман,  
Нажотга ошиқкан Кенжা қиз мисол.  
Эй, она Дунё!

30.08.05 й.

## АЙТИМ

*Нозик Қўзиевани эслаб.*

Фойибон осмонида тўлин ойлар ботдилар,  
Нозук ойдай нозукни зах тупроқка сотдилар.  
Оқ юздаги холини қош ораси қотдилар,  
Қалам-қалам қошлари тўкилмаган, Нозикой,  
Сарвигулдай комати эгилмаган, Нозикой.

Уч қизини орқалаб қадди обкаш, ёй бўлди,  
«Навганди»<sup>1</sup> боғларида кўз ёшлари сой бўлди.  
Турмушнинг тош йўлинда бир салту сувой бўлди,  
Гурунгларга кирганда сувдай сокин Нозикой,  
Шохи-шалпар кийганда ойдан ойдин Нозикой.

Кармананинг йўлида салқинласам, тол эккан,  
Дугоналар ҳурмати тил учида бол тўккан,  
Давралар пойгагида камтарона тиз чўккан,  
Сен ўтирган чорбоғда айвон экан, Нозикой,  
Сен билан ўтган дамлар даврон экан, Нозикой!

Кунлар ботиб, тонг отиб, офтоб чиқди ҳуромон,  
Бўстон кечаларида ойлар балқир чарогон,  
Баҳор тошқинларида куйлар баҳши Зарафшон,  
Турналар канотида келмаганим, Нозикой,  
Кундай кулиб, ой каби тўлмаганим, Нозикой!

<sup>1</sup> Фойибон, Навганди — Қизилтепа туманидаги қишлоқлар.



ЖАҢДАРА  
ДОСТАУ

## ОЗОД СҮЗ ЁЛҚИНЛАРИ

Ўзбекистон мустақиллигининг  
10 йиллигига бағишилайман.

Мен тинч оқар дарё эдим.  
Вазмин эдим, сокин эдим.  
Парвоси йўқ дунё эдим,  
Тупроқдаги олтин эдим.

Намозшомгулдай очилиб,  
Райхон каби хушбўйланиб,  
Тунлар юлдуздай сочилиб,  
Мен шам тилига айланиб,

Коғозга сир тўқдим фақат,  
Кўнглимни айдим жимгина,  
Кўнглимда ўсди бир дараҳт,  
Онам каби маъсумгина.

Бу озодлик дараҳтидир,  
Илдизлари жонга туташ.  
Хар нафаси фараҳлидир  
Ушалган армонга туташ.

Бир меваси — эрку ғуур,  
Бир меваси — маним шоним.  
Бир меваси — қадру сурур,  
Бир меваси — пок имоним.

Хар меваси жондай лазиз,  
Хар барги — қўнглим гавхари.  
Озодлик бу — нондай азиз  
Умримнинг тоза дафтари.

Бул дараҳтнинг шоҳларида  
Кўмри бўлиб сайрар Чўлпон.  
Анинг гўзал охларида  
Уйғоқ яшар Ўзбекистон.

Энди чакмок бўлодирман,  
Тўмарисга дўнодирман,  
Тўфонлари, шиддати зўр  
Дарёларга энодурман.

Тақдирнинг шоҳ узугида  
Асил ёкут кўэни топдим.  
Она халқим ёзуғида  
Озодликдай сўзни топдим.

Озод болам, кавушчангга —  
Гулхайрилар солиб қўяй.  
Камалакдай турфа рангда  
Кўзмунчоқлар илиб қўяй!

Ўнга кирса болажони,  
Сонга кирап онажони!  
Қадамларинг шахдамона,  
Эй, Озодлик, полапоним.

Ҳимоянг деб она күшга,  
Сор Бургутга айланаман!  
Гоҳи хушга, тоҳ бехушга  
Ёнар ўтта айланаман!

Бир қанотим туташади —  
Жаннатларнинг хавосига.  
Шамолимдан ўт тушади  
Ғанимларнинг дунёсига.

Иғволарга учма, элим,  
Ўзлигингдан кечма, элим,  
Дилинг — кондир, Худойники,  
Евларингта очма, элим!

Ўз қавмини сотган зотлар,  
Қалбингта тир отган зотлар,  
Қабоҳатга ботган зотлар —  
Иғвосига учма, элим.

Қабр тошда ой рамзини  
Ўчирган суллохлар тирик!  
«Бокиманда», деб камчисин  
Ўйнатган гумроҳлар — тирик!

Рамакдажон бўлган онам,  
Йиглаб туриб кулган онам,  
Билиб-бilmай саждагохин  
Ўтинхона қилган онам.

Етса — молим, етмаса жон —  
Садқа қилган келса меҳмон,  
Одамижон, моҳитобон,  
Элим, иғволарга учма!

Давра куриб, қўр тўкиб юр,  
Лабзингдан новвот, дур тўкиб юр,  
Хар қадамда нур экиб юр,  
Турли фатволарга учма!

Муқаддас Ҳаж сафаридан  
Кўнгил ийиб, дийдаборон  
«Шукр» учди лабларингдан,  
Қадамингда ундирайхон.

Сен саловат айтдинг, ё раб,  
Тўккиз фалак жўринг бўлди.  
Юрагингга имон сўраб,  
Озодлик тақдиринг бўлди.

Озодликнинг илдизлари  
Сенинг минг бир жонингда-ку!  
Хурриятнинг юлдузлари  
Кўзларинг — осмонингда-ку!

Сажда килсанг — меҳробингда,  
Дуойи шукронангда-ку!  
Севинчинг, изтиробингда,  
Кент феълинг — пешонангда-ку!

Етмиш икки томирингда  
Қайта ёнган эркингда ул!  
Навоийда, Темурингда,  
Кундан иссиқ кўркингда ул!

Кавакларда ғимирлаган  
Лоши манкуртлар — унга ёв!  
Чарх илондай ғимирлаган  
Бедин, беюртлар унга ёв.

Аёлманд эл, саф-саф бўлиб,  
Дурга тўла садаф бўлиб,  
Гуллар, баҳор тараф бўлиб —  
Қанотингга кирап ёшлиқ.

Ой деганда оғзи бор-а,  
Кун деганда қўзи бор-а,  
Алломиш нуфузи бор-а,  
Нажотингга кирап ёшлиқ.

Кўз тиккан шамчироқларинг,  
Сенинг ойна булокларинг,  
Суянсанг — Асқартоғларинг —  
Саботингга кирап ёшлиқ.

Суйганда суйгулик — насл,  
Мехрингни қўйгулик — насл,  
Кўз кувнаб, ийгулик насл —  
Хаётингга кирап ёшлиқ.

Бағрингга босгил, кўнглига  
Фиску фасод ўрламасин.  
Ҳаром пул тутиб қўлига,  
Пешонаси шўрламасин!

Кулорига шивирлаган  
Аллаларинг қалқон бўлсин!  
От мингдана дупурлаган  
Дараларинг қўрғон бўлсин.

Тоғда алкор бўлган боланг,  
Кўкда шункор бўлган боланг,  
Ҳар кифтида тоғ кўтарган  
Полвонвиқор бўлган боланг —

Кураги ерга тегмаган  
Мухаммадқодир ўғлингдир.  
Ўзин Рустамга тенглаган  
Бахром, Баҳодир ўғлингдир.

Мукаррам эл, бадавлат юрт,  
Фарзанд билан басавлат юрт,  
Бешиклари бўш қолмаган,  
Эшиклари гулсифат юрт.

Курок қошли ёстиқларда  
Ойми ухлар, пари қизлар?  
Табладаги қозикларда  
Дулдуллари достон сўзлар.

Зурёд деса — ширин жонин  
Садқа қилган оналарим,  
Ота уйи, хонадонин  
Кутлуг билган оналарим,

Кўзингизни ёғ босмасин,  
Кўксингизни доғ босмасин!  
Сўна-ғозлар учиб қўлдан,  
Боғингизни зор босмасин!

Она ахир — элга кўприк,  
Она — юртнинг тамал тоши.  
Эл кўзига — Она киприк,  
Халққа балогардон боши.

Оқ сутингиз хақи, асранг,  
Кўр-кутингиз хақи, асранг,  
Илохийдан нур қорилган  
Вужудингиз хақи, асранг.

Имони ланжлардан асранг,  
Қилмиши ранжлардан асранг,  
Ёшларни илондай авраб  
Захрини санчардан асранг...

Бу Озодлик — буюк неъмат,  
То абадга Сизнинг бўлсин.  
Истиклолга таянч кудрат —  
Сабрингизга тўзим берсин.

\* \* \*

Ўнга кирган боланг билан,  
Озод, хур зуволанг билан,  
Манглайдаги армон изи,  
Сочдаги оқ толанг билан

«Озод бўлсанг ҳам озод бўл,  
Мустакил бўлсанг — мустакил бўл!»  
Кирқ оғайнин гулдай чирмашиб,  
Бир ёқа енг бўлу ахил бўл!

\* \* \*

Ой Барчиндай ўчинг бизлар,  
Яшин қайтаргичинг бизлар.  
Хар коянгда ўткир кўзинг,  
Сергак турган лочин бизлар.

\* \* \*

Юракларга тож томири  
Чирмашган Эрк дарахтисан.  
Озодликнинг мангү нури  
Эланган Эрк дарахтисан.

Сени қўрғаб — бўрондирмиз,  
Ўн ийлки, имтиҳондирмиз!  
Озодликка ярашиқли —  
Буюк Ўзбекистондирмиз!

2001 йил.

## ТАВАЛЛУД ТАРОНАСИ

Боғлардан бинафша  
Саломи келди,  
Тирикликтиннинг тансик  
Каломи келди.  
Кўзимга сурайин,  
Бинафша гулим,  
Навбаҳорнинг қутлуг  
Пайғоми келди.  
Келди олтмишимдан  
Илохий мужда,  
Мунаввар фаслимдан  
Байту оятлар.  
Шу она тупроқка  
Килганча сажда  
Айтайн умримдан  
Гул ҳикоятлар.

\* \* \*

Боғбон дилли отамнинг  
Ойдин нихоли бўлиб,  
Бахши феълли онамнинг  
Тилида боли бўлиб,

Тутаб ётган оламнинг  
Битта саволи бўлиб  
Туғилган куним ҳаққи:  
Ҳаққа саловат айтган  
Майсаларга ассалом!

\* \* \*

Жаннатнинг булоғидан  
Сув ичган қушдекмидим,  
Тангрининг дастгоҳидан  
Учган кумушдекмидим,  
Бармоқларим текканда  
Тилло бўлган чаноклар,  
Оймомодай йўлимда  
Кулган момақаймоқлар,  
Бўйнимга маржон бўлиб  
Осилган жийдажонлар,  
Шудгорларга сочилиб  
Ризқ бўлган арпа-донлар,  
Туғилган куним ҳаққи:  
Хар жонни яшартирган  
Лаҳзаларга ассалом!

\* \* \*

Зарангларда тўргайга  
Айланган чанқовузим,  
Кўксидা кийик ухлар  
Кишлокдаги ҳовузим,  
Момолар чеккасида  
Атир сочган жамбиллар,  
Кизларнинг елкасида  
Кокил бўлган толгуллар,  
Туғилган куним ҳаққи:  
Ер-кўкни гулга кўумган  
Жавзоларга ассалом!

\* \* \*

Тегирмонлар дўлида  
Буғдойлар ипак бўлди.  
Калдирючлар тилида  
Хизрдан тилак бўлди.  
Келинлар қўл ботирган  
Моймўндилар – бор достон,

Чарх йигириб ўтирган  
Бибилар – жонга дармон...  
Түфілган куним хакки,  
Еш аклимин шоширган  
Мұйжизага ассалом!

\* \* \*

Күклам уйқуси қочиб  
Деккөн элим тинмасди.  
Борликқа шуъла сочиб  
Офтоб бир зум тинмасди.  
Күлдош бобо бар уриб,  
Чүлга – қүшига кетар.  
Еш-яланг ҳам югуриб  
Тенгу түшига кетар.  
Носқовоғи белида,  
Мола босар тун бүйи,  
Катта пайкал челида  
Чимга аста бош күйиб  
Бир зум олади ҳордик,  
Шошиб очар күзини,  
Мардон бобо вакти зик,  
Ишга уар үзини.  
Тут шохидა кетмени  
Ер тафтини соғинган.  
Кутиб Мардон бобони  
Тунги шабнам ёғилган.  
Түфілган куним хакки:  
Межнат қўри иситтан  
Далаларга ассалом!

\* \* \*

Бешикка белангандек  
Чигит ётар тупроқда.  
Күёшга улангандек  
Нур кезади кишлоқда.  
Ўша деккөн элимсан,  
Уйқуси, ороми йўқ.  
Баракали қўлимсан,  
Сен борсанки, қўнглим тўқ.  
Кўзларингда чоҳдаги  
Алпомииш дардимиidi?

Кунтуғмишдай охдаги  
Юрагинг зардимиidi?  
Хикоят момо бўлиб  
Марсиялар айтганим,  
Робихон доно бўлиб  
Мадхиялар айтганим,  
Сув бўйида сувга зор  
Мироб элим сенмидинг!  
На забон, на эрки бор  
Бетоб элим сенмидинг?  
Туғилган куним ҳакки:  
Юрагимга ўт ёккан  
Достонларим, ассалом!

\* \* \*

Эгатларда тил чиқарди  
Жужукларинг.

Тутлар айтсин.  
Юрагингда йўл тополмай  
Вулқон бўлган ўтлар айтсин.  
Мен кўрдим-ку, қозингда  
Мол-хол қолмай, қуритдилар.  
Зардолузор, шафтолизор  
Боғларингни тор этдилар.  
Рама-рама сурув бокиб,  
Оғзи оқармаган злат,  
Дарёсида дори окиб  
Кўкси заҳарланган злат,  
Боз устига, сараларинг  
Танлаб-танлаб, эгдирдилар.  
Неча кўзи кораларинг  
Авахтага тиқдирдилар...  
Сариқ ипдай сарғайганим,  
Пилла куртдай зар ёйганим,  
Ўргимчакнинг оғзида ҳам  
Хумо қушдай пар ёйганим,  
Йиглаб ўтдинг, сўқмокларда  
Кўз ёшларинг – тошлар айтсин!  
Безиллаган қишлоқларда  
Эгилган мард бошлар айтсин.  
Туғилган куним ҳакки:  
Дардларинг кўзга сурис,  
Матонатга дей салом!

\* \* \*

Мен бораман сим-сим шаҳар  
Шовқинига шаршарадай.  
Кўзларимда камалаклар  
Ранги сўнмас манзарадай.  
Говмишимнинг мижжалари  
Йўлга караб гирён бўлди.  
Қадим Шошнинг кўчалари  
Қадам боссам – равон бўлди.  
Бир қишлики, тўпори қиз  
Даврада сўз айтар бўлди.  
Устозларим эгиз-эгиз  
Орзумга қўш байтлар бўлди.  
Бир илохий чашмага дуч  
Келгандайин илм симиридим.  
Меҳр излаб, истаб севинч,  
Шеър деган меҳробга кирдим.  
Туғилган куним ҳаққи:  
Ота-онамдай азиз  
Устозларга ассалом.

\* \* \*

Қалбимнинг берк дарчалари  
Нур тушдию очилдилар.  
Хур кўнглимнинг парчалари  
Гул баргидай сочилидилар.

«Наво» бўлдим, «Шабнам» бўлдим,  
Кимга тамал тоши бўлдим.  
«Мушфик онажон» имнинг хам  
40 йиллик кўз ёши бўлдим...

Тун кечалар калавадай  
Форларда айланиб юрдим.  
Олис ёдим токчасидан  
Отамдан бир хабар сўрдим.  
Элас-элас қулогимга  
Бир хиргойи, нола келди.  
Болалигим чорбогидан  
Соринч келди, вола келди.  
Туғилган куним ҳаққи:  
Онгимда чакмок чақкан  
Соринчларга ассалом.

\* \* \*

Қор бўралар сутдай тунда,  
Пойгакда кор чаманзори.  
Онам ёниб сўйлар шунда:  
— Қайда ўғлимнинг мозори...  
Бир кафтгина хокин қучиб,  
Ўлмок агар бўлса тақдир,  
Кетардим беҳинштга учиб...  
Хаёт — сўкир, тақдир — сўкир...

Мен онамнинг этагига  
Бош қўяман, жоним ёнар.  
Ўт кетади кўйлагимга,  
Мурғак устухоним ёнар...  
Бошим силар — тоғдай буюк,  
Дарё каби сокингинам,  
Юзи иссик, бағри куюк,  
Тошибибижон отингинам.  
Туғилган куним хақки:  
Кўнглимга таскин берган  
Овунчларга ассалом!

\* \* \*

Ловуллар тўй машъаласи,  
«Ёр-ёрон-е» масти қилади.  
Чилдирманинг зангуласи  
Кўкни ерга паст қилади.  
Бир кўйнида хамиртуруш,  
Бошда патир нони билан —  
Тўйхонага кирап Кумуш  
Хусни хиромони билан.  
Келин-куёв қолиб бир ён,  
Чол-кампирлар жўшиб кетар.  
Лапар, ялла, раксу хандон  
Хаяжонлар тошиб кетар.  
«Шарбат сув»ин қилиб талаш  
Ёприлади кизлар күшдай.  
Мен тортинчоқ, содда, ювош  
Йўлда қолдим пўта ушлаб.  
Кўлимдаги ҳадями, оҳ,  
Дастрўмолми ёки жаннат!  
Болалигим — сирли даргоҳ,

Мўъжизага тўла фурсат.  
Туғилган куним ҳакки:  
Гўдаклик байрамлари  
Завқ-шавқларга ассалом!

\* \* \*

Мен йўл юрдим, эртакларнинг  
Ойнакўларидан кечдим.  
Куш тумшуқли куртакларнинг  
Лабларидан асал ичдим.  
Ўртачўлнинг, Маликчўлнинг  
Савлатидан лолу ҳайрон  
Умр деган мангу йўлнинг  
Қоқ белига етган замон,  
Тафаккурнинг лангар тоши  
Тушгай хаёл кўлларига  
Чакмоқларга гоҳ ёношиб,  
Боқиб фурсат милларига,  
Хар лаҳзани қиласай тахлил,  
Хар нафасдан излай маъно  
Бир паллада – нак эллик йил,  
Ўн йилим – тош босар аммо.

Ўзлик билан дийдор, фурур,  
Улувabolарим саф-саф,  
Эллик йилда тушмаган нур  
Ўн йилликда кетар порлаб...

Наврўзларим, ҳайитларим,  
Сумалагу сайилларим...  
Номсиз кетган шахидларим,  
Қад тиклаган манзилларим,  
Ал-Бухорий, Мотуридий,  
Баховуддин пирим, ёраб,  
Озодликнинг шаъни суруди,  
Ҳаётимни нурга ўраб,  
Қайта гулга кирган боғдай  
Юртим аломат бўлди-ё,  
Кўнгли ўсиб, кўкси тоғдай  
Халқим саломат бўлди-ё!  
Мақбарларнинг жисмидаги  
Рухлар оройиш топдилар.  
Авлиёлар исмидаги  
Шукухлар дилни топдилар.

Зарра-зарра, мисқол-мисқол  
Тарихини тиклади халқ.  
Эътиқоди иймон-аъмол,  
Йўриғини тиклади халқ.

Ким чироқнинг тилидаги  
Ёниб турган пилик бўлди.  
Фарзандлари дилидаги,  
Жонидаги илик бўлди.

Кўргуликлар, каро кечмиш  
Ортда колди вахим тушдай.  
Эрк сувидан ким бир ичмиш,  
Сайраб юрар найқамишдай.

Тил тагида тиниб ётган  
Чанқовузлар тилга кирап.  
Даштликларга дўниб ётган  
Кир-андизлар гулга кирап.

Сибизғалар чилторларга,  
Арганунга эвриладир.  
Кўзида ўт ёнган одам  
Афлотунга эвриладир.

Питнак — Кўнғирот йўллари,  
Юксалиш, нажот йўллари,  
Буюк Ипак работига  
Туташган хаёт йўллари.

Ўзбекистон чироқларин  
Ўчмас қилиб ёккан авлод  
Ой, юлдузли байроқларин  
Дунё узра кўтарди шод.

Бу байроқда буюк Темур  
Кудратини кўргай жаҳон.  
Хар юракда ёйди томир  
Кучга тўлган Ўзбекистон.  
Туғилган куним хаққи:  
Хур шамолга ассалом!  
Истиқлолга ассалом!

\* \* \*

Айрилик, армонни кўрдим,  
Ер ичра осмонни кўрдим,  
Дўзаху ризвонни кўрдим,  
Донаю нодонни кўрдим.  
Кўрдим, яна тузлиғига  
Тупурган зоти пастларни.  
Ўз динига, ўз туғига  
Мункир бўлган нокасларни.  
Пана-пастқам кулбаларда  
Қилтузоқлар қураётган,  
Катта карвон йўлларинда  
Лайча кўрдим ҳураётган...

Барисидан огоҳ элим,  
Огоҳ элим у шоҳ элим,  
Ёвларини ер тишлатган –  
Мардларига паноҳ элим!  
Кийикларин шоқолларга  
Олдирмаган мерган элим.  
Пирларини ўз кўксига  
Тирик олиб юрган элим.  
Шоирларини Ҳизр деб  
Сизлаган баҳши элатим.  
Сўзи дилга манзури зеб,  
Отамдай яхши элатим.  
Туғилган куним хаққи:  
Баҳшиларга ассалом!  
Яхшиларга ассалом!

\* \* \*

Тун ҳамроҳу кун ҳамроҳ  
Кўнглида шуури пок,  
Дили поку тили пок  
Бошпаноҳ берди Аллоҳ!  
Шукурким, супрасидан  
Курук кўймади худо.  
Киркта қиз хуснин қўшиб  
Берди бир гули зебо.  
Набиралар ҳам тоидим –  
Қантак ўрик донаси.  
Ширмой кулчалар ёпдим  
Хол бўлиб седонаси...  
Тоғлардаги бодомдек  
Ялакат мағизимсан.

Худо берган боламдек  
Киссамда майизимсан.  
Үчоғингда ўт бўлиб,  
Кулларингга қоришиб,  
Ризку рўзим бут бўлиб,  
Дарди дунём ёришиб,  
Беш мучалнинг белида,  
Нақ саратон селида,  
Корингга яраб турсам,  
Иқболинг сўраб турсам...  
Сен ҳам дуо килиб тур,  
Юзларга кириб юрсам,  
Буюк давлат бўлганинг  
Суюниб кўриб юрсам!  
Түфилган куним ҳакки:  
Дилда чексиз эҳтиром  
Ота юртим, ассалом,  
Она халқим, ассалом!

2002 йил.

## БУЮК КАРВОН

*Kасида*

Илоҳданми, ғойибданми,  
Тушданми,  
Достонларнинг боши  
Алпомишданми,  
Байроғимга қўнган  
Ҳумо қушданми,  
Пайғамбардай  
устозларим келдилар,  
Байрам куни  
мумтозларим келдилар.  
Улар мағрур  
эгилмаган бош билан,  
Кўкрагини янчиб ётган  
тош билан  
Қанча дордан  
соғу омон қолганлар,  
Диёнату  
иймон томон қолганлар.

Кунтуғмишдай дорни  
Сизлаб юрганлар,  
Үзин сенлаб, ории  
Сизлаб юрганлар,  
Эл қадрига қадр қүшиб  
Шод-хуррам  
Карвон бўлиб  
Сафга кирар ушбу дам.

\* \* \*

Эл қадрин кўтартгай  
Тўй, сайл, байрам...  
Буюк фарзандларинг  
Куришиб давра  
Хулкар юлдузидай  
Бўлмиш жамулжам:  
Шарқдан келаётур  
Faфур Fуломинг,  
Арслондай наърадор  
Кутлуғ каломинг.  
Жингалак соchlари  
Шамолда тўэғиб,  
«Ўшшайган қоялар»  
Сукутин бузиб,  
Наъматак гуллардан  
Гулчамбар тузиб,  
Кўзларида чакнаб  
Илхом қуёши,  
Ойбек келаверар —  
Нурга ёношиб.  
Ошиқ дил мұхаббат  
Эхтиросидан  
Дарёга айланиб  
Ишқ гиёсидан  
Саҳнани ларзага  
Солиб шавқ-шиддат,  
Мағрур кириб келар  
Аброр Ҳидоят.

Канал бошидаги  
Гулханлар билан,  
Ёзёвон чўлида  
Гулшанлар билан

Мукаррамхон бели  
Бойланиб келар,  
Дурраси оқкушга  
Айланиб келар...

Озарий назокат,  
Ўзбек ифода,  
Мирзо Улугбекдан  
Сўйлаб зиёда,  
«Сиздан сўрасак?»  
Деб келур Шайхзода.

Ўтрорнинг қадими  
Эллари тилсим.  
Широк афсонасин  
Айтиб хуш насим,  
Хадра ёқдан келур  
Миркарим Осим.

Оху ноласидан  
Кўкон ўртаниб,  
Машрабдан куйласа,  
Жаҳон ўртаниб,  
Боши тошга тегиб,  
Ўртаниб ниҳон,  
Муроджондай хофиз  
Келар хуш-хушон.

Азим Самарқанднинг  
Миноралари,  
Тошкентнинг дур сочган  
Фавворалари —  
Нурлар шаршараси  
Ёмғирига ғарк  
Байрам шодлигига  
Чўмган Она Шарқ...

Нафис ҳар чизгиси  
Минг битта ҳайрат  
Чингиз Ахмар келар  
Моний пир сифат.  
Бир ёнда төр каби  
Тўкиб кўр-савлат  
Устоз Қаҳхор турар  
Вазмин, пурхикмат.

Ганжларга жон кириб  
Бармокларидан,  
Ситораи Моҳи Ҳоса —  
Ёклардан  
Юксалиб, қадридан  
Кўнгли чоғ бўлиб,  
Уста Ширин келур —  
Кўнғирок бўлиб...

Жўрахон Султонми,  
Маъмуржон булбул,  
Ботир Зокирми ё  
Шикаста кўнгил,  
Ё Шукур Бурҳонми —  
Эдип шоҳ келар...

Ўзбекнинг армани  
Ширинаабони  
Лапар айтиб шўх-шўх  
Тамарахоним  
Овози туғёни  
Хусни моҳ келар.

Чилдирма зилзила  
Солар тоғларга,  
Уста Олим келар  
Озод боғларга.  
Авж пардасин олса  
Мухиддин кори  
Қамишдай чайқалур  
Эйфел минори,  
Худо берган овоз  
Сехру викори —  
Тўйчи ҳофиз куйлар  
«Тошкент ифорин».

Туркистон йўлидан  
Саболар келур.  
Миртемир тилида  
Наволар келур.  
Ер каби хокисор,  
Халқимдай чечан  
Бахшим, бағрингизда  
Доғ бордир неча...

«Мажнунтол тагига  
Үтқазинг мени,  
Энди у йиғласин,  
Мен йиғлаб бўлдим».

Фифонми, туғёнми  
Пардаларга жо  
«Шашмақом» селида  
Бўзлайди дунё.  
Юнус Ражабийдек  
Карвонлар келур.  
Уйғур каби уйғок  
Вулқонлар келур.

«Додлама, додлама,  
Дод саси келди.  
Каршининг чўлидан  
Ёр саси келди».  
Муборак, муборак  
«Дохунда», «Куллар»,  
Истиқоллинг кутлув  
Муждаси келди...  
Бухоронинг баҳмал  
Кечаларида  
Садриддин Айнийнинг  
Нафаси келди...  
Елкасида ҳамон  
Дарра излари,  
Тарихга гувоҳдир  
Доно кўзлари.

Ватан кенгликларин  
Қўчириб бўзга,  
Ўрол Тансиқбоев  
Киради сўзга.

Хай, кўхна Хоразм,  
Ёркин қўшиксан.  
Комилжон ҳофизга  
Ўзинг бешиксан.  
Ичон қалъаларда  
Бир нола сездим.  
Ҳофиз согинчидан  
Зувола сездим.

Нохун урса, тордан  
Ловуллайди ўт...  
Жайхун бўйларидан  
Келар сор бургут!

Муштипар онага  
Айланиб бу дам  
Жилмайиб чикурлар  
Лутфихоним ҳам:  
— Минг шукурки, халқнинг  
Нажоти келди.  
«Бахрул ҳаёт» олиб  
Фарходи келди.

Наби Фани келур  
Илхом нақди деб,  
Олтин қадрларни  
Олмоқ вақти деб...  
Келур Аббос Бакир,  
Марияхоним,  
Хожи Абдулазиз —  
Хофизлар хони...  
Улув Чўлпон билан  
Фитрат кўринар  
Элбек, Усмон билан  
Шухрат кўринар...

Бошини кундага  
Қўйган зотларим,  
Шонларим, армоним,  
Буюк ёдларим —  
Юлдузга айланиб  
Ватанга қайтди.  
Озод Рухлар бўлиб  
Жон-танга қайтди.  
Метин кўрғон бўлиб  
Тургач улар ҳам  
Бўлди Истиклолнинг  
Сафи мустаҳкам!

Бу байрам Сиз билан  
Фарахли, кўркам,  
Куч-кудрат бердингиз  
Келажакка ҳам!

Озодликка зирху  
Калқон, марҳабо!  
Миллатнинг дардига  
Дармон, марҳабо!  
Қадим юртга Буюк  
Карвон, марҳабо!  
Марҳабо!

2002 йил.

## ЗИЁРАТ

### *Достон*

Буюк Зиёратга ошиққан элим,  
Мангуликка битмиш эхтиромини.  
Зарҳал ёзувларда титрайди қўлим,  
Ўқийман акамнинг кутлур номини.

Маҳзун хотиралар кезади бунда,  
Мотамсаро Она чўмган хаёлга.  
Фаришта ой тушиб келади тунда  
Шошилиб ғанимат сухбат, висолга.

Пўлат сахифалар очилиб жим-жим,  
Чимилик кўрмаган йигитлар чикар.  
Дунё кўрмагандир бу тахлит тилсим,  
Эътиқод, лафзида событилар чикар.

Хайкал пойидаги гуллар тирилиб,  
Киркин парилардай гурунг бошлайди.  
Йилларнинг жилови кетар сурилиб,  
Тарихнинг тилини ечиб ташлайди.

Рухим чўлларини сел босар ногоҳ,  
Ёмғирдай қамчилар хотира дўли.  
Кўксимни эллик йил кемирган сўрок  
Жавобини топар бунда бир йўла.

Онам қирқ йил бўзлаб, излаган дарак,  
Отамнинг қаддини буккан дард, фифон,  
Пўлат сахфалардан мисли гулдурак —  
Овоз бериб чикар акам — Неъматжон!

Накшинкор устунлар — донишманд чолдай  
Даврага кўрк бериб турар лол, хайрон.  
Хув, ана, кирларда турган шамолдай  
Она сари келар аркдай бир ўлон.

Қарасам, бўйлари чинор кўринди,  
Кўксидা — жароҳат, тумор кўринди.  
Болам, деб оҳиста қўзғалди Она,  
Иккиси олтмиш йил бедор кўринди...

\* \* \*

Шукrona — роҳату азобим учун,  
Уйкусиз тунларим учун минг шукур.  
Кўнгилда ишқ гирдибодим учун,  
Ўтли қуюнларим учун ташаккур.

Югурик тилимга қўргон бўлди тиш,  
Худа-бекуда сўз чўкди дилимга.  
Кўкайим куйдирган аламу кохиш  
Гул бўлиб сочилди ўтар йўлимга.

Донғил оғаларим шижоат-шаҳди,  
Хар лаҳза ақлимдан сўрайди достон.  
Отамнинг хар баҳор армон дарахти —  
Гуллаб, мева туғиб чорлаган Бўстон.

Бир ойдин кунларга қўйиб мухабbat —  
Кўзи очик кетган эрк ҳофизи ул.  
Онамнинг қаддини тик тутган савлат —  
Умид ва соринчнинг эрк юлдузи ул.

Чимилдиқда ёнган шамъи хар кеча  
Парвона мисоли излайди висол.  
Ул ўтган кўприклар жонланиб неча  
Хар ўтган қадамдан сўрар дарак, фол.

Хар кун ажал билан келиб юзма-юз,  
Хар кун омон қолган мўъжиза келбат,  
Хар кун эртакларда тирилган ой юз,  
Хар кун хотирада жонланган суврат.

\* \* \*

Термулсам — ўқларнинг ваҳшати аро  
Бургутдай айланиб юрар кўкимда.  
Шўх-шўҳ ирмокларнинг сухбати аро  
Овозлари янграб тонгги насимда.

Буюк мусаввирим — Аллох, эй хабиб,  
Оғамнинг арқдайин қоматин чизар  
Ва унинг ёнида маҳзун жилмайиб,  
Ийманиб кўринар Азиза — дилбар.

Сукунат. Йилларнинг бедод жимлиги.  
Киприкда дур каби қотган қатра ёш.  
Эрка келинчакнинг шўх маъсумлиги.  
Йигитнинг меҳрида балқиган қуёш.

Фурсат — қанотлари куйган капалак,  
Лопиллар, учолмас, шамда доғланур.  
Келинчак елкасин тутган жамалак  
Сочлари сим-сима дилга боғланур.

Бу соchlар бандига искандарпечон  
Гулидай чирмашур ошик қалб ёмон.  
Хижрон килич солар — ногоҳ беомон,  
Рух учар, сих қотиб қолар икки жон.

\* \* \*

Эй милтиқ тепкисин босолмаганим,  
Оғам, шамъи сўзон, қайларда ёндинг?  
Аждарҳо дарёлар тўлқинларида —  
Бир курук хашакдек оқдинг, тўлғондинг!

Мўр-малаҳдай босиб келади лашкар.  
Тилин тушунмайсан. Таржимонинг ўқ.  
Чумчуқдай қирилар навқирон аскар,  
Жонга ора кирап бирор нажот йўқ.

Тепаликлар қора қонга бўлар ғарк,  
Хандакларда нола-фарёд инграюр.  
Э воҳ, боғларида жаннат баҳор Шарқ,  
Гулдай болалинг зирх кафай киур.

Ана, котмагина, нақ мирзатерак,  
Қорақош, кўзлари сурмали йигит —  
Тўпидан ажралиб чикар — шерюрак,  
Сояси — нақ тоғнинг аксидай булут.

Милтиги бўғиздан варанглайди ўт,  
Ўт кетар душманнинг хонумонига.  
Ё, тангрим, сен ўзинг бўлгин-да совут,  
Шу содда ўзбекнинг иссик жонига.

Талотўп, урхо-ур жаҳаннамий жанг,  
Ер шудгор бўлади туёк зарбидан.  
Нак кўкнинг ҳалқуми аро тўзон-чанг,  
Қон иси гупурар хар бир шарладан.

От юри кишинар, пишқирав телба,  
Пишқирав Дунайнинг телба туфёни.  
Қизил олов каби яралар далва,  
Қиёмат. Ярадор отлар сурони.

От ва одам қони окар аралаш,  
Мўрчадай хор оёқ остида мурда.  
Навниҳол ҳамшира ўқларга талаш,  
Ярадор аскарни боради судраб.

Кора кокилларин ямлайди олов,  
Этиклар оралаб ўқ учар виз-виз.  
Қайси Тўмарис бу, Барчинми бу дов,  
Муқаддамхонми бу фариштадай қиз?!

Сув сўраб, оташу алнга ичра  
Бир йигит Гўрўғли тарзида ётар.  
Ойдай сувратига осколка сачраб –  
Кўзлари – қуёши мангуга ботар.

Анув оёқларин ўқ еган йигит –  
Туядай бўкирав оғриқ зўридан.  
Шамшод дараҳтидай уруши – бесубут  
Кўчириб ташлади уни юртидан.

Ер чанглаб ётар бир пари ўғлон –  
Ўн гулидан бири очилмаган, оҳ!  
Сабза мўйловида насими армон,  
Куёв тўнлари ҳам бичилмаган, оҳ!

Одамхўр урушнинг кора сояси  
Бошида айланиб, чарх уради киз.  
Мисли қизил гулнинг алвон пояси  
Ҳаёт чечагидай югуради киз.

Охиста эгилиб яшил новдадай  
Ер қучган аскарнинг жасади узра  
Видою висолга элчи савдода  
Ғунчадай лаблардан учади сўзлар.

Рози бўл хаётдан. Хайр-хўш қани?  
Насядир онангнинг дийдор, дуоси.  
Қай бир отанинг сен хаёт гулшани,  
Неча ўғилларнинг ота дунёси...

Бу иссиқ оғушда толиб ҳаловат,  
Мұхаббат шавқидан яйрайди ҳаёт.  
Қара, совук милтиқ кўксингда, хайҳот,  
Ёр бўлолмадим деб чекади фарёд.

Қай бир келинчакнинг қора зулфагин  
Ўриб-ўрмай совуб бормокда қўлинг.  
Билиб-билмай сенинг хабар-дарагинг  
Йўллари ўт олиб йиглайди элинг.

Балки бешик қучиб, аллалар айтиб,  
Зурёдингни асраб кутмоқда ёринг?  
Не бўларди, тирик борсайдинг қайтиб,  
Карнай-сурнай билан кутса диёринг...

Эшитмас, тингламас ўлик — сагира,  
Қўзи очик ётар наврастга ўғлон.  
Унинг кўзларини ёпар ҳамшира,  
Юрагида ёнар яна бир вулкон...

Ажал чанг солади дуч келган жонга,  
Наҳангдай оғзини очар еб тўймас.  
Дарё ҳам торткилар кирғоқ томонга  
Интилганларни соғ-саломат қўймас.

Тутдай тўқилади жангари қўшин,  
Тонг ва шом юраги зада, гунгу лол.  
Замбараклар тилдан колар яrim тун,  
Бошига кул сочиб изғийди шамол.

Ўлик-тирик ётар чирмалиб саф-саф,  
Фарёд, мунгранишлар ўртар ер-кўкни.  
Чалажон бир аскар беҳол ўрмалаб  
Отар садоқдаги охирги ўқни...

Сўнг узоқ уйқуга кетади аскар...  
Тушида ҳандалак полизларини,  
Бехизор боғларни қўриб хўрсинар.  
Туш ичра искар сой ялпизларини.

Узумзор бөг тўри. Қамишдан чайла.  
Тўрқовокда сайрар бедана сармаст.  
Узун соchlарини чамбарак айлаб  
Ой каби тўлишиб келади Хушвакт.

Кўлида бир тасма нурдай биларзук,  
Бўйнида сохира қизил маржони.  
Беллари навниҳол тол каби нозук,  
Сўзларин наввоти илитар жонни.

Тупроқ йўлда келар — тўпиқларига  
Бош уриб, ошиқдай яйрайди тупроқ.  
Каштали енгларин ипакларига  
Гулми, деб арилар бўлади кўнмоқ.

Офтобнинг парлари тўзиийди пар-пар,  
Пастда шовуллайди бир тегирмон сув.  
Танглайн такиллаб, «сув» дейди аскар,  
Зулмат тун. Вайрон. Кабристон. Ёху...

Кўз очар. Кўксида ланиллаган ўт —  
Ўпкондай жароҳат куйдирар жаз-жаз.  
Ўзин пайпаслади ҳайратдан йигит,  
Тирик қолдимми, деб шивирлар элас...

Тириклик! Муқаддас, мўъжиза нафас,  
Аллоҳнинг энг олий тансиқ байрами!  
Сен шундай илохий, бокира ҳавас,  
Хосиятли, кутли, кўнгил ҳамдами.

Тангри, бу умрни этдинг мукаррам,  
Яна икки дунё карздорингман!  
Ўлим бозоридан жон топган одам,  
Энди тирикликка харидорингман.

Ўлмаган жондан-ку умид беҳисоб,  
Бедарак аталди неча йилу ой.  
Кўргани жанг бўлди, чеккани — азоб,  
Жаннат манзилига етказди Худой...

Ялт этган юлдуздай бир ёниб ногоҳ  
Мангу хотирага айланиб кетди.  
Инига қайтгандай қарчиғай нигоҳ  
Пўлат ёзувларнинг қасрига етди.

Бедарак нишон, деб очолмай аза  
Умидин узмади Она меҳрибон.  
Энг сўнгги нафас ҳам очиб дарвоза  
Йўлга караб туриб Она берди жон...

Ҳаёт қўнғироғин чаларкан масур,  
Мажрух юракда ҳам баҳор гулдирап.  
Шодмон кунларга ҳам етишдик, шукур,  
Майдонда бир дунё бола чулдирап...

Ёндириб Ажалнинг пулсиротини  
Хотирага дўниб келган ўғиллар.  
Бунда шивирлайди улар ёдини  
Мотамсаро Она. Хотира. Йиллар.

\* \* \*

Кўзимнинг кароси —  
Жонкаш, жафокаш  
Ҳар битта ўғлимга  
Тилайман умр.  
Шахидларим эса  
Қалбимга туташ  
Менга ҳаёт бериб  
Тургувчи томир...  
Уруш қурбонлари —  
Сўнмас чечаклар  
Ҳар тун тушларимни  
Ёритган зиё.  
Болалар учирса  
Кўклам варраклар  
Менинг юрагимга  
Айланар дунё...  
Шахидларим ётган  
Қишлоқми, шахар  
Раҳмат ёмғирлари —  
Нурлари ёғсин.  
Фалакдан жамланиб  
Ҳар кутлуғ сахар  
Осмоннинг фаришта,  
Хурлари ёғсин...  
Улар дарёларнинг  
Тўлқинларида

Чорлоқдай сайрашиб,  
Паридай яйраб  
Сирли дунёларнинг  
Эпкинларида  
Жаннат күшларидай  
Юрсинлар куйлаб...  
Ялпиз-райхонлардан  
Исларин излаб,  
Ўн тўрт кунлик ойдай  
Юзларин излаб,  
Бедор наслларга  
Бедор Рух каби  
Уларнинг умридан  
Туарман сўзлаб...  
Улуг Озодликнинг  
Шахидларига  
Бағримда тикладим  
Мармар лавҳалар.  
Бугун Истиклоннинг  
Шоҳидларига  
Ватан севгисидан  
Сўйласин улар...  
Яна Ватандошлар  
Рўйхатларида  
Тирик инсон бўлиб  
Яшайди улар.  
Инсофу Адолат  
Сарҳадларида  
Элни ёруғ кунга  
Бошлайди улар.  
Улар Кадр деган  
Зангламас олтин,  
Хотира буржида  
Сўнмас юлдуздир.  
Хар баҳор гуллайди  
Боғлардан олдин,  
Улар хазон билмас  
Яшил илдиздир.  
Хар сахар ёдимнинг  
Кояларидан  
Бағримга қайтади  
Юз минглаб бургут.

Эллик тўрт йилдан сўнг  
Калбимга қайтди  
Рухимни тарк этган  
Муқаддас Нур – ўт.  
Хулкардай жам бўлди  
Жон-жигарларим.  
Ўртанган дилимга  
Келди ҳаловат.  
Бағримда аллалаб  
Хур шахидларим  
Сахарлар қиларман  
Шукри тиловат.

2002 йил.

# БОЛАЛИК БАЙРАМЛАРИ

Бадиалар, мутолаа



## ЧИЛЛИК ЎЙИН

— Бир, икки, уч,  
Дулдул бўлиб уч,  
Акколимни тут,  
Тута олмасанг  
Аламингни ют...

Аккол — чиллик қанғиллаб учади. Икки учи роса текисланган. Икки тумшукли бургутқушдай. Қанғиллаб учеб ўттиз қадам нарига бориб тумшуғи билан «қўнади». Ана энди уни аккол уяга мўлжаллаб отадиганлар кела-версин. Нозик опамиз зувиллаб югуриб борадилар. Акколни олиб чиллик уяга ирғитадилар. Чиллик карсиллаб учеб келади-да, беш қадам нарига кўнади. Энди Ҳаловат акколнинг тумшуғига чиллик даста билан уради. Чиллик пириллаб уядан 50 қадам нарига учеб ўтади. Нозик опа яна «зувиллаб» бориб чилликни уяга ирғитади. «Зувиллаб» ўпкаси шишган опамиз чарчайди.

Давр бермай чиллик ураверган Ҳаловатнинг эпчиллигидан ғашимиз келади. Навбатни бизга бермай ўйнайвегардими?

Мен, Назира, Хурсандой жўр бўлиб айтамиз:

Аккол ўйнаб юрганлар  
Билсин ўйин тотини.  
Даврни бермаганлар  
Давча бобом хотини!

«Давча бобом» хотини бўлишдан қўрккан Ҳаловат энди чилликни аяброк уради. Нозик опамиз чиллик уясига етказади бу гал. Ана энди Нозик опам чиллик урадиган, Ҳаловат зувиллаб югурдиган. Нозик опам чилликни уради. Чиллик карсиллаб қушдай кўтарилиб учади. Узокқа тушади. То уяга келгунча Нозик опам чиллик дастани ураркан, йўл-йўлакай ҳар урганда бизларни «туғади», яъни «Ойдинчани бир туғдим», «Назирани бир туғдим», деб чилликни ураверади. Чиллик уядан нари сакраб учаверади. Биз Нозик опага навбат олиб берганимизга мукофот-да.

Бир давра айлангунча Нозик опамиз бизни икки-уч мартадан «туғадилар». Биз урган чилликларимизни ҳам Ҳаловат опа тутиб отиши, уяга етказолмаса, «зувиллаб» бориши керак-да. Зувиллайвериб Ҳаловат опанинг товушлари бўғилиб колади. Оёқлари толади. Намхуш ерда ҳали тупрокнинг жони исимаган кезлари чиллик ўйнайвериб, чарчаймиз. Чиллигимиз гоҳ ариқ бўйидаги коратоллар шохига қушдай қўниб, шу кўйи ерга тушмай қўя қолади. Гоҳ девор оша Сарвар холанинг ҳовлисига, гоҳ бизнинг томорқамизга «мехмон» бўлади. Чилликдаста гужумдан, чиллик ҳам гужум навдасидан, қаттиққина эди, тушган ерини ўяр, теккан жойини синдирамай қўймасди. Бир хисобчимиз бўларди. У пайтлар ҳар тонг Баҳром тоға табелчимиз: «Фалончиникига ҳашарга», «Фалончиникига нури чикарарга», «Бойлар ёбонига ер текислашга», — деб одамларни ишга чакириб ўтардилар. Ишга чиқмаган ёки меҳмон-измонни деб далада қораси кўринмаганни хисобчимиз «азбаройи инсоф» деб койирди.

Муқим бобонинг кўримсизгина уйига туташ бачки ер бизники, чиллик ўйин бозорини қизитардик. Ернинг шундок рўпараси қишлоқ чойхонаси бўлиб, қиши кечалари ҳамма жам бўлиб кўрак чувирдик. Артистлар келса, концертлар қўйишарди. Ёз кечалари оппок деворлари экран вазифасини ўтарди. Ўша бинода хисобчимиз бир хонада кун бўйи чўт коқиб ишларди.

У киши бирорларни инсофга чақирса, озгина пўписа килиб қўяр, ҳар бир гапини «азбаройи инсоф» деб бошлиларди. У кишини ҳамма «азбаройи инсоф» деб атарди. Келиб-келиб чиллик қурмағур «азбаройи инсоф» тоғамизнинг ишхонасига тегадими? Тераза кўзларини синдирадими? Чиллик чилликда қолди, даста кимда қолди, оғимизни кўлга олиб, тумтарақай кочдик-а.

*Гулдур гун,  
Оғизим қулф.  
Мандан олдин ким гапирса,  
Хаккага айлансан, —*

деди Нозик опамиз.

Биз хаккага айланмайлик, деб оғизимизга қулф солдик...

Айборларнинг уйига бир-бир кириб «азбаройи инсоф» тоға инсофдан дарс бердилар.

Оғзимизнинг кулфига «калит» топилмади.

Ерни яхшилаб ағдариб, буғдой сочишди. Хайр, чиллик ўйин. Хайр, кувлашмачок, зувлашмачок...

Чиллик ўйин аслида болаларнинг соғлом ўсиши учун жуда фойдали экан. Югурганда оёқ мускуллари, пайла-ри мустаҳкамланаркан, «зувиллаганда» ўпка кенгайиб, чидамли бўларкан. Болаларни тўғриликка, ахилликка, меҳрибончиликка хам ўргатаркан...

Чиллик уяга тумшукчаларини қўйиб турган чиллик – акколларимиз бизнинг сехрли күшчаларимиз эди. Унинг қўшиқлари бедард, беармон эди. Чулдираган күшлар – чилликлар – орзулар изидан югурадик, қўлтиқларимиздан тилсим қанотлар ўсиб чикарди.

*Бир, икки, уч,  
Осмонларни қуч.  
Чиллик жўражон,  
Дулдул бўлиб уч!*

## РЎМОЛЧА

Бизнинг кашта тикишга, рўмолчалар четига тўрли хошиялар тўкишга ишкимиз тушган. Мактабда танаффус бўлса рўмолчалар ёйлади. Фуж бўлиб рўмолчага тўр тўқиймиз. Дала шийпонида пешин чори ҳамманинг кўлида ип-игнасию кашта-күшта, дастрўмолча. Баъзан шунчалар кизиқиб кетамизки, табелчи Бахром тоға «хайхай» ламасалар, чопик ҳам, ягана ҳам, чилпиш ҳам қолади-кетади. Ичимизда энг хунармандимиз Мухаббат. Мактабда эса – Фароғат ва Зубайдা. Ҳар йил баҳор бошида мактабимизда кўргазмалар ташкил этилади. Биздай «чевар» ларнинг рўмолчаю кашталари қолиб, қишлоғимиздаги Юсуф аканинг куроклари, кашталари, турли хил жуғрофий чизмаларни каштага солиб тиккан ишлари биринчи ўринни оларди. Унинг кашталарида чаманлар ғунчалаб ётади. Белбоғларнинг гирдига тиккан нилоби тўлқинларидан салқин ҳаво уфургандай. Ёстикларга кураган курок «кош» ларини кўриб оғзингиз очилади. Бизнинг ихлос билан тиккан каптарчаларимиз ҳам анойи эмас. Фароғат ва Зубайда ер шарини кашта килиб тиккан. Мухаббат тўлдириб тиккан атиргуллар нак шуъла сочади. Межнат ва расм ўқитувчимиз бизни

ҳам мақтаб кўядилар. Барибир туман бўйича биринчиликни Юсуф ака тиккан гуллар, кушлар, куроклар олиб кетади. Мактабимизнинг спорт зали худди гулзорга ўхшаб яшнаб ётади. Янги йил байрамлари, қўшик байрамларида ота-оналаримиз ҳам меҳмон бўлиб келишади.

Рўзибиён қизлари кўхликкина, истараси иссиқкина. Шунинг учун узок қишлоқлардан нуқул бизнинг опаларимизга совчилар келишади. Оналаримизни отга миндирib қўшни қишлоқ йигитлари олиб кетишади. Худди Юнус пари, Мисқол парини отига ўнгариб кетган Гўрӯғлидай.

Биз тиккан белбоғ ва рўмолчаларимиз, кашталар антиқа, анвойи: йўрмаки, тўлдириб тикиш, гиламнусха қашта, «барра тиш» қашта, илон изи қашта, «х» нусха қашта, соя тушириб тикиш, илдириб тикиш, занжир қашта ва хоказо. Нилоби, гулоби, нопармон, пистоки, ковокранг, зангори ранг, кирмизи ранглар қалашиб кетади. Пилланинг нукраларини тозалаб, ивтишиб, қозонда қайнатиб, урчукда йигириб, турли ипаклар тайёрлаб беришади оналаримиз. Биз тикамиз. Рўмолчаларимизни тахлаб, санаб-санаб сандиқчага солиб кўямиз. Келин бўлсак — аскотади экан.

Қишлоққа келин тушса — бизларга байрам. Рўмолми, белбоғми, арқонми топиб, келиннинг йўлини тутамиз — пўта боғлаймиз. Тўрт бурчига гул ва булбул нақш чекилган. Чевар келинлар байтлар ҳам тикиб кўйишган.

Биринчи кўприкда биз пўта тутамиз.

Кейинги эшикда Назира ва Муборак. Ундан сўнг Латофат ва Қиммат. Ундан нарида Ҳурсандой ва Ҳаловат. Мухаббат ва Ойдин дугонам ҳам йўл боғлашга шай турди. Бу сафга ўғил болалар ҳам қўшиладилар. Келин пошша ҳар қадамда совға улашиб, имтихондан ўтиб кўёвнинг остонасига етадилар. Қишлоғимизда иккитагина от бор: бири оқ байтал, бигтаси саман от. Саман от чарс, кайвонига бўй бермайди. Уни Барно бобо аравага кўшадилар. «Файро-файро дам-бадам, оромижоним кайдасан»ни айтиб пахта ташийдилар. Оқ байтал эса кайвони бибиларимиздай ювош, келин ташийвериб чиройли эгар-жабдуққа, атлас ёпқичларга ўрганиб қолган.

Мана, катта йўлдан келаётган от бизнинг гузарга қайрилади. Мен Бобоюн укам билан пўта тутамиз.

Келинни мингаштириб келаётган Ҳамида биби бизга рўмолча берадилар, нак офтобдан бир парча узилгандай ялтироқ серкашта рўмолча. Маржондан нозиклар тикил-

ган. Кўлда сўлкиллаб, маржонлари шилдираб ҳусн сочади, келиннинг жамолидай чиройли.

Шўтқари Файзулла тоғамиз пайдо бўлиб, шоирлиги ни бошлади:

*Келин келоди Лоладай,  
Ҳар бир кўзи пиёладай,  
Қокиллари шалоладай,  
Ўзи ойдан зуволадай...*

Шундай қилиб, болаларга энг кўп рўмолча тарқатган келинчак Лутфулла ака (негадир ҳамма у кишини Муфти ака дейишарди)нинг кайлиги Лолаой бўлди. Лола опамиз биз билан бирга далага чиқади. Пешинлари бирга ўлтириб тут соясидами, ўрикзордами, ариқ бўйидами, ховуз салкинидами, кашталар тикарди. Лола опамиз Шарифа холанинг ёлғиз ўғлига тушган. Қизлари Раъно опа «Мехнат — роҳат»га узатилган. Латофат бизнинг дугонамиз. Лола опамиз буғдойранг, кўзлари чараклаб туради, қошлари қоп-қора, пайваста, тутаб ётади. Сўзлари бамаъни. Қуёш тифида қорайса ҳам икки руҳи кизарип туради. Кўзлари доим кулимсираб, юзларида майнин нур ўйнайди. Шарифа холанинг эрлари Ҳабиб Қора урушдан қайтмаган. Учта сафирини холамиз юрагининг кони билан бокқан эканлар.

Онам шундай деб айтардилар... Қишлоғимизга ҳусну жамоли, гўзалдан-гўзал дастрўмолчалари, одоб-назокати билан келин бўлиб тушган Лола опани бизлар яхши кўриб колдик. Далада унинг атрофидан кетмасдик. Рўмолчаларингизни сувларга, анхорга оқизинглар, деб ўргатарди у. Биз гоҳ Дўрмон арикқа, гоҳ Бўстон ариққа оқизардик. Ундаги атиргуллар қайси боғларда илдиз отиб, фунчалаб, чаманга айланди экан. Тумшукчаларида гул баргини тишлиб турган күшчаларимиз қайларга учди экан?

Болаликнинг орзу-ҳаваслари, илк ижоди — дастрўмолчаларим — сени тушларимда кўргим, болалик аталган жаннатнинг исларини искалаб, юзларимга босгим, бу хур замонда қайтадан бола бўлиб қолгим келади. Дастрўмолчам, орзуларимнинг сўнмас гул парчаси, келинларнинг энг азиз, илохий сепига айланишингни истайман. Рўмолчанинг қизил маржонлари шилдирашида онамнинг хиргойиси қулогимга чалинади:

*Рўмолим бор ой гули,  
Ўртаси чойдиш гули.  
Ойдинойнинг топгани  
Онасига чой пули.*

Кўзимдан маржонлар жаранглаб ерга сочилади.

## ЧИРОК

Қишлоғимизда иккита нўғай бобо бўларди: Салой бобо. Курамшин бобо. Салой бобо байрамларда ҳамманинг уйларини, ташкари деворларини оклаб, чиройли қилиб берарди. Хизмат хақига фақат тушлик: нон ва туршак, жийда. Ўзига тўқроқлар лавлаги ва оби новвот билан сийлашарди. Курамшин бобо фўлабирдан келган оппок киши эди. Яшил баҳмал дўппи кийиб юрарди. Хожайи Бўстон мозористонига тутишиб кетган чорбоғли ховлилар орасида керосинхона бўларди. Керосинхона ертўла эди. У қишин-ёзин ана шу ерда керосин сотиб кун кечиради. Мен хар ҳафта катта чеълак билан керосин олишга борардим. Айниқса, бозор кунлари навбат кўп бўларди.

Кимдир чеълагини, кимдир биттагина картарок тошни навбат белгиси қилиб кўйиб кетишарди. Чошгоҳда Курамшин бобо эринмай салобат билан эртаклардан чиқкан қаҳрамонлардай сипо юриб келарди. Кўк сатин ҳалатини ечиб, эшик кесакисига қоқилган михга илиб кўярди. Катта қалин пешбандини оҳиста такиб оларди.

Темир бочкаларда тўла керосин, атрофи кум билан тўлдирилган. У ёғоч тўнкага ўтириб олиб, катта чўмичини айлантириб, керосин беришдан олдин ҳаммага бир-бир караб оларди.

— Келигиз, — дерди у вазмин товушда.

Одамлар жимгина чеълак тўлдириб керосин олиб кетишарди. Менинг чеълагим катта эди. Тўлдириб керосин қуйилгач, Курамшин бобо ерга эгилиб уч-тўртга пайраҳани олиб, чеълагимга солиб кўярди.

— Чайқалиб, тўкилмайди. Дам олиб, дам олиб кўтар, чироғим, — дерди меҳрибонлик ила...

Мен бир чакирим келадиган чорбоғ ичидан ҳансираф керосин кўтариб ўтаман. Дараҳтлар шовуллаб туради. Йўлимдаги Дўрмон ариқ, катта ариқ шовуллайди. Ҳўлволар хупи бўй сочади. Акас дараҳтлари соchlари ян-

ти ўримга кирган қизчаларни кидай «мунчоқ» ли кокилларини шилдиратади. Мен челакни гоҳ у қўлимга, гоҳ бу қўлимга ўтказаман. Ҳар гал бир томонга майишиб, икки этагимга керосин хиди уриб дарвозадан кириб келаман.

— Келдингми, дарди балонгни олай. Елкагиналаринг узилиб тушай дебди-ку, — онам қўлимдан чеълакни оладилар...

Учок бошида қатор чироқлар туради: ўнинчи, еттинчи чироқлар. Тандир кифтида эса оппок нурдай чараклаб лампа шишалар терилиб қўйилган. Онам чироқларни ялтиллатиб, пиликларнинг «куйган» тилларини қайчилаб, лампани мойга тўлдирадилар. Аста-аста уларни ёқиб, лампа шишани қўядилар. Кичкина қасрчада мўъжиза пиликнинг тиллари нур соча бошлайди. Пиликнинг тилларидан мўъжиза пайдо бўлади.

Мехмонхонага ўнинчи чироқни олиб кираман. Еттинчи чироқ эса овқатланадиган хонамизга киради. Ўнинчи чироқни онам шифтга илиб қўядилар. Пиликнинг дуди шифтни қорайтирмасин учун чироқ тепасига оқ коғоздан соябонча ҳам ўрнатадилар.

Сандал атрофида ўтириб овқатланиб бўлгач, чироқ атрофида парвоналардай тизиламиз. Онам топишмоқ айтадилар:

*Ҳавзи сангин,  
Оби рангин.  
Мори печон,  
Гули хандон...*

Мазмуни:

*Тош ҳовуз,  
Суви рангдор.  
Бурама илон,  
Гули хандони бор.*

— Чироқ, керосин, пилиги, олови, — деймиз.

Сўнг онам эртак бошлайдилар.

Бизнинг шу оддийгина чироғимиз сехрли чироқдай эртаклар дунёсига, офтоб сира ботмайдиган, ойлари ўн тўрт ёшлик қиздай кулимсираб турадиган ўлкаларга элтади.

Чироқ туни билан бошимизда милтиллаб нур сочади. Осмон фонаридай.

Чирок пилигини пасайтириб онам аста чиқиб кетадилар. Фонарчанинг бир тилик нури пилладай сарик, у шуъла онам билан ҳамроҳ юради. Сандалнинг кодокларида ғужанак бўлиб ухлаб қоламиз. Бошимизда икки нур, икки фаришта шуъласи уйғок туради: бири чирок нури, бири онагинамнинг бедор меҳрлари.

Йиллар шамолида унут бўлган хотиралар. Зах ертўлада одамларга керосин улашаётган Курамшин бобонинг вазмин нигоҳлари. Бир чақиримлик йўл. Ҳар хафта челак керосин кўтариб бораётган қизалоқ. Байрамларда уйларнинг қанотини, деворлар кифтини оқартириб юрган Салой бобо.

Балки одамзод қалбида нур бўлмаганида, чирок хам бўлмас эди. Хотира чироқлари ўчмай ёниб тургани давлат экан.

## МЕХТАР БОБО

Ёз. Мевалар ғарқ пишган. Саратон иссиғини писанд килмай оғироёқ Бибиражаб опам ишга қатнайдилар. Ҳар куни эрталаб Умар поччам опамга алоҳида тайинлайдилар. Бугун ишга бормай қўя қол, дейдилар. Тағин Йўлчивой бўлмасин, деб қулиб қўядилар. Опам эса идора эшигига қулф тушмаслигини хоҳлайдилар. Баланд бўйли оқ сариқдан келган, иякларида араби холлари, холлари устида туклари ҳам бор опам ишга боргани-борган. Ражаб опам отамнинг дуосини олган эканлар. Иш деса ишни дўндириб, уй юмушларини ҳам тиндириб юрарканлар-да. Ражаб опам билан Нарзиби опам деярли згизакдай эканлар. Бибиражаб опам қўллари чақон, баракали экан. Нарзиби опам озгина эркароқ бўлганлар. Шу сабабли ҳам отам оби овқат сузаётганда Ражаб опамга бир чўмич кўпроқ насиба соларканлар. Нарзиби опамга эса камрок. Ишлаганига караб тишлайди, дерканлар. Косаю косачалар овқатдан бўшагач, Нарзиби опамнинг доим ишлари чиқиб қоларкан. Яъни корнилари «оғиркан». Серғайрат Бибиражаб опам эса то Нарзиби опам чикқунича идиш-оёкларни ювиб, чайиб, чиннидай килиб артиб кўярканлар.

Ўтли-шудли опам Умар поччам урушдан қайтган йиллари хисобчи бўлиб ишларканлар. У пайтларда йигитлар кам. Қари-қартанглар, майиб-мажрух кишилар кизларга

харидор бўлишаркан. Умар поччам ҳам бармоқларидан ажраб кайтган эсалар-да, қўлларида хунарлари бор, отадан колган иморатлари тугал экан, кишлокнинг ёши ўтиб колган анор юзли қизлари барчаси Умаржондай йигитдан совчи кутар эканлар. Умаржон эса ўйлаб-ўйлаб шу ўт-олов, йигитлардай тап тортмас, отаси билан бирга бир этак сингилларининг оғзига мой тутиб турган Бибиражабойни танлабди. Бир товоқцина тариқ палов, битта қалами қўйлак ва Иzzатой опанинг қалғай рўмоли билан келин-куёв бўлишибди. Гулни гулга қўшишибди. Ҳовли-хётлик, тўйлик-тўйчиқлик хонадонда мана энди уч ўғил бир киздан сўнг бешинчи фарзанд кутилмоқда. Онам бечора ҳар куни озгина сарёғми, думба ёғми олиб келиб опамнинг ёстиғи олдиларига қўярдилар.

— Бикинларингизни, киндиқларингизни силаб қўйинг, — дейдилар опамни сизлаб-сизлаб. Чунки шу опам биз сағирларни бағрига олиб, едириб-ичириб, оқ пахтадай қилиб олиб ўтирибдилар-да. Ўзлари опамнинг бикинларини силаб қўймокчи бўладилар, опам уядилар. Ишдан чарчаб келиб ёстиққа бош қўйиб чўзиладилар.

— Диной, — дейдилар, дугоналаримдай исмимни тескаридан ўкиб айтиб. — Оёкларимни авқолаб қўй, бачам. Сани қўлларинг бирам юмшок, иссиқ. Озор бермайсан, — дейдилар эркалатиб.

Мен уларнинг оёкларини уқалайман. Қўлларини, бармоқларини уқалайман. Опам оҳиста мудрайдилар. У чарчогини уйкудай аритади. Беш фарзандни оқ ювиб, оқ тараш, кекса онанинг раъйига караш, яна менинг ташвишларимни кўтариш...

Шўрободдаги опамнинг эрлари Камол Ёрмурод кесилиб кетган. Опамнинг ҳам бешта боласи бор. Ўзлари касалманд. Ишламайдилар. Болалари ейман-ичаман дейди. Ҳар хафта онам қаймок кориб маска қиладилар, уни эритиб коса-коса сарёғ оладилар. Сарёғ, патир, опамдан бекитикча сабзи-пиёз, озгина қотирилган гўшт олиб, бошларига дастурхон қўйиб, қайдасан, Зарметан, деб йўлга тушадилар. Салкам 8 км лик йўлга пиёда кетадилар. Кун ўтказиб терлаб-пишиб, чарчаб қайтиб келадилар. Лекин сира нолимайдилар. Бизларни жеркимайдилар. Овозлари бир хил: жилға сувидай жилдиржилдир, майнин оҳангларга тўла. Айникса, шу кунларда онам яна ҳам мулојим бўлиб қолганлар.

— Опанг ишга бормаса бўларди, бачам. Эл-юртчилик. Дарли пишиб турибди. Ҳар хил одам бор. Кўз тегади. Худонинг ўзи асрасин, — дейдилар. Ҳар кун икки бора исирик тутатадилар...

Бир кун опам ишдан пешинда келдилар. Бошларини ювдилар. Чиройли кўйлакларини кийдилар. Кейин иккаламиз пиёда дўхтирихонага бордик. Уларни туғруқхонада олиб қолишиди. Опамнинг тоза либосларини менга тугиб беришиди. Опам менинг дўхтирга келганимни ҳеч кимга айтманглар, дедилар. Онам эса мен келсам ҳамма ёқни чиннидай супуриб-сидириб қўйибдилар. Қозонда атала қайнаб турарди. Аталанинг хуш хиди димоғимни китиклади. Бир пайт Бобожон укам келиб қолди.

— Бийижон, бизгаям атала етадими, — сўрайди у.

— Етади, бачам, етади. Ражабжоннинг давлати ўнта тўйга етади, бийинг ўргилсин, — дейдилар онам.

Етилган аталага уч-тўртта тухум чақиб ташлаб, оловни пасайтирадилар. Сўнг сопол косаларга атала сузуб, тандир кифтига қўядилар. Биз кутиб турдик, совиса олиб берадилар. Атала совиб ҳам улгурмаган эди: Умар поччам кириб келадилар. Поччам одатда эрталаб ишга кетиб, шом коронрисида келардилар. Биз ҳайрон. Онам эса кулоклари динг. Куёвларига умидвор термуладилар.

— Ойбиби, ўғил невара муборак бўлсин! Ман ўтиб келсам, девдим...

— Худо муборак қилсан-а, — дейдилар онам суюниб. Елиб-югуриб аталани идишга солиб, иссик патирлардан тугиб берадилар.

Шундай қилиб, Умар поччам хонадонида тўртинчи ўғил туғилди.

Ўша иили ёзда опам билан язнам Тошкентга келиб, Муқимий театри томошаларига тушишган, Ҳамза Умаровни ёқтириб қолишган эди. Ўғилча туғилса Ҳамза Умаров бўлади деб юрардилар. Оллоҳ насиб этибди. Ҳамза Умаров туғилганидан шод эдилар...

Бобожон, Рамазон, Қахрамон дикирлаб суюнчи олишга жўнашади. Инобат эса хали алпонг-талпонг юради. Ошхўраклари қотирмоч бўлиб кетган: узум еявериб шира боғлаган. Опамнинг болалари одатда тез оёқ чикаарарди. Инобат кечроқ йўлга кирган, ёлғиз қиз бўлгани учун поччам уни ер-кўкка ишонмасдилар.

Ҳеч қанча ўтмай ок сурп кўйлакларининг этакларини суюнчига: жийда, майиз, туршак, курут, бўғирсоқ ва танга-тунгага тўлдириб уч оғайни ботирлар киришади.

Лолагуллик патнислар суюнчига тўлади. Танга-тунгаларни онамга беришади, онам уларни рўмолчага тушиб, кичкина сандиқчаларига солиб, токчага кўядилар...

Опам, язнам ва мен бир йўл бўлишиб чақалоқни олиб келамиз.

Онам дарвозадаёқ исирик тутатиб, чақалоқни қўлга оладилар. Унинг пешоналарига қўлларини теккизиб, қўлларини эса кўзларига сурадилар. Кўзларига ёш келади.

Ана энди Хамида биби билан Рухсора биби келадилар. Бешикчага чақалоқни соладилар. Хамида биби күшдеккина бўлиб бешикни «миниб» олади ва унинг тепасига қанд-курс, ёнғоқ чакади.

- Акаси йиғласа қўрқмасин.
- Бибиси чакирса қўрқмасин.
- Чакмоклар чакса қўрқмасин!
- Шамоллар турса қўрқмасин.
- Кучуги вовулласа қўрқмасин.
- Мушуги миёвласа қўрқмасин... — деб туради Рухсора биби.

Бешикнинг бир томонида онам ухлаб ётадилар.

Кейин оппоқ пахтадан бир тутам-бир тутам қўйиб, қўлбоғлари, қавслари, туваклари устига енгилгина гурурт чақиб пахтага теккизилади ва момик пахта «пов» этиб ёнади, уни тез-тез йиғиб олиниб, тувакка солинади. Инс-жинслар кетармиш.

- Эгаси келди,
- Бобовлари кетсан...

Чакалок иссиққина, мўъжазгина ватанида мириқиб ухлайди...

Ана энди гапни кўчанинг эгалари — болакайлардан сўранг: қаерда сурнайчи, меҳтарбоз-қўғирчоқбозлар бўлса, эргаштириб чакалоқнинг уйига олиб келаверишади.

Чошгоҳ пайти ванғозилик Мехтар бобо келиб қолса денг.

Қўғирчоқларнинг юзлари лоладай, қошлари палаҳмондай. Бўйлари узун. Беллари хипча. Бирам бийрон, бирам сайрон. Сурнайлари чалинса, тўқсон ёшлиқ кадди дол Эргаш бобо ҳам қиличдай бўлиб даврага тушиб ўйнаб кетади-ёв! Эргаш биби эса ўн саккиз ёшлигини соғиниб, қилпиллаб, рўмоллари ҳилпиллаб, култапешак остида оппоқ соchlари селкиллаб йўргалаб даврага туша-веради!

Хуллас, сурнай юракларни мумдай эритиб сайрайди.  
Чилдирманинг гардишидаги ҳалқалари қизлар қулгисидай жаранглайди.

Мехтар бобонинг қалами хуржуни кичик саҳна вазифасини бажаради. Жамалаклари селкиллаб, бўйнидаги маржонлари шилдираб Кўғирчоқ бекач чир айланади. Кўғирчоқ йигит карсак чалади, «хо дўст» дейди. Ана, келинчак «фунчалайди». Тақдир уларга гўдак беради. Гўдак бошида ота-она парвона. «Она» аразлайди. Чақалокни юпатолмай «ота» гиргиттон. Ота томошабинларга мўлтираб термулади. «Чақалогини» кўлига олиб, хиргойи киласди:

*Маҳмаюсув жоним болам,  
Боргин онангга, алла-ё,  
Андиздаги қирмиз лолам,  
Боргин холангга, алла-ё!*

«Чақалоқ» тинмайди. Боши гаранг «ота» унга дўк уради:

*Чолни кўрса бобом деган,  
Тошибақани кўрса, сут деган,  
Тутга чиқиб тут еган болам,  
Унг кўзини қурт еган болам,  
Боргин бибингга, алла-ё...*

Кўғирчоқ «биби»ни эшитгач жим бўлади. Ўйин-кулги, ҳангома, ҳазил ярим соатдан оширок давом этади. Катталар ғубори тарқайди. Кичиклар кувнайди. Сўнг хонадон бошлиғи патнисда сарпо олиб чиқади: сурими, гарди ҳалили рўмолми, иккитагина иону майиз, туршак, каллақанд дегандай. Мехтар бобо гўдак ҳақига, хонадон сохиблари ҳақига узундан-узоқ дуо киласди. Кўғирчоқларини «ётқизиб», қалами қопига ўраб, қайроқчи бола ёғоч оёқларини «ечиб», яна йўлга равона бўлишади. Болалар эса улокчидай дикирлашиб, каклик боласидай какарлашиб бошқа бир хонадонга — чақалокли уйга ошикишади. Қанча сувлар оқиб ўтди. Қанча баҳорлар келиб кетди. Баҳор кизнинг қизил маржонлари томларга, йўл бўйларига тўкилиб қолди. Соддадил, чақалокларнинг дунёга келганини мубораклаб қишлоқма-қишлоқ кезиб одамларни хурсанд қиласиган Мехтар бобо қайси жаннатга учиб кетди экан? Унинг бийрон ва шўх кўғирчоқлари кайларда, қайси эртакларда қолди?..

## ГИРДИБОД

Кун тиккага келган. Ерга оёқ боссанг, товонинг куяди. Курт-кумурскалар, чумолилар ҳам қайдадир инларига беркинишган. Кушлар ҳам уяларида чурк этмай тумшукчаларини каноти остига олиб мудрайди. Аркони шохларга ўралган говмишим қорни дўумбирадай бўлиб ариқ бўйидаги тут тагида мени кутади. Уйга кетишимиш керак. Мен эса дунёни унутиб китоб ўқийман. Юпка вараклари патнисдай каттакон китобим тугамайди. Расмларга бир маҳлиё боқаман. Ҳар бир ҳарф орасидан менга сехрли дунё мўралайди. Этик кийган мушукнинг саргузаштлари мени тамоман сехрлайди. Тилсим қасрларда каттакон этик кийиб мўйловини бураб юрган улдабуррон мушукка ҳавасим келади. Говмишим бетоқатланиб чўзиб, «мў»лади. Мен эса парво қилмайман. Дўрмон ариқ пишириб оқади. Унинг суви кузда ҳам тинимайди. Доим сап-сарик сумалакдай қуюқ сув оқади. Чукурийўлдан эса бу пайт ҳеч ким ўтмайди. Чунки вақт пешин бўлган. Ер хансираиди. Бундай кезлар катталар ҳам соя-салкинни хуш кўрадилар. Чўпончўликлар эса ертўла қазиб олиб, муздай ертўлада чалоб ёки катиқланган гўжа ичиб дам олишади. Дугоналарим ҳам аллакачон кетишган. Улар оналарининг гапларини икки қилишмайди. Туш пайтида ажиналар, сув бўйларидан сув парилари чиқади-да! Сув парилари, ажиналар бегуноҳ гўдакларга, покиза кизларга ошиқ бўларкан. Эргаштириб ўз форларига, дарёбодларга олиб кетишаркан-да! Улар гоҳ тулкига, гоҳ чиябўрига, гоҳ мушукчага, кучукчаларга айланиб келишаркан... Э-э, дейман. Мен улар билан дугона бўлиб оламан. Кўлтиғида сехр китоби бўлади. Ўшани олиб қочсам, кейин ўша девми, ажинами, умрбод менга хизмат килади. Сув парисининг эса соchlаридан ушлаб олсам, менга чўри бўлади, ха...

Китоб қўлимда, шу хаёл билан офтоб тифида ўлтираман. Бир пайт Қурамшин бобонинг керосин соладиган воронкасидай катта гирдибод йўл ўртасидан фириллаб кела бошлайди. Йўл пастда. Мен турган жой тепада, далининг «ёқасида» — учбурчак шаклидаги ёбончада...

Китобни ушлаганча томошা қилишга тураман. Гирдибод пилтадай ўралиб-ўралиб кела бошлади. Икки одам бўйи балаандликка лип этиб сакраб чиқиб олади. Гирдибоднинг қорни хумдай шинша бошлайди. Мен эсимни йириб олгунимча оёrim тагига етиб келади. Ва кавушиз

оёкларимга Босар кучугимнинг тилларида иссик бир нарса урилади. Юз-кўзимга тўзон тўлади. Кандайдир файритабиий куч мени бир қулоч баландликка кўтариб, бир неча қадам нарига олиб бориб ташлаб юборади. Мен бир лахза ўзимни билмай қоламан. Сўнг гурсиллаб ерга — юмшоққина лой чопик қилинган фўза пайкалига тушаман. Анчадан кейин инқиллаб ўрнимдан тураман. Гирдибод яна паст йўлга тушиб, буралиб-ўйноқлаб Гўдакон тепа томонга силжиб борарди. Менинг аъзойи баданим кизиб, юз-кўзим чанг, нима бўлганини англамай турардим. Говмиш им эса тут соясида ётиб олган, кавш қайтариб мудрарди. Китобим ўн қадам нарида очилганча ётарди. Ҳайрон бир хаёлда китобимни олиб, ховли томон йўналдим. Бир ён Муллатошга, бир чети катта Бўстон бозорига олиб борувчи катта йўл кимсасиз эди. Қайдайдир гулга кирган бедазорда парт-парт қилиб беданалар сакраб коларди. Димокка хуш ёқувчи йўнғичқазорлар шовулларди. Кичкина ариқ бўйида тизилган тутлар катор сухбатдош қизчалардай яшил кўйлакларини хил-пиратиб, гоҳ оғизларидан «бол» томиб сухбатлашаётган келинчакларга бирам ўхшарди-ей... Билқиллаган қайнок тупрок оёкларимни куйдирганини сезмай шитоб юраман. Сигирим эса мендан кўпроқ шошади. Тирсиллаган елинларидан пизиллаб сут отиладигандай. Миям қизийди. Мени ўраб олган гирдибод ерга кирдими, осмонга чиқдими, гум бўлади-колади. Мен эса уйга шошаман. Бу хангомани онамга, опажонимга, укаларимга айтмоқчи бўлман. Уйга келиб ҳеч нарсага тобим бўлмай юмалаганча ухладим-колдим. Салқингина бўйра устига тўшалган шопчаларда ёстиқсиз ухлаб ётаман. Бир пайт онагинам келиб бошимга ёстик кўядилар. Курок кошлиқ ёстикча.

— Иситмада ёнаяпти-ку бугина. Офтоб урдими дейман, — онам пешонамга кўлларини кўядилар. — Пешинга қолмай кел девдим-а, бу маҳмаданага, — хавотир ва меҳрибонлик билан сўйланадилар...

Шу ётганча кун ботди ҳам уйғонмабман. Бир қошик иссик ҳам тотимабман. Эртаси куни чошгоҳда бир амаллаб уйғотишиди. Ҳеч кўзимни очолмайман.

— Хивич олиб келайми, — дейди опам «сиёсат» қилиб. Хивич қайда, опам менга ҳечам кўл кўтарган эмаслар. Бир пайтлар кунгабоқарнинг узун поясини олиб келяптилар. Фовак пуч поя билан уриб бўларканми? Опам оёғимга пояни теккизисб қитиқлай бошлайди.

Мен эса куламан. Мен билан ҳазиллашманг, дейман. Мени жинлар кўтариб, мамлакатига олиб кетди, дейман. Тахтиравонларда учдим, дейман.

— Ол-а, — дейдилар опам. — Лофчи бўлиб қолдингми. Шеър тўқиганинг ҳам бир нав эди. Энди ёлғон латифа тўқийсанми?

Хуллас, опам ҳазил-ҳазил билан, таги зил бўлмасин, деб мени олдиларига ўтқазиб гапиртиридилар. Мен кўрганларимни қўшиб-чатиб айтиб бердим. Онам жуда содда эдилар. Болагинамга жин-парилар ошик бўлибди, деб бош чайқадилар.

Опам билан язнам кенгашиб олдилар. Кейин эртаси куни мулла Ражаб бобоникига олиб бордилар. Оппок сурп кўйлакли, оқ соколли мулла бобо икки ёnlарига лўла болишлар кўйиб, нақшинкор ёғоч лавҳда муқаддас китобни ўкиб ўтирган эканлар.

Мен ва опам ёnlарига ўтиридик. Мулла бобо майин, паст товушда ўша сехрли китобдан жуда узок ўқидилар. Ора-орада менга дам солиб, «куф-суф» киладилар. Кейин чиройли кашталик хатта ўхшаш қилиб сарфиш коғозга нопармон қаламнинг учини хўллаб-хўллаб дуолар ёзиб бердилар. Онам бу дуога жилдча тикиб уни ёқамнинг астарига тикиб кўйдилар. Энди менга инжинсларнинг кучи етмас эмиш.

Ўша воқеадан кейин гирдибод бор деб Чукурйўлга биз сигир ўтлатгани бормадик. Сигир боқадиган жойимиз адирга кўчди. Мен ўша воқеадан кейин тинимсиз шеър ёдлайдиган, вижир-вижир қилиб, ким нима деса, ёдлаб оладиган бўлдим. Маликалар, шаҳзодалар хакида хаёл сурадиган, ипак ва кимхоблар кийиб касрларда юришни орзу қиласиган бўлдим. Баъзан инжиклик қилиб, қайсар бўлиб қолсан, опам ҳазиллашардилар:

— Бунга индаманглар. Муаккиллари келди, — дердилар.

Ана шунақа!

## БУФДОЙГА ҚОП

Муқим бобо аср намозидан сўнг шошиб кўчага чикиб кетди. Муқим бобо жуда завқли, одамижон киши. У киши йўлда биронни учратиб қолса, қозон-товоқ, эчки-улогидан тортиб етти уруг-айморигача суриштиради. Салом айтади. Кўча-кўйда бола-бақранинг сувда чўмилиб,

билқиллаган тупрокда товланиб ётганини кўрса, завқла-  
ниб кетади:

— Ҳа-ҳа, тойбарра! — деб эркалаб қўяди.

Хотинлари Назокат хола узун бўйли, котмадан кел-  
ган, буғдойранггина аёл. Кўчадан ўтса, узун кора сочла-  
ри елкалари билан битта бўлиб, тўпигига тушади, шар-  
шарадай шовуллади. Унинг изидан юрганлар бу дурра  
соchlарга маҳлиё бўлиб, беихтиёр орқаларига қарайдилар  
ва ингичка қорамаиз юзлардаги ажинлар, кемшик тиш-  
ларни кўриб дамлари ичига тушиб кетади. Ана шу «той-  
барра» деб бизни эркалайдиган Муқим бобомиз холамиз-  
нинг соchlарига ошиқ бўлиб уни кўшни қишлоқдан олиб  
қочган эканлар...

Хуллас, кун кайтиб намозигар шамоли эсиб колган.  
Назокат хола мадонча (ошхона)да супра ёйиб, хамирош  
олиб ўтиради. Бобо шошиб кирдилар.

— Они Олимбой! Биргад буғдой бераман, деди. Тез  
қимира. Иккита қоп бер, буғдойдан қурук қолмайлик,  
онаси...

Назокат хола қўлининг хамирини ишқалаб супрага  
туширди. Ҳимаралиб ўрнидан турди. Ва токчада ўроғлик  
оппоқ сурп «қоп»лардан иккитасини шошиб олиб чиқиб  
чолининг қўлига тутқазди.

— Яхши бўлди. Бир кафтгина уним қолувди. Шуни  
қайиш қиласай деб ҳаракат қилаётувдим. Буғдойи сарами-  
кан ишқилиб?

— Борига барака дессанг-чи, хотинбой. Жайдарими,  
баҳорими — олиб келаман-да, қозонингни қайнатиб,  
корнингни тўйдиради.

— Тўғри айтасиз, отаси!

Хуллас, Муқим бобомиз иккита оқ қопни қўлтиғига  
қистириб, йўлга тушди. Эшагини тўқимлаб, орқасига  
Олимбойни ҳам миндириб олди. Идорага боргунча кеч  
туши. Катта тарозини қўйганча Баҳром тоға буғдой тор-  
тиб берарди. Унинг нолармон қалами қулоғига қисти-  
рилган.

Гал Муқим бобога келди. Баҳром тоға этиги кўнжига  
қистирилган икки буклоғлик дафтарини олди.

— Вактида келдингиз-да, бобо. Мана бу темир даф-  
тарга бир чизиб юборинг.

— Баҳромбой, неча пуд буғдой берасан ўзи?

— Холапошша билан икковларингизга 5 пуд ёзилган.

— Ҳа, майли, жигарим, борига барака. Қолганига ху-  
до поишшо!

Муқим бобо қўлтиғига қистирилган қопининг бирини очди. Очдиу гуррос қулги кўтарили: кампиршо қисталангда қоп леб бобонинг оқ сурп иштонларини бериб юборган экан.

— Астағириуллоҳ, астағириуллоҳ, — деди шошиб колган бобо. Иккинчи қоп ҳам қанотини ёйган лайлакдай қаппайиб турган оқ иштон эди.

Кулги, ҳангома, асқия бозори қизиди.

— Бўлди, ҳумордан чикдингларми, тойбарралар. Олим, туш эшакдан. Эшакнинг нўхтасини еч.

Хуллас, эшакнинг нўхтасидан чилвир ясаб, оқ сурп иштоннинг икки почасини бўғиб боғлади. Антика қоп тайёр бўлди.

— Қани қопга сол берадиганингни. Эпласант элақда сув, мулла Баҳром. Сол буғдойингни, — деди бобо.

«Қоп» тўлди. «Иштонбоғ» — қоп оғзи маҳкам боғланди.

Эшакка кашша хуржундай юкланди. Ота-бола шом коронғисида Рўзибиёнга кириб келишди.

Улар дарчага рўпара бўлганда Назокат хола қайинни сузиб, дастурхонга тортиб, катиқлаб, пиёздор солиб маҳтал кутиб турарди.

Хола азот ўрнидан туриб остонаяга йўналди.

— Кампиршо, қара, копларингга тўлдириб тилла буғдой олиб келдим. Узиям зўр қоп экан, ҳаммани оғзини очиб қўйдинг, хотинбой...

Бобо хотинини азбаройи яхши кўрганидан бир оғиз каттиқ гап қилмади. Эшакка ортилган почалари бўғилган «қоп» шом коронғисида окариб ажабтовур кўринарди. Хола бошини чанглаб ўтириб қолди:

— Вой, манинг эсгинам курсин. Рўзибиёнга бир йиллик гап топилди энди, Муқимбойнинг хотини қоп билан иштонни ажратолмай қолибди деб.

— Парво қилма, хотин. Буғдойни ол, ҳумларга сол. Кулинг ўргилсин, қайишингни келтир. Коринлар пиёзди пўсти бўлиб кетди. Эртага ипакдай қилиб ёрғучокда тортиб бераман, садағант кетай...

*Хе, сув келади Моридан,  
Моридан ҳам наридан.  
Чолгинаси ўргилсин  
Кокилини торидан...*

Учовлон кулиб, яйраб дастурхонга ўтиришди. Чирилдоклар ҳам сайраб юборган гаройиб тун бошланди.

## МУБОРАК

Йўнғичқазор гуллаб, барқ уриб, коракўрпа бўлиб ётади. Биз дугоналар йўлни тўлдириб сигир ўтлатгани борамиз. Ариқ бўйларида тизза бўйи хулвўйлар нопармон гулга ғарқ бўй таратади. Ажриклар, шамаклар, печаклар, такасоколлар, оқбошлар, келинсупургилар мол ейдиган бўлиб етилган пайт.

Ёзниг ёруғ куни. Сигирларимизни пахтазордан четроқка козиқлаймиз. Ариқ лабидаги кўм-кўк ўтларни, тутлар тагидаги «саломалайкумлар»ни иштаҳа билан ейди сигирлар. Халоват, Назира, Муборак, Хурсандой, Мухаббат тут соясида ўтириб гурунг киламиз. Фўзанинг барра баргларидан олиб, кўйлакларимизнинг этакларини кайриб, баргларга тишимизни ботириб, «гуллар» соламиз, оқ-сариқ чит кўйлакларимиз этакларида гуллар «очилади». Кўпроқ себарга гулларни, атиргулларни, лола гулларни «тишлаб» нақш ўјамиз. Кўм-кўк бўлиб яшил қаламда чизилгандай тиник шакллар чиқади. Анчагача кетмайди. Онам мени койиб-койиб, кўйлагимни кул солинган сувга ивитиб кўйиб ювадилар. Барибир гулнинг излари қолади.

— Тишгиналарингни қара, аррадан ҳам ўткир, кўйлагинг йиртилса, кунда-кунда олиб берадиган отанг тирикми сани?..

Кўйлакларимизга гул чекиб, гап бериб ўтирамиз. Маталлар айтамиз. Туталлар айтамиз. Соялар тортилиб, чошгоҳ бўлади. Корнимиз ҳам очқайди. Мен онам килиб кўйган маска ёғдан яширинча олиб келганман. Назира ун олиб келган.

— Ўмоқ қиласиз, — дейди Назира.

— Сут қерак, — дейди Халоват.

Сигирларимиз ичиди энг серсүт, елинлари катта, ювоши — Муборакнинг говмиши. Халоват билан Муборак сигирни соғиб, сут олиб келишади. Консерва банкага аввал сув, сўнг сут солиб қайнатамиз. Сўнг унни солиб, ўрик новдасидаи қилинган «кошикча»да кавлаб турдамиз.

Ўмоқ эмас, ширингина атала тайёр бўлади. Галмагалдан кошиқ ташлашиб, ичиб оламиз. Нафсимиз ором топади. Сигирларни янги жойга қозиқлаб, яна гапга шўнғиймиз. Ариқчанинг ёқасида давра қизийди. Халоват биздан икки ёш каттароқ эмасми, кулдираверади. Муборак жимгина тинглайди. Назира жилмайиб кўяди.

Мұхаббат сипе, унча-мунчага кулавермайды. Ортиқ бобдан гапирамиз. Ҳамида бибининг түйдаги қиликларидан сўйлаймиз. Файзулла тоға «аёлча» кийиниб даврага тушиб, ўйнаб берганилари, ичакларни узгани ҳам қолмайди. Файбулла аканинг базмларда раққосага пиёлада чой тутиб мухаммас айтганларини ҳам сўзлаймиз. Баҳром тоғанинг янгамизга бўлган ишку муҳаббатини катталардан эшитганимиз ҳам қолмайди. Ҳуллас, маҳмаданаларнинг сигирлари эсдан чиқади-кетади. Бир пайт ёдимизга сигирларимиз тушиб қолади-ку. Менинг сигирим тут соясида кавш қайтариб ётарди. Назиранинг сигири эса қозикда айланавериб чингилтоб бўлган, арқонлари оёғига чалишиб, офтобда мўнграйиб турарди. Ҳаловатнинг сигири эса арикчага тушиб олган, хуввўй ва шамакўтларни, шўраларни сипириб уриб ётарди. Ҳаловатнинг хўра сигири доим шу: эшакшўрами, семизўтми — кўрдим демай еяверарди. Ана шу учун сигирининг сути доим кўм-кўк, жириллаб ётади.

Муборакнинг говмиши бедазорга урганди. Коракўрпа бедадан еб, корни дўмбирадай шишиб кетган, икки оёни икки ёққа тарвайиб, жойидан қимиirlай олмайди.

— Иби, онажон, ўлдим-ай, отам мани гўштгинамни ейди, — изиллаб йигларди Муборак.

Ҳаловат дарров эсини йигиб олди:

— Сигирларни хайданглар, уй-уйга, тепа-тўйга, зиёфат ҳам тугади, сухбат ҳам тугади. Мубор, кўрқма, арқонини шохига ўра. Лўкиллатиб хайда.

Биз орқама-орқа катор борамиз. Муборак сигирини харчанд қистаса ҳам юролмайди. Оғзидан кўпиклар сочилади, пишқиради. Корни шишганидан шишиб борарди. Бир бало қилиб, Чукӯрйўлдан қишлоққача сигирни икки қайта лўкиллатиб хайдаб ўтишди. Сигирнинг корни пасаймади. Муборакнинг Аҳмад, Раҳмат деган укала-ри аллақачон «хушхабар»ни онасига етказганди.

— Вой-дод, мусулмонлар! Уйим куйди, уйгинам куйди, — чапак чалиб йигларди онаси.

Яхшиям отаси уйда йўқ экан. Бўлмаса ўгай отаси Муборгинанинг нақ қулоққинасини кесармиди?

— Бўлди-е, хола, вағирламанг. Битта мол деб боланинг ўтакасини ёрдингиз-ку, — орага тушди Файзулла тоға. — Истамбой, зувилла, мол дўхтири Олим бовога бор. Валасалидингга мингаштириб кел. Бир бечоранинг уйи куймасин.

Кишлоқнинг эркаси, доим яхши кийиниб, велосипедда ғоз юрадиган Истамбой велосипедни суриб кетди.

Ховуз бўйи тўла одам. Ҳамма — томошабин. Бирор куйган, бирор бошини сарак-сарак қилган, бирор дашном берган.

Бизнинг сигирларимиз аллақачон ўз дарвозаларимизга караб кетганди. Шафак қизариб, кун ботай деб қолганда, Олим бобо келдилар. Дамлаган сигирга аввал укол килдилар. Кейин узун оқ шишада дори ичирдилар. Сигирнинг оёқлари тортишиб-тортишиб колар, унинг сари Муборак хикилларди. Сигирни суяб, жойидан турғиздилар. Икки киши суяб-суяб, ховлига олиб киришди. Бизни эса: «Томошаталаблар, жўнанглар», — деб хайдаб юборишиди... Одамлар тарқалишиди.

Мен билан Назира кетмадик. Секин дарчадан сирғалиб, ховлига кирдик. Сигирни эски кигизга ўраб, юмалатиб қўйишибди. Муборакнинг айтишича, Олим бобо сигирнинг ҳаммаёғига арокка ўхшаш дори сурибди (кейин билсам, спирт сурган экан).

— Энди, тағойи, пешонадан кўрасиз. Ана шу жужукларингиз ризқи қийилмаган бўлса, сигир тузалади. Бир терлаб олса, сурги дори бердим, корни бўшаса, туриб кетади. Йўнғичканинг бехи бўлади. Кўп еган. Худо деб турсангиз, икки соатдан сўнг ўзига келади, — деди Олим бобо куюниб.

Бир овқат пишгунчалик вақт ўтди. Сигир силтаниб-силтаниб, оёқларини кериб, «мў»лаб ўрнидан туриб кетибди.

— Ўзимдан ўтганини ўзим биламан, айланайлар, — дерди бизга Муборакнинг онаси. — Тағойингиз бургутдай бостириб кирдилар. Ўтайлик қилманг, Ахмадбойнинг отаси. Бу етимчани-ку ўзи худой камситиб қўйибди. Қўл кўтарманг, киз бача баҳтсиз бўлади, дедим. Инсоф кирди. Астағбуруллоҳ, деб қўл силтаб, чиқиб кетдилар денг тағойингиз барака топгур. Сал қолди оғизимизни оқартириб турган инаккинамиздан айрилишга. Яхшиям дўхтир Олим бобо бор экан. Нақ ажалнинг комидан тортиб олди жанаваргинани. Илойим, болаларини хузурини кўрсинг, бизга қилган бир яхшилигига худойимдан ўн яхшилик қайтсин...

Ёзният ойдин кечасида уч дугона кунишиб анчагача ўтиридик. Кейин Муборак Зулфия опаси билан бизларни уйимизгача кузатиб қўйди. Ховлимиз аслида икки-уч том нарида эди, холос.

Ўша воеадан кейин Олим бобонинг хурмати янайм ошди. Вакти-вақти билан сигирларимизнинг тилларини тозалаб, аллақандай аччик дориларни суриб, бот-бот укол килиб юрувчи Олим бобо Қизилтепа томонларда биргина мол дўхтири эди. У киши молларга худди инсонни авайлагандек меҳрибонлик билан қарап, даволаб юрарди.

Жимгина яшаб, бола-чақа орттириб, жимгина ўтган хокисор дугонамни эслаб, болалик кўчаларида хаёлан кездим. Сигир ўтлатганимиз, оқизоқ килганимиз ариқлар, уст-бошимиз қотирмоч бўлиб тут тергандаримиз жонланди.

Болалик кўчаларида ҳамон йўрмадўзи кўйлакларини ҳилпиратиб, попукли дўппичалари ярашиб ўйнаб юрган дугоналарим, қайдасиз?

## ТОХИРЖОН ВА ЗУҲРАХОН ҚИССАСИДАН

Баҳорнинг илиқ кунлари. Ҳаво юмшаб, фир-фир шабада эсиб қолади. Офтобрўя йўлкаларда, ажриқларнинг кўм-кўк «мурт»ларида чумоли карвонлари тизила бошлиди. Қайларданdir жиянларим ялпиз, жағ-жағ териб, чучмомолар дасталаб келишади. Онагинам уларни кўзларига сурадилар. Кишда димиқкан кўрпаю кўрича-ларни офтобга ёйиб ташлаган онам куни бўйи ғимирладилар. Уйларнинг шифти, вассаларини тозалайдилар. Баланд супадаги бўйра устига куроқ кўрпача ёядилар. Супрада қолган унни элаб, бизга котир пишириб берадилар. Сигиримиз янги туккан. Увуз сутидан онам палла пиширадилар. Ҳамсояларга улаштани – косалар териб кўядилар ўчок кифтига. Бизлар улоқчадай дикирлаб, лойбалчик йўллардан какликдай какарлаб, палла улашамиз.

Кечкурун онам оқ рўмолларини елвагай ташлаб, тўрда ўлтирадилар. Фариштага айланадилар. Биз эртаклар қасрига кириб қоламиз. Тоҳирнинг зорини, Зухранинг нозик овозини, сандиқда Тоҳиржонни олиб кетаётган карвон кўнғироқлари садосини тинглаймиз:

«...Десангиз, бу ёқда Зухрахон ҳайрон, у ёқда Тоҳиржон саргардон. Зухрахонга не-не шохлар совчи кўйган. Коработир ҳам Зухрахон деб юрак-бағри қўйган.

Зухрахон эса (онам «Зўрожон», «Тойиржон», дердилар, овозлари шикаста, майин эди):

*Сув келар навосидан,  
Тоғларнинг ҳавосидан.  
Зўрожон қалпоқ тикар  
Тойиржон ҳавасида...*

Хон Бобохон Зўрожонга Коработирни мактаб тураг. Зўрожон одобу назокат саклаб тураг. Отасига ялиниб, Тойиржонни алқаб тураг:

*Сув келар гулдур-гулдур,  
Сийганим қизил гулдир.  
Сийганимга бермасанг,  
Ўлганим ўшал кундур.*

Энди Тойиржондан эшигининг. Ой деганда оғзи бор, кун деганда кўзи бор, Тойиржон деса Моҳим маликанинг юрагида армон сўзи бор. Малика қирк кокилини елкага ташлаб, хипча белини ушлаб, шакар лабини тишлаб, гулликажхадай яшнаб, Тойиржонга кўнгил очди.

Тойиржоннинг бошидан хуши учди, эсига Зўрожон тушди. Йигит бошини эгиг, кўзидан ёши тизилиб, жигарлари силиниб, деди:

*Сув келар сузуккина,  
Кўлимда узуккина.  
Зўрожондай ёрим бор  
Сизданам нозуккина...*

Шундай қилиб, бошига савдо, кўнглига ғавро тушиб, кундай куюниб, ойдайчувалиб, Тойиржон Зўрожон сўрогида карвонсаройга бораётир.

Мана, карвон баланд тоғ этагида бўзлаб турибдир. Тоғдан ошиб ўтмоқнинг иложи йўқ. Шунда Тойиржонни сандикдан олдилар. Тойиржон йиғлаб, юрак-бағрини тиғлаб, токқа ялинди:

*Бу тоғлар – баланд тоғлар,  
Фарив ўёлини боғлар.  
Фаривга гарив йиғлар,  
Мен ўлгандам ким йиғлар?!*

Тоғ Тойиржонни эшитмади. Гунгу кар бўлиб тураверди. Шунда Тойиржон ох уриб, яна қўшиқ айтди:

*Бу төглар – баланд төглар,  
Ошиқ йўлнии боғлар.  
Ошиққа ошиқ йиглар,  
Мен ўлсам, Зўрежон йиглар...*

Шунда тоғ жунбушга келди. Тойиржоннинг дардии билди. Қасира-кусур қилиб, тоғ иккига бўлинди. Карвон жадаллик билан дарадан ўтиб борар. Яна қасирғадай кисирлаб, ковурғаси чирсиллаб, тоғ аслига кела бошлар. Сўнгти киркинчи тая ўтаётганда, тоғ бекилди. Туюнинг думи юлиниб, тоғнинг «панжаси»да қолди. Ўшандан бери туюнинг думи калта эмиш...

Эртак сехри элитиб, биз Тоҳир яшаётган мамлакатта, ошиқлик сайёрасига учамиз...

## ПАДАР ВАКИЛ

Авжи саратон эди. Жавзо, саратон, чирилдоқлар сайрашнинг тобини олган. Табиатга куй ёмғирлари тўлиб-тошган палла. Юлдузлар хар бири олмадай балқиб туради. Тунги салқин жонларга ором беради. Тўйхона гавжум. Никоҳ тўйига бола-бакрани унча йўлатишмайди. Айниқса қизалоқларни. Бир-ярим тўйга қизчалар онасига эргашиб борса, опамнинг изидан келин бўлай деб келдингми? – дея уят қилишади.

Жар-машъала ёқиб, қийқир-қийқир, хай-хуй билан куёвжўралар Рўзибиён қишлоғига кириб келишди.

Куёвтўра дарвозага келгач, ёниб турган жарни эпчиллик билан кайвони биби олади ва тандирга солади. Машъала тандирдаги ўтга чирмашиб, шу хонадоннинг кулига, ўтига аралашиб кетармиш. Күёвни жўралари билан меҳмонхонага олиб киритишади. Кудаларнинг дастурхонларини териб олишгач, кўришишдан ҳам олдин кайвони биби товоқчага солинган ундан бир чимдим-бир чимдим уларга сепиб чиқадилар. Оқлик, ёруғлик эмиш. Кейин иззат-икромли қудабибилар алоҳида хонага олиб кирилади. Бу уйга чимилдик урилган. Оппок сурп матонинг этакларига кашталарига тикилган.

Чимилдик ичидаги токчада икки дона шам ёниб туради. Бу келин-куёвнинг мухаббат, вафо шамлари экан. Чи-

милдикнинг икки чеккасига келинининг ишончли қариндошлари ўтиришади.

Домла бобо алоҳида хонада келин-куёвга никоҳ ўқийдилар. Сўнг келин-куёвни товоонхонага бошлашади. У ерда супра, қозон-товор, ўқлов, элак-селак дегандай рўзгор анжомлари туради. Бир чеккага битта кўрпача ёзиб, келин-куёв ўтқазилади. Ана энди кишлоқнинг энг обрўли одами ёки ўртада совчилик қилган — хўскор падар вакилликка ўтади.

Мана, нозиккина, оқ сариқдан келган, хушсуврат, соchlари этаги билан баравар Шарифа опам билан почко муллам — Абдуҳалим муаллим ёнма-ён ўтирибдилар.

Катта язном Камол Ёрмурод савлат тўкиб, хаммага бир-бир викор билан саволлар берадилар:

— Қани, Умар Норкул, шу қайнинглингизга ота бўлиб нон бердингиз. Бошини силадингиз. Вояга етказдингиз. Шу қизингизни Абдуҳалим Нуруллобой ўғлига узатишга розимисиз? Берган тузингиз ҳақи жавоб берингт.

Поччам бош силкиб, «ҳа» жавобини қиласилар.

— Ана энди сиз, Бибиражаб опаси, шу қизнинг етимлигини билдирамай, иссик бағрингизда ўстирдингиз. Ўқитдингиз. Устини бутлаб, корнини тўклаб, улғайтиргингиз. Шу қизнингизни Абдуҳалимбойга никоҳлаб беришга розимиз?

Опам кўзларига ёш айланиб, розиман, кўша қарисин, дейдилар. Кейин онагинамга навбат келади:

— Ойбижон! Тил тагида асраб, гавҳартошдай авайлаган шу қизингизни Абдуҳалимбой Нуруллобой ўғлига турмушга беришга розимисиз?

— Минг марта розиман, ўзидан тинсин, ой бахтли, олтин тахти бўлсин илойим, — дейдилар онам ўпкала-ри тўлиб.

Назокат опамдан, Нарзиби опамдан, Бозор язномдан, укаларимдан хам розилик сўрайди падар вакил.

Бобожоннинг рашки келиб, «йўқ» деб ер тепсиниб йиғлади.

— Йиғламанг, мулло йигит, йиғламанг. Язнангиз сизга сарполар қиласиди, — дейди падар вакил. Кайвониби Бобожонга канд-курс бериб алдаб чикариб юборади.

Навбат менга келади. Розилик сўрайди падар вакил. Менинг негадир кулгим келади. Опам ўзлари поччамнинг сувратларини дафтарларининг ичига солиб юрган

бўлсалар. Поччам мактабда директор ўринбосари эдилар.

Бир куни опам билан изма-из келган язнам дарвоза-да колдилар. Анчадан сўнг ховлига кирдилар.

— Мактабдан текширишга келдим, бибижон, қизингиз пахтадан кочибди, — дедилар.

Онам содда опамни роса койидилар. Сўнг «директор ўринбосари»га дедилар:

— Айланай Сиздан, директор ўринбосари, соchlари узун бунинг, соч-почимни ювай деб келгандир-да. Эртага етиб боради, — дедилар.

У киши эртага албатта қизингиз пахтага борсинлар, деб чиқиб кетдилар.

Ўша пайтлари Арабон, Азизобод томонларга мактаб ўкувчилари ягана, чопик учун, кузда пахта териш учун олиб бориларди.

Онам опамдан сўрадилар:

— Шарифажон, бу чўтири ким ўзи? Ҳар битта чўтирига биттадан ёнғоқ сигади-я! Ўз хам етмагандай хабашга ўхшайди, иби, тавба...

Опам менга қарадилар, мен опамга, икковимиз кулиб юбордик...

Ўша воқеадан бир ҳафта ўтгач, уйимизга ўша чўтири домладан совчи келгаи. Сўзамол, обрўли Ботир Тўра Би-биражаб ва Умар язнамни кўнлиргандилар. Онам эса куёвнинг ўша «чўтири» домла эканидан бехабар, алқаб дуо килиб, кўнгиллари ийиб юрибдилар.

Мен хам опамнинг тўйларига розилик бергач, келин-куёв чимиликка киришди. Ана шундан сўнг чимиликка ҳар хил ноз-неъматлар тортила бошланди: катлама, шатир, қайнатилган тухум, қанд-курс, майиз, туршак, ҳар хил тансик таомлар, самбўсалар, бўғирсоқлар. Кайвони биби ва Сарвар хола чимиликка киритилган товоқларни бўшатиб, яна ўрнига ҳар хил пишириклардан солиб чиқаришарди.

Келин-куёв олдидан чиқсан ноз-неъматлар табаррук саналар, дастурхонларга туғиб, меҳмонлар бола-чакасига илиниб олиб кетарди. Исириклар тутатилди. Меҳмонларга «хуш келибсизлар» айтилди. Тўй охирига етиб, никоҳ кечаси чимилик ёнида икки кекса кампир думалаб ухлаб қолиши. Чимиликда иккита шам ёнади. Икки юрак унинг ёғудусида исинади. Куёв ухлаб колиб, ховлидагиларга кўринса — уят саналади. Шунинг учун куёв деган миҷжа коқмай тонг оттириши ке-

рак. Саҳармардон пишириклар тугилган белбоини олиб, қочиб қолиши керак.

Ҳамма ухлаган. Чарчаган кайвонилар хам донг қотиб қолган. Биргина онам уйғоқ. Тонг оқармай турадиган сахархез онам күз юммай кичкина уйчаларида ўтирибдилар. Бир пайт ҳовлида бир нарса дараптасып кетса бўладими? Фира-ширада ҳеч ким кўрмай кетақолай, деб эшикдан чиқаётган куёвтўра остоңада чеълакка қоқилса борми?

Онам эса ҳовлидаги сават тагида турган сутларга мушук ораладими, деб ташқарига чиқдилар...

— Пишт-е, сабил, — дейишлари билан гулдираб овоз келди:

— Ассалому алайкум, ойбибижон, мен...

Онам ярк этиб қарадилар. Не кўз билан кўрсаларки, девдай бўлиб ўша «чўтири» домла белбоига тугилган совғаларини ушлаганча жилмайиб турарди...

— Вой, кулмай мен ўлай, кулганинг пешонангга ёзилади деганлари рост экан. Паҳтани баҳона қилиб, киз кўргани келган экансиз-да?

Куёвтўра аллақачон жуфтакни ростлаб колган, ҳовлида эса ҳамма уйғониб кетганди.

Ўша куни роса кулги, ҳазил бўлди денг.

Ўша «чўтири» муаллим Шарифа опами ўқитди, етти фарзандли бўлишди. Бир-биридан сулув кизларга она, арқдай ўғилларга ота бўлишди. Падар ваъил поччам Камол Ёрмуорд Шарифа опам ва поччам жиндай аразлашиб қолишиса, инсоғфа келтирас, сиёсат қилиб кўярдилар. Падар вакиллик ҳукуки уларга шундай бурч юклаган эди.

Хонадонда бўй етган киз шу уйдаги каттаю кичигининг розилиги билан чимилдиққа киришида алоҳида ҳикмат бўлса керакки, падар вакилга уларнинг розилигини олиб бериш ваколати топширилган экан...

## ТЕЛВАГЕЗАК

Мардон бобо телвагезак бўлиб қолибди. Ўзи билмай кечаси уйқусида девор ошиб бирорларнинг ҳовлисига тушишмиш.

Мана шунаقا мини-мишлар қишлоққа оловдай тез тарқаб кетди.

— Ҳай, бечора сўкқабошгина. Шаби рўзига ярайдиган

хотини тирик бўлганда шу кўйга тушармиди-я,— деб онамнинг унга раҳми келади.

— Содда онагинам-а, бу телвагезак нимага Даврон бобонинг деворидан ошиб тушмайди? Нега Жума бобонинг пахсадеворида «юриб», кечаси «сайр» қилмайди. Келиб-келиб нариги тўпардаги Рукия холанинг деворидан ошиб тушадими? — дейди опам кулиб-кулиб.

— Ражабжон, кўй, ундей дема. Кечаси бир хил одамлар ойксазар бўлади. Юрса-юргандир, девор ошса-ошгандин. Ёмон хаёлга борма, жондай кўшнимиз ахир, — кулиб сўйлайдилар Умар поччам.

Мен нима гаплигига тушунмайман. Мактабдан келгач, далага чиксам, хотинлар ҳангомасидан билиб оларман!

Ўшанда ёз эди. Ҳандалаклар пишиб тамом бўлган. Қовунполизда бўрикаллалар «дум» бериб, амири, бекзотилар тўрлаб, шира боғлаб, тилими тилни қирқ ёрадиган паллалар. Бола-бакралар томоркаларга тулкичалардай пусиб кириб, қовун узиб кўйлакчаларига солиб чикишар, қақрок йўлга бир уриб, ёриб, мазза килиб ейишар, қовун палласини «киртишлайвериб» тумшуқлари ширакч боғлаб кетарди.

Жамоа хўжалигининг қовунполизларидан ҳар бир хонадонга бир парча-бир парча бўлиб берилганди. Ҳар ким ўз полизини, узумзорларини кўриклаш учун ок бўздан ёки бўйрадан чайлалар ясад олишганди.

Мардон бобога ҳам уч сотихина қовун полиз теккан. Сабил қовунлари тарсиллаб ёрилиб, чак-чак шарбати оқиб, бўрикаллалар саватдай, бекасам йўлли амирию бекзотилари ўғирдай чўзилиб ётарди. Бобонинг хотини ўлиб, бир этак боласи қолган. Уларни амаллаб, ойдай килиб, пуф-пуфлаб ўстириарди. Ўғлини уйлаб, қизини чиқарди. Бир бева-бечорани олиб берайлик, кундузи кўзингиз, кечаси болишингиз бўлар, дейишса, кўнмади. Хотинимнинг иси думоғимдан кетгани йўқ, деди бобо.

Ёзда қуш-қиё уясига хас ташиб, тухум босиб, булбул ҳам сайроқдан тиниб, жўжа чиқарадиган пайтлар Мардон бобо ёлғизлигини сезиб қолибди.

— Шу Рукиягина ҳалол, пок аёл. Иккитагина сафири бор. Эрии уруш ютиб кетди. Ўзиям навдадеккина. Келинчакдай. Икки ёрти бир бутун бўлсак, худойимга ҳам ёкар, — деб ўйлай бошлабди бобоси курмағур, кула-кула сўйлайди Хурсандой янга.

— Шу денг, одамзод ҳам кўнгли ийиганда дуторнинг тори бўлиб кетар экан. Пахса деворда ярим кечаси ўтириб олиб, чоли курмағур шеър ўқипти-я!!

*Қаро кўзлар сузилур,  
Устингда жонлар узилар.  
Руқияжонни ўйласам  
Юраккинам бузилар!*

Калами кўйлагининг ёқасини «бўғиб» олиб, иккита қовун солиб келган экан, ўшани ҳовлига ташлабди!

— Пирсаки беймон, айниган чол, бу нима қилиқ? Этагимда икки гулдай қизим бўлса! Эрим нон-насибаси узилмаган бўлса, бир кун кириб келар. Ноумид шайтон! Икки боламнинг юзига қандоқ қарайман? Кўтар матохингни. Туш девордан, сакалту!

Орада қизчалар уйғонибди. Томошани кўринг! Бўёққа тушаман деса Рукия хола ўқловни олиб ҳайдармиш! У ёкка тушаман деса Кўлдош тоғанинг ириллаган ити даф қиласмиш! Итдан қўркқан бобо ҳоланинг ҳовлисига тап этиб тушиб, дарвозага йўналибди.

— Хо, тениқдан кириб, эшиқдан чиқадиган мирзо бўлдингизми? Бу остонодан ҳали бирор эркак зоти ҳатлаб кирмаган! Каердан кирган бўлсанг ўша срдан чиқ! Итқовунларингни ҳам кўтар! — дебди жаҳли чиқиб Рукия хола.

— Э-э-э, ўзинг найқамишдай бўлсанг ҳам, бунча карнайдай fat-fut қиласан. Бўлди-е, уйқумда босинкирайдиган феълим бор. Каерга борганимни билмайман. Адашиб келибман, адашиб! — даф-даф титрабди шўрлик «ошиқ».

— Адашсанг — меникига адашиб келасанми? Билса ҳазил, билмаса — чин, дегин! Кани, келган томонингга жўна, эчки соқол!

Мардон бобо қараса — иш чаток. Кўлдош тоғанинг бўрибосаридан ҳам важоҳати ёмон экан бу кампирнинг!

Мардон бобо ёрилган қовунни ерда қолдириб, бутунини олди. Шираға ботган кўйлагини кийди. Пахса девор устига чиқиб бирпас ўтирди. Қараса, итнинг жағи ҳали-бери тинмайдиган.

— Эй, Бўрибосаржон! Сен ҳам мани тушунмайсанми, оғайни! Сен ҳам ошик бўлгандирсан! Куйгандирсан ахир, — дебди қувилган бечора «ошиқ». — Сенда ҳам кўнгил бордир! Бўёқдан тушай десам, анави нозанин ўқлов билан бошимни ёради. Бўёқда — сен почамдан оласан...

Мардон бобонинг сўзларини эшитиб Рукия хола бу одамга бир нарса бўлган, эсини ебди, деганча кизларини айвонга олиб кетди. Девор тагида икки палла бўлиб ётган бекзоти қовун азбаройи пишганидан ёмби олтиндай ярқирайди.

Бобо эса итга ёлвораркан:

— Ёмон ниятда келмовдим. Ҳалол қилиб олмоқчи, савирларининг бошини силамоқчийдим.

Итнинг ҳурпайған юнглари пасайиб, мўлтираб, икки «қўли»га бош қўйганча Мардон бобони тингларди.

— Ма, оғайни, мана бу амиркони сани насибанг экан. Ол, ош бўлсин.

Шундай деб Мардон бобо пахса девордан сирғалиб тушди. Қовунни итнинг олдига кўйиб, орқасига қарамай қочди.

Бу ҳангомаларни қишлоқнинг кайвониси мункиллаган чечабиби дарчасидан кўриб турган экан... Эртасигаёк...

Ўшандан сўнг қишлоқ оқсоқоллари маслаҳатни бир жойга кўйдилар. Кўшни тўпардан бевагина аёлни топиб, бобонинг бошини икки қилдилар. Оппоққина, бефарзанд, сўлқиллаган аёл бир йилча бобо билан тирикчилик қилди ва бир кун хеч нарса демай кетиб қолди. Бобо шу кўйи уйланмади.

— Рахматлик хотинимга ўхшатолмадим. Шу Рукия-жонга кўнглим исувди, бўлмади, — деб армон қилиб ўтди дейишади.

Бу ҳангомаларга анча бўлган. Қишлоқда кўп нарсалар унутилди. Бирор-бировдан қарз олгани ўйирлик қилгани, фалончи билан фалончи қочиб кетди деган гаплар ҳам унут бўлди.

Лекин ҳар йил қовун пишиғида Мардон бобонинг «адашиб» пахса деворлар ҳатлаб, Рукия холага иккита-гини қовун олиб боргани эсланар, беихтиёр завқ билан кулишарди.

Кишлоқнинг бевалари! Сарвар хола, иккита Роби хола, Шарофат хола, Норча хола, Рукия хола... Булар ҷашма сувидай тоза, покдомон, жаннати аёллар эди. Боламни бировларнинг дастурхонига термултиrmайин, деб вафо сакладилар, ҳар кеча шамдай ёниб, тугаб, пиликлари — юраклари сўзон бўлиб, яна тонгда офтоб билан қайта туғилардилар улар.

Йўлим яна она қишлоқка тушди. Хурсандой опа,

Умматой опа (рахматлар ёғилсин унга), Санам холаларни кўрдим. Иссик бағирларига олиб, мен билан келинчакликлари қайтгандай хаяжонланиб кўришдилар.

Қишлоқда янги тушган иморатлар, хонадонларни айланиб юрарканман, қулоғимга найдай сокин овоз эшитилди:

— Ойдиной!

Қарасам, дарвозахонада нозиккина, оппокқина сочлари оқарган Рукия хола туардилар. Кўришдик. Хола елкаларимга қоқиб кўйди, соchlаримни силаб, шивирладилар:

— Мени танидингизми?

— Сиз Рукия холажонсиз! Ҳали ҳам санамаастадайсиз, култапешаклар ичидан чиқиб турган соchlарингиз — кизларникидай, — дейман.

— Энди олма билан ўрик бўлармидим, холангиз ўргилсан!

Шу пайт дарвозадан бир киз чиқиб келди. Баланд бўйли. Елкаси билан битта узун соч. Тўпифига тегади. Соchlари тиллоранг. Қизнинг кўзлари мунчоқдай. Ўзи узукнинг кўзгинасидай ёрқин! Ажабо, рўпарамда Рукия бибининг гўзал ёшлик баҳори чараклаб туарди. Бибининг гўдаклигига юлдузи сўнган кизи Гулчеҳра шундай сулув эди. Тўнгичи Зайнабой опани соchlари шундай ипак шалола эди... Бир кизини ерга берган, тўнгичидан этаги невара-эварага тўлган Рукия холанинг кўзларида баҳт ҳам, қайғу ҳам бор эди. Бу қайғу — уруш йилларидаги хижрон бўронида қолган ёшлигининг армони, умрбод юрагида ёниб ўтган туйфуларининг ажиб покиза алангаси ҳам эди...

Юрагим зирқираб кетди. Оҳиста қишлоқ йўлидан бораркан, негадир бир шайтон кулги мени ҳанприқтиради...

Телвагезак ошиқ, кўйлакка солиб келинган иккита қовун, ўқлов ўқталиб турган Рукия хола ва Мардон бобони тинглаётган Бўрибосар...

Шундай мусаффо, гард юқмаган хотиралар, ўзини энг қийин пайтда ҳам қадрлай олган бева аёллар, Рукия хола болалик осмонимда порлаб турган офтобдай жонимни иситарди...

## ҚИЗҒАЛДОҚ

Үшанды ёз эди. Баҳорда сап-сарық бүтана бўлиб оқувчи Дўрмон ариқнинг сувлари ювош тортиб охиста оқарди. Ариқ бўйидаги тизза бўйи ялпизларнинг ўткир исларидан бош айланарди. Акас дараҳтининг гуллари меваларга айланиб, тасбехдай филофларида тизилиб турар, уларни биз болакайлар териб олиб, мунчоқ килиб ипга тузардик. «Мунчоқларимиз» беш катор бўлиб шилдирап, бўйинларимизда ажабтовур хикоялар сўйларди. Ҳандалаклар пишиб, оғизда мойдай эриб кетарди. Чиллаки ҳам шира боғлаб қўзларимизни ўйнатарди. Биз тўпигимизгача қумга ботиб, товонларимиз қизиган кумларда куйиб, тупрок йўлларда ялангоёқ югурадик. Оёкларимизга тиканлар, ҳар хил майда, чақир тошлар ботиб кетса ҳам, парвойимиз палак эди. Ариқларда ўрдак боласидай чўмилардик. Кошларимиз, лабларимизнинг сабзаларида лойка сувнинг гардлари иниб, оқариб қоларди. Бирпасгина офтобда тобланиб, узун кўйлакларимизни шалаббо қилиб, яна сувга ўйнғир эдик. Корнимиз тўқ, эгнимиз бут, парвойимиз йўқ кезлар эди. Учинчи синфни битириб, тўртингчига кўчган эдик. Ўша чоғлари иссиқдан кимлардир боғига, кимлардир полиздаги чайлаларига кўчиб чикишган эди. Биз ҳовлимиздаги баланд супада катор жой солиб, ярим тунгача юлдузлар билан сирлашиб, тоҳ зартак, гоҳ матал тинглаб котиб ухлаб қолардик. Куннинг қизигига чидай олмаганлар эса томларга жой солиб ухлашарди. Ана шундай кунларнинг бирида синфдош дугонам Гулчехра заъфарма (сарик) касалига учраб, ётиб колди. Гулчехра нозиккина, юзлари думалоқ, юзларида қизғиши-қизғиши сепкилчалари ўзига ярашган қизалоқ эди. Кийган чит кўйлаклари ҳам, бигизаки йўрма билан безатилган дўппичалари ҳам ўзига ярашиб турарди. У биэга ўхшаб ўзини ҳар ёққа уравермасди. Кулгандада ҳам табассумлари маъюсгина, ғамгингина кўринарди. Бирор қизикроқ гап эшитса, қўли билан лабларини тўсиб, охистагина кулиб кўярди. У йўлларда кийикчадай охиста беозор юрарди. Шамолда кўйлаклари хилпираб, қомати навниҳолдай тебраниб-тебраниб кетарди. Гулчехра аълочи бўлмаса-да, уни муаллимлар жуда яхши

кўришарди. Унинг нозик чехрасида қандайдир бир сирли дард изи бор эди. Онам Гулчехрани кўрсалар, қизгина, отасидан ёш қолса ҳам уни ҳали-ҳали эслар экан, кечалари, отажон, деб йиглар экан, отасига ичиккан бўлса керак, деб айтардилар. Гулчехрани даволаш учун уста Бобомурод тоға бир неча маротаба уйига бориб, кулоқларининг орқасидан поки билан эмлабдилар, тилларининг остидаги қандайдир кўкиш томирни ҳам тилиб қўйибдилар. Мана шу билан тузалиб кетади, деб умид билдирибдилар. Бирок Гулчехра кундан-кун ахволи ёмонлашиб, сариқ ипакдай сарғайиб кетаверибди. Биз Назира, Хурсандой, Мухаббат, Муборак, Латофат Гулчехрани кўришга бордик. У салқингина уйда сомондай беҳол сарғайиб ётарди. Гап айтмоққа ҳам курби етмасди. Гулчехра бизларга бир-бир караб, синиккина жилмайиб кўярди. Қиркта килиб ўрилган соchlари елкаларида тўзғиб, унинг сарғайган юзларини шом еган ойга ўхшатиб кўрсатарди. Биз Гулчехрани нима деб овтишимизни билмай, мунғайиб караб турардик. Шу алфозда уй-уйимизга тарқадик. Эртаси куни қишлоғимизда йўлни тўлдириб лўлилар ўтишиди. Лўлилар тўппа-тўғри Гулчехраникига боришибди. Унга дам солиб, «гина-гина» деган дори ичиришибди. Гулчехра оттадай бўлиб кетар экан, деб роса кувондик. Орадан икки кун ўтгач, Гулчехра оламдан ўтди. Кекса онаси, биргина опаси йиглаб қолаверишиди. Уни «ёғоч от»га миндиришиб, қип-қизил шойидан либос килиб, йўлдан олиб ўтишиди. Тобут ёниб бораётган бир қучоқ атиргулга ўхшарди. Биз дугоналар тобутга эргашдик. Унинг ортидан канча кўп хассакаш йиглаб борса, шунча савоб бўлади, дейишиди. Гулчехранинг мозори атрофида киз бола, ўғил-бола аралаш давра куриб ўтирдик. Тобутга ўралган алвон шойини йиртиш килиб, келганларга бир бўлакдан улашишиди. Қўлимизга бир сўмдан пул тутқазишиди. Ўша куни азиз бир нарсамизни йўқотгандай хомуш бўлиб қайтдик. Уйга келсан, онам жуда қайгули бир алфозда ўтирган эканлар. Мен, Бобожон ва Рамазон укаларимнинг қўлларидан алвон йиртишларини йиғиб олдилар.

— Гулижон юлдуз кўрмай ўтди. Умри завол кетди.

Шунинг учун бу йиртишларни кирк кун девор тиркишига тиқиб қўямиз. Кирк кечада юлдуз қўрсин, — дедилар.

Пахса деворимизнинг тиркишларига алвон йиртишларни тиқиб қўйдилар. Кирк кун, кирк кечада қишлоғимизнинг барча деворларида алвон йиртишлар хилпиллаб турди. Кирк биринчи куни... алвон йиртишлар фойиб бўлди.

— Гулижон фариштага айланиб, жаннатларга учиб кетди, болам. Эни у хурлар билан бекинмачоқ ўйнайди, кўшиқ айтади, — дедилар онам.

Ёзинг оташин кунлари ўтиб, куз кирди. Сўнг қиличини қайраб, шамоллар хуштак чалиб қаҳратон кечалар бошланди. Корлар эриб, қалдирючлар учиб келди. Баҳорнинг қўйнидан бойчечаклар, чучмомолар сочилиб, ҳаммаёқни ажойиб хушбўй ва муаттар ислар тутди. Пахса деворларнинг қаватларидан тиканлар, шувоклар униб чика бошлади. Момоқалдиrokли баҳор тонгида бир куни қарасам пахса деворда уч дона қизғалдок ловуллаб турарди. У кўзлари кора, алвон қўйлакли Гулчехрага ўхшаб кетарди. Кўкламнинг майин шамолида қизғалдоклар қўйлакчаларини ҳилпиратар, кора кўзлари маъсум мўлтирас, нимадир демоқчи бўлаётгандай эди. Фалати бўлиб, пахса девор олдида михланиб қотиб қолдим. Кўз ўнгимда Гулчехранинг шўх кулгилари, майнингина жилмайиши, жамалак соchlари гавдаланди. Ўша қизғалдоклар ҳеч қачон сўлмаслигини, умрнинг бевафо фаслларида ҳам пахса девор тиркишларида ловуллаб туришини жуда истар эдим. Гўё у ҳозир изимдан келади, кўзларимни кафтлари билан беркитиб, сўрайди:

— Сутми ё қаймоқ?

Ногоҳ ўзимга келиб, кўзимни очаман. Онам менга меҳр билан термулиб турардилар. Онам ахволимни тушунгандай бўлиб, охиста елкамга қўл қўйиб, кани юринг, бачам, деб мени олиб кетдилар. Ҳеч нарса демайдилар. Бошимни маҳкам бағирларига босганча унсиз йиғлайдилар. Елкаларим титрайди...

Қанча йиллар, баҳорлар довул қоқиб ўтди. Ҳалигача кишлоқ йўлларида ёки пахса девор тиркишларида, том бошида қизғалдокни қўрсан, ўша камгап, майиздеккина Гулчехра, юлдуз қўрмай кетган қизалоқ эсимга тушади.

## ОДИЛ БЎРОН БОФИ

Одил Бўроннинг ховлиси жаннатнинг бир бўлаги, дейишади.

Ёзда биз бу ховли этагига туташган чорбокка айланышаверамиз. Чорбоғ ўрикзор бўлиб, бир ёнидан катта ариқдан узилиб чиқкан қилдай ариқча йўрғалаб Одил Бўроннинг ховлисига кириб кетади. Одил амакининг ховлиси уч пахса девор билан ўралган. Девор тепаси жинғиллар билан тўсилган. Пахса девор тагида сув кирадиган йўлак бор. У тандирнинг оғзидаид келади. Сув йўли шоҳ-шабба, чимлар билан тўсиб қўйилган. Сув «кулоги» очилганда девор тагидаги йўлак ҳам очилади. Ундан бемалол ўн яшар бола кириб кетса бўлади. Ўриклар сарғайиб дараҳтлар қуш бозорига айланади. Күшлар дастидан сан-сариқ олтиндай бўлиб пишган ўрикларга кирон келади. Кундуз кунги иссиқда қушларнинг чағирчуғури тиниб, уясига кириб кетади. Биз эса Одил амакининг пешинда дараҳт тагида ёнбошлаб ухлаб қолишини кутамиз. Бундай пайтда амакининг Октош кучуги ҳам салқингина жойни топиб, мазза қилиб мудрайди. Биз эса олма, олча, анжир, буваки, маска ва шакарангурга харидор бўлиб, пахса девор ортида фурсат пойлаймиз. Қўлимизда елинхалта, аркон. Аслида елинхалталарни Эргашой опанинг эчкиларидан ечиб олганимиз. Бўшгина Эргапой опанинг эчкиларини ўтлокда навбатма-навбат эмиб оламиз. Эргашой опа индамайди. Кечкурун намозигарда қайтарканмиз, ҳаммамиз Эргашбибининг олдига чувиллаб кирамиз.

— Бибижон, эчкингизни эчкиэмарлар эмиб кетди, ўзиям баррадаккина экан, зўрга эчкини эмчагидан тортиб олдик.

Бечора индамас Эргашбиби гапимизга чиппа-чин ишонади. Қизини уришмайди. Елинхалталари роса кўп. Ана ўшалардан иккитаси бизга «дастёр» бўлади-да. Шундай килиб, ариқчанинг суви боғлананиши билан ишга тушиб кетамиз. Йўлакчадан тулкидай пилдираб Бобожон кириб кетади. Елинхалтанинг бир учига аркон боғлангаи. Халта мевага тўлса, арконни силкитиб ипора беради. Биз уни тортиб оламиз. Мана, аркон илондай биланглаб, силтаниб кетди. Арконни тортдик. Халта тўлиб, «ов»имиз «ассалом» деб чиқиб келади. Узум, олма, анжир шираға тўлиб иштаҳамизни қўзгайди. Ик-

кинчи халтани арқонга боғлаб, йўлакчадан астагина Бобожонга чўзамиз. Халтача тўлиб, мевалар хушбўй ис таратиб, жаннатдан чиқиб келаверади. Ёнимдаги Муборак, энди бўлди, шуёғиниям есак бўлар, деб кисталанг қиласи. Лекин биз яна бир марта халтачани «саёҳат»га жўнатамиз. Бобожон олмани битта-битталаб теришга сабри етмай, дарахтни бир силкитган эди, дупир-дупир бўлиб, оппоқ олмалар хаммаёқни тўлдириб юборди. Кип-қизил шафакдай гуллаб ётган, олди мевалари пилладаккина анор дарахти тагида ширин тушлар кўриб ухлаётган Оқтошвойнинг шундокқина бошига олмалар тушса борми?

Оқтошвой дунёни бузгудай бўлиб, думларини хода килиб, қулоқлари дикрайиб «вовуллаб» берди. Ана энди, Бобожонвой нима килишини билмай, югуриб сув йўлакка келди. Оқтош эса контокдай икки думалаб, олма ўғрисига етиб олди. Бобожон елин-халтани ҳам унутиб қолдираверди. Йўлакдан бошини чиқариб, нукул, тортиб олинглар, дейди. Биз унинг икки қўлидан зўр бериб тортамиз. Нарёдан эса Оқтошвой чакқон курашчидай унинг почасидан тутиб олган. Икки орада шовқиндан Одил амакиям уйғониб кетди. Бу орада бир бало қилиб Бобожон туйнукдан чиқди. Бундай қараб, кулгидан ичагимиз узилай деди: иштонининг бир почаси Оқтошвойнинг чангалида колган, олма ўғриси эса кўркқанидан дирдир титрарди. Шундай қилиб, мевага тўла елинхалтани кўтариб, икки ёқдан тўдабошини пана қилиб, қочиб қолдик. Ҳовуз бўйига келиб, «ов»имизни бўлишдик. Мен уйга югурдим. Бўғчадан битта иштон топиб олиб келдим. Ҳеч нарса бўлмагандай, олмаларни пакқос тушириб, анжирнинг киндигидан томган ширага ботиб, узумдан этагимизга солиб, уйимизга қайтдик. Онам ямоқ-яскок қилиб ўтирган эканлар. Бизга зехн солиб қарадилар. Бобожоннинг ранги ўчганини кўриб, нима бўлди, деб олдига келдилар. Кўйлаклари лойга чапланган, юзлари кир Бобожон охорланган оппоқ иштонда турганини кўрдилар.

— Бибинг айлансин, оёғинг қолиб, бошинг билан юрдинми? Қара, кўйлагингнинг кирини. Юзингни еттита ит яласа тўяди, — дедилар онам ярим койиш, ярим эркалаш билан. — Кавушичанг қани?

— Новача тўпорига ўйнашга борувдик. Новдан ўтаётиб, кавушим ариқка тушиб, оқиб кетди, — деди Бобојон ёлғонни дўндириб.

Аслида эса унинг тұгмачали, попукча тақилган қавушчалари Оқтошга «ўлжа» бўлиб, боғ ичида қолиб кетганди. Мен сир бой бермаслик учун индамадим. Онам узум қаердан келди, деб сўрадилар.

— Винозаводга узум олиб келган тошработликлар берди, — деди Бобојон.

— Одил Бўронни боғидаги ҳусайнин узумдан тошработликлар ҳам эккан экан-да, — дедилар онам кулимсираб.

Сир очилди. Онам жимгина эшишиб, иккинчи бундай номаъкул ишни қилманглар, дедилар.

Ўша қуни онам бир тандир патир ёпдилар. Қайнатма шўрна килдилар. Деворимизга туташ вино заводи олдида хафталаб ётиб қоладиган аравакашларга дастурхон килиб чиқардилар. Улар дуо килиб, мактаб, ширин шўрвага патирни тўғраб, мазза қилиб ичиб олишибди. Бирпастдан кейин улар бизни чакиришибди. Пахса девор тепасидан косалар тўла ҳар хил узумлар узатишди. Буваки дейсизми, тойифими, маска дейсизми, шивирғоними, ҳасайними, ҳусайними — ҳаммасидан бор эди. Онам олдимиизга узумларни бир дастурхон килиб уйиб ташладилар.

— Тўйгунча енглар, — дедилар. — Одил амакила-рингиз жўжавирдай жон. Болаларини ризки деб тинмай ер чопади. Ҳосилини бозорга ҳам олиб чиқмайди. Кишин-ёзин дастурхонидан мева узилмайди. Унинг жўжалари ризкига сенлар кўз тикманглар. Одил Бўрон не-не ўлимлардан омон қолиб, ўлмай қайтган. Тириклиайн дўзахга кирган. Танасида еттита ўқиям бор, дейишади. Кечалари билан ухламасдан болаларининг юзига термулиб чиқади. Жанинатимни яна фашистлар дўзахга айлантирмасин, дер экан. Минбаъд унинг боғига тушманглар!

Иттифоқо, тўйлар мавсуми бошланиб, қишлоқда ҳамма бир-бириникига «тўй муборак»лаб келадиган бўлди. Ўшандай кезлардан бирида Одил Бўрон амакининг жиянлари Ҳаловат ва Омонбой ҳам оналари Робия холага эргашиб келишибди. Бир пайт уларга чой олиб кираётисиб, кўзим пойтакда турган чиройли қавушчага тушди. Тұгмачалари, қизил ипакдан қилинган попукчалари кулиб

тургандай эди. У Бобожоннинг Оқтошга ўлжа бўлган ка-  
вушаси эди. Бобожон ҳам кўрди. Лекин индамади.  
Икки халта узум, анжир ва олмага товон бўлиб колган  
пўпакли кавушча бизни масхара килгандай, тутмача  
«кўзлар»ини ялтиратиб туради...

Ўшандан кейин Одил амакининг деворлари баланд  
ховлиси, бокка йўргалаб кириб кетадиган қилдаккина  
арикча, дарвозаси олдидағи осмонга тарвакайлаб кетган  
карри гужум дарахти кўзимга аллакандай сирли қўри-  
нарди. Одил Бўрон амаки кундуз кунлари ухлаб олиб,  
кечалари тонггача мижжа қоқмай қутидаккина ховлиси-  
ни, жанинат боғини, Бўстон қишлоғимизни, бутун дунёни  
уруш ва балолардан қўриқлаб чиқадиган халоскор  
ботирга ўхшарди...

## КЕЛИНЧАК

Кўшнимиз Маъмура холаникига қайнисинглиси  
кўчиб келди. Унинг оппоқ, кулча юзларида билинар-би-  
линмас чўтирлари бор. Сочлари тиллоранг товланади.  
Билакдай килиб иккита ўрилган. Култапешаклари ора-  
сидан икки кулочдай тўлганиб нақ тўпиқларига тушиб  
туради. Келинчак жуда чиройли кашталар тикади. Но-  
пармон каламни лабларида хўллаб-хўллаб белбоғлар,  
рўмолчалар четига гул чизади. Чизган гулларининг  
шохларида булбуллар сайраб туради. Қирмизи, пушти,  
анорранг гуллар нақ тирик гулзорнинг ўзи. Булбулнинг  
тумшукласига албатта туморча хат қистириб қўяди.  
Белбоғнинг тўрт гирдига ғазал ёздириб олади (ўзи  
ёзиши билмайди-да!) ва нафис ипаклар билан ҳарф-  
ларни gox йўрмаки, gox «тўлдириб» тикади.

Сўнг гул шохларида айлантириб нилоби ипак билан  
ўзининг ва қайлиғининг исмини ёздириб, тикади, ипак-  
ларига зарлар кўшади. Бунақа белбоғ, рўмолчалари ўх-  
ху, бир сандикча! Кашта тикаётib, чарчайди. Ипаклари-  
ни саранжомлаб, кашталарни оқ сурпга тугиб, охиста  
бир четга суриб қўяди.

Офтобрўяда, пахса деворга тираб кўйилган чирманда  
даранглаб, тобга келган. Унинг ҳалқалари ҳам қизиб  
кетган. Кўлга олса, шалдираиди. Охангга мунтазир чил-  
дирма келинчакнинг бармоғи тегар-тегмас даранглайди.  
Тут дарахтининг букчайган қадди гўё йигитнинг комати-  
дай тиклана боради. Чилдирма зарби, така-тумидан нов-

вотдай, дурдай ширага ботган тутлар тўкила бошлайди. Зарғалдоқ, зағизон, чуғурчуклар «дув» этиб тут тагига ёприлади.

Келинчак эса чилдирмани сайратади-ей, сайратади. Чилдирма халқалари келинчакниң билаклари харакатига мос шалдиллайди. Кумуш жаранглар босади пахса деворли ҳовлини. Оҳанг сели тўлдиради ҳувиллаган дунёни. Э воҳ, қаранг, шипга илиб кўйилган эски бешик танасига жон киради: бешикнинг рангларида тирикамон камалак товланади. Унинг сопол туvakлари тиллога айланади, ҳе-ҳей...

Мен лолу хайрон тураман.

Келинчак шавқ-завқ билан, терга ботиб, қуралай кўзларидан қайнок ёшлар тўкилиб, чилдирма зарбига мос кўшиқ айтади.

*Отманг мани тошлар билан, омонёр,  
Ушиб-а кетай қушлар билан, омонёр.  
Қачон дийдор кўришасиз, омонёр,  
Биздай элу хешлар билан, омонёр.*

Коратоллардаги чўл булбули сукут сақлайди. Пўртана уриб оқаётган ариқ оҳангга мос шарқирайди. Тикка келган офтобдан кўз қамашади. Мен келинчак ёнида оғзим очилиб, анграйиб ўтираман. Нега келинчакни акаси ўз ҳовлисига кўчириб келди? Қайлифи қаерга кетган? Нима учун кетган? Ақлим етмасди бу саволларга жавоб топишга. Қизили қизил, оқи оққа ажраб, яшнаб турган келинчак фунчалаб, гуллаб, мева тугадиган ёшда эди. Акаси уни ёт кўзлардан асрар, аёллар катори дала юмушларига чиқармасди. Нега?

Келинчак менга хат ёздирарди. Узоқдаги ёрига, интизорлик дарди тўла хатлар эди у мактублар.

Мактублар охирида булбул ва унинг тумшукчасида гулни ўзи чизарди. Бўстон қишлоғидаги биргина почта кутисига ташлаб келардим у номани. Негадир у хатлар жилдида шаҳар номи кўрсатилмас, «п/я, у/я» деган белгилар бўларди.

Бир кун қишлоғимиз почтачиси келинчак номига битилган хат келтирди. Келинчак хатни тавоб килиб, кўзига сурди. Почтачи эса ҳеч кетавермади. У рўмолчасига тугилган пулларидан 1 сўмлик чиқариб, унга тутқазди ва хизматингизга рози бўлинг, деди...

Биз келинчак билан хонага кирдик. Шилдаги васса-

ларда ин қўйган қалдирғочлар чуғурлашар, она қалдирғоч чарх уриб дам-бадам полапонлариға емак олиб келарди. Қалдирғоч болаларининг тумшукчалари кизил гулнинг фунчасига ўҳшаб, кирмизи бўёқ билан бўялгандай эди. Келинчак туморча хатни очаётуб, қўллари титрар, ўзича сўйланарди:

— Бизни айирмаганларида бешигим болага тўларди, бегим...

Хат худди достонларда битилган севги киссасидай узоқ, ҳаяжонли эди. Сўзлари дурдай тизилган, ошиқнинг бағри эзилган, уни тинглаган келинчакнинг кўнгли бузилган, кўзидан маржон ёшлари узилган.

Баъзи жойларини келинчак қайта-қайта ўқитар, хижронзада бўлган тўрам-а, деб хўрсишиб қўярди. Хат келган куни унга ҳайит, байрам эди. Хат унинг учун дийдор эди, севинч эди:

«Кармананинг йўлида  
Каллакланган толи бор.  
Бизни ёрни сўрсангиз,  
Ўнг бетида холи бор.

Мехр кўзда, дейдилар ёrim. Биз йироққа кетиб, меҳримиз ўчиб, номеҳрибон бўлиб колмадингизми? У дунё, бу дунё биздан бошқасини десангиз, ўзгага кўнгил кўйсангиз, бир кошиқ конини ичмасам, отимни бошка қўяман.

Борарсиз йўлингиз бўлсин,  
Алоча тўнингиз бўлсин.  
Биздан бошқа ёрингиз бўлса,  
То боргунча ўлиб қолсин...»

Келинчак хатнинг шеърларини ёдлаб олар, сўнг чилдирма уриб, хиргойи қиласарди. Мен эса унинг ўнг бетидаги холини қидирар, хол ўрнида чўтирларни кўрадим.

Одамлар ер тагида илон қимирласа, билади. Қишлоқда дув-дув гап бўлиб кетди: кимсан фалончининг эри камоқда экан. Хотинини рашик қилиб, фалончига кўл кўтарган экан... Келинчак шу кундан чилдирма чалмай кўйди. Кашталарини яширди. Хатни ҳам бас қилди. Кечаларнинг бирида уни онаси ҳеч кимга билдирмай, тоғасиникига кўчириб кетди, дейишди...

У дилбар, муаттар келинчак ишқу мухаббатнинг

лўъбати, вафонинг латиф тимсоли эди. Чилдирмани сайратган, у куйлаганда пахса даворлар қалбидан қизғалдоклар мўралаб чиккан чоғларни эслайман. Дунёни мухаббат алангаси қамраб, еру кўк ёнган қишлоғим сараторни эсга тушади. Эй, инсонни шоир, хофиз, бахши этган мухаббат, мангу бор бўл!

Сен бор экансан оғзи қон бўрилар ошикқа эврилур! Карри толлар яшариб бешикка айланур! Сен ўтган йўллар жаннат гўшаларига айланур, эй мухаббат!

# МАЖНУН ТАБИАТИ

## **«Лайли ва Мажнун»дан мутолаа**

Мажнун — Қайс бадавлат ва саховатпеша хонадоннинг тилаб олинган фарзанди. Унинг асли исми Қайс, унга бобосининг исмини қўйишган. Мажнун эса эл берган сифатидир.

Бу ишқ савдосига банди мурғак вужуд туғилиши билан фирок унинг ошиғи, дард унга муҳиб (дұст), ишқ анга марҳам (йўлдош) бўлганимиш.

Чақалоқ эмган сутлар бўғзидан ўтиши билан қонга айланар, шу боис ҳам Қайснинг бағри ҳам қонга тўлган эмиш. У ҳали оёқ чиқармай, эмаклаб юраркан, қайда ўт (олов) кўрса, уни ишқ олови англаб, ўша ёққа эмаклаб кетаркан. Бешикда ётганида у фиғон чекар, фиғонида дард бор экан. Бу дард эса уни ҳар лахза улғайтиаркан. Унинг яноғида муҳаббат оятлари товланаркан. Юзида эса вафо фармонлари кўринаркан. Тили чиққанда у шунчалар маънодор ва мантиқли гапиарканки, унинг тингловчилари хушларини йўқотишаркан. Сўзи эса кўнгилларга ўт ёқаркан. Кабилалар бу ғаройиб болани кўрмокқа, сухбатини тингламоққа ошиқарканлар. Яъни эл ҳам Қайста ошиқ экан. Ота-она ҳам кексаликда топган умид ниҳолини жондан севаркан, ошиқ икки экан-у, маъшук битта экан. Қайс тўрт ёшдан ўтиб бешга қадам кўйганида, ота-она унга муаллим излай бошлишибди. Хуллас, тўрт ёшида Қайс хусну малоҳатда, ақлу фаросатда тенгсиз баркамол Инсонга айланибди.

## **ИШҚ МЎЊИЗАЛАРИ**

Тўрт ёшида Қайсни мактабга берибдилар. Мактаб Лайлининг қабиласида экан. Лайлининг юзини кўргач, Мажнун боғ ичида бехуш йиқилибди. Хушсиз Қайс гўё ерда ётган чангдай эди. Ярим кечада ўзига келиб, кўзини очибди. Зим-зиё кеча. Гул-гиёҳда мотамзадалик. Ҳатто дараҳтлар таъзия билан ҳавога яшил байроқлар кўтарганмишлар. Қайс саломатлик либосини ечиб ўтга таш-

лабди. Кийим оловга айланибди. Сомон каби заиф жисми ҳам ўт тушиб ёна бошлабди. Шу тариқа тонг оқарибди. Энди Қайснинг ўзи насим — елга айланиб, гулларнинг атрофидан айланармиш. Чунки гул ёрига ўхшаркан-да! Гоҳ фунчани Лайли оғзига менгзатарди, сарвнинг оғигига юзини кўйиб, маъшуқасининг қаддига ўхшатарди. Бинафшага меҳр билдирад, майсаларни ўпарди. Наргининг кўзлари унга Лайлини эслатар, унга Қайс меҳру муҳаббат билдиради...

Лайлини эслатган иеки гул-гиёҳ бўлса, Қайс ўшанга ошик бўлганди.

Маъшука қабиласи томондан кўринган ўтга сажда қилиб, унга сифинади. Йўлда Лайли қабиласининг итига учраб қолиб, унга кўнглини ёриб, оёкларига йикилиб, жоним фидо бўлсин, деб итга ялиниб-ёлворади.

У шунчалар холдан тойган эдики, ҳар қадамда йикилар, яна ўрнидан туриб, яна ерга бош уради. Чунки бу маъшука қабиласининг тупроғи эди-да! Бунда Лайлининг излари бор, мана шу изларни ўпмок учун у йикиларкан.

*Нечаким йиқилди, қўпти ёна,  
Ер ўпмак эди анга баҳона...*

Лайли муҳаббатида Қайсни Мажнун аташади. Лайлининг отаси бадавлат, катта мулк эгаси эди. У элу юрт таъна-дашномидан, Мажнундан қутулиш учун бутун қабиласи билан бошқа ерга кўчиб кетади. Саҳрою биёбонда Мажнун Лайлини излайди. Бу фироқ тунида эса бўрилар кўзи унга чироқ бўлади. Кийик оёклари қалам бўлиб, туфроққа ишқ сўзларини ёзарди. Ҳаттоқи наснос каби йиртқич махлуклар ҳам Мажнуннинг улфати бўладилар. Улар вахшийликни унутиб, Мажнуннинг муҳаббат шевасини тингловчига айланадилар. Мажнун шунчалар ишқка бериладики, Лайли кўчиб кетган қабилада санқиб юрган кўтирилганни босида йиғлаб, кийимларини пора-пора айлаб, унинг яраларини борглади. Мен учун сен ҳам шунча хорликка учрадинг, қабиланг кўчгач, сарсон бўлибсан, дейди.

Мабодо сен Лайли нигоримнинг кўчиб кетган ерига борсанг, мен учун унинг оёқ изларини ўпгил, деб илтижо қилади...

Мажнун оёқ етмас даштга бош олиб кетади. Унга саркарда Навфал йўлиқади. Шикорга — овга чиққан лашкарларини овдан тўхтатиб, Навфал Мажнун билан сирлашади, дўст тутинади. Ишқ унинг кўнглини ҳам ҳалим қилади.

У Лайли қабиласига кўшин тортмоқчи бўлади. Лекин Мажнун уни бу йўлдан қайтаради.

Лайли қабиласининг чўпони ҳам Мажнунга қайшишади. Канизлар ҳам, Зайд ҳам.

Мажнун ва Лайли бир каро тунда, иккиси ўзга икки киши никохидан халос бўлиб, чексиз қумликда учрашадилар.

Мана шу покиза айёмда табиат ҳам ошикка айланади. Қайс шу қадар ожизу нотавон эдики, йўлида учраган ўргимчак тўрларига қокилиб йиқиларди. У Лайлини кўргач, туфрокқа тушган қилдек ерпарчин бўлади. Ана шунда кўршапалаклар оламга қанотларини ёйиб, тунни яна ҳам қора қилибдилар. Бўрилар кўзлари — чироқларини қулолклари билан ёпибдилар. Ўргимчак ҳам шувоққа ўралиб, иплари билан ўз тумшуғини боғлабди. Укки овоз чиқармаслиги учун тумшуғини парлари орасига олибди. Кўйчивон итини ҳам дев босиб, унинг ҳар бир жунига кириб олибди. Анбар тарқатувчи кечак макр билан тулкининг уясига тутун сочибди. Газанда ва йиртқичлар уйқуга кетибди. Аторуд сайёраси «кўз тегмасин» оятини ёзармиш. Зухра юлдузи соз чалолмай, пардага ўранибди. Тун кўлларини корага буркаб, сахарнинг келар йўлини бўяб турармиш.

Мажнун айрилик зўридан, Лайли эса Мажнуннинг ота-онаси ўлимидан хижолатсаrik бўлиб оламдан ўтади. Сўнгти нафасда Лайли қабиласи Мажнунни кечирадилар ва Лайли билан иккисини бир тобут, бир кафанга, битта бодомдаги ялакат магиздек сўнгги маконига элтиб кўядилар...

Мажнун түғилганида абадий дард унга эгиз түғилганди. Кўз юмганда эса абадий висол билан кетди.

Мажнун — гўзал байтлар битувчи шоир, ишқни куйловчи хофиз ҳам эди.

Икки норастанинг баркамол ишки бутун улусга ибрата мактаб бўлибди.

Фарходу Ширин, Лайли ва Мажнун, Тохир-Зухролар катталарники демай, минг афсуски, ўша катталар ҳам бу асарларни изоҳли лугатларсиз англай олмайдилар, мактабларга тавсия этилса, мутолаа ишлари йўлга кўйилса...

Бу асарларнинг насрый баёнлари бор. «Лайли ва Мажнун»нинг насрый баёнини Амин Умарий ва Ҳусайнзодалар тузишган. Энг комил дарс, энг улуғ устод ҳазрат Навоий асарларидир.

# КҮНГАЛИМДАН КЕЧКЕНАЛАРЫ

Одамнинг илдизи ерда маҳкам  
бўлмаса, оёғи ерда қаттиқ турмаса,  
кавракдай тўзғиб кетади. Билимли,  
маърифатли одам ўзини, элинини, тарихини,  
авлодини ҳимоя қилаолади.



## КИШЛОҚДОШЛАРИМ

Улар дала гуллариңай содда, лекин хүшрүй, сўзи иссиқ аёллар эдилар. Уларнинг ҳеч бири ўрта мактабни битирмаганди. Ҳаммасининг бир этак боласи, бир олам ташвиши бор эди. Лекин бари ҳам ўланчи, ракқоса, со-занда, лобар аёллар – Ҳамида биби, Саида биби, Шарифа хола, Робия, Сарварой... Факат барчасининг кўксисида парча қўрошиндай бир армон занглаб ётарди: эрлари, ўғилларидан келган корахатлар кўзларини қури-мас чашмага айлантирганди. Аммо бу меҳнатдан боши чиқмаган Аёлларни ҳеч қачон ҳасрат килаётганда кўрмаганман, бир оғиз фийбат сўзини эшифтмаганман. Уларни радио ёки телевизорда бирор кўрмаган, улар минбарларда сўз айтмаган, лекин тўйларнинг файзи эди улар, киш-лок маракаларини тиндириб кўшишарди.

Етмишга етса ҳам қомати терақдай тикка, юзлари нурли, чуваккина Ҳамида биби сўнгги йилда кўздан қолди. Уни набираси Тоғай етаклаб юрарди, тўй-ҳашам, йўқловлардан қолмасди.

Урушга биринчилар қатори кўнгилли бўлиб унинг ўғли Равшан Муродиллаев кетди. У колхоз комсомол ташкилотининг секретари эди. Ундан нишона бўлиб да-ла почтасидан келган учбурчак хатлар қолди. Колхоз-нинг не бир ой юзли қизлари Равшан деганда соч тараф кутарди-я! Равшан йигит умрини она Ватанга фидо килди... Сўнг ўғли Ражаб жангга отланди... Жангларда яра-ланиб, мажрух бўлиб қайтди. Кенжа ўғил ўспирин эди. Катталар қатори колхоз ишига елка тутди. Бир баҳтсиз кун фўзага ишлов бераётганда борона қўшилган от жаза-vasi тутиб кетди. Борона судраб қочаётган отни тўхтата-ман деб... ўспирин от туёғи остида қолди... «Шундай йи-гит-а! Ерга етилган экан, әлга буюрмади», деб қўйдилар.

Рўзибиён қишлоғида Ҳамида бибитга иши тушмаган хонадон йўқ. Кўк отни эгарлаб, келинларни мингашти-риб, куёвникига у олиб борарди. Бирор уйига иккита одам чорлайдиган бўлса, у ўзи меҳмон кутгандек, мез-бонлик киларди. Ўша пайтларда велосипед ёки машина урф эмасди. Ҳамида биби пой-пиёда қишлоқма-қишлоқ кезиб, халойиқни тўйга айтарди. Сўнг эл оёғи тингунча

тўйхона хизматида бўларди. Ҳеч қачон у булар эвазига бирорлардан пул олмасди. Унга бир кўйлаклик читми ёки сатинми тухфа этишарди. Қишлоқ тўйлари ажиб топкирлик билан, ёд бўлиб кетган сценарий асосида ўтар, факат ва факат чилдирма жўрлигида тонготар базм бўларди. Робияхон ва Сарварой дойрадастлик қилишарди. Ҳамида бибига ҳамроҳ Саида биби ҳам юртнинг яхши кунларига хизматчи эди.

Мана, чилдирмалар тоб ташлади. Раккосалар (қишлоқнинг йигит ва қизлари) бир-бир даврага чикқач, ўзига хос ҳажвий танаффус бўларди. Ҳамида биби билан Саида биби чолу кампир киёфасида ўртага тушар, уришқоқ, ноҳия оиласарни ҳажв қилишарди. Бўларди қийқириқ, ҳангома. Сўнг эса йигитлар қизлар либосида, қизлар мардона кийимда даврага киришарди, раккосаларга тақлид қилиб ўйинга тушишарди. Буларнинг ташаббускори икки доно аёл эди. Тўйларда нон ва сув (чой ҳам танқис эди), тонгга яқин бир капгирдан киши бошига ош тортиларди. Не қизларга халво синдирган, не ошиқ йигитларнинг кўнгли деб не қайсар қизларни кўндириган Ҳамида биби! Яхшини алқаб, ёмонни инсофга чақиришарди. Не-не кож кишилар ҳам уларнинг сўзиши икки қиломасди. Қишлоқда кўйди-чиқди деган ноҳушликнинг ўзи йўқ эди. У пайтлар ортиқча ва зарарли дахмазаларга вакт ҳам, сарф-харажат ҳам йўқ эди. Кеч кузак кечаларида эртакгўйлик, мatalхонлик билан, кўсак чувиб тонг оттиришарди. Ёзда ямок-яскоқ, кечалири ҳамир қориб, саҳарда нон ёнишарди. Чунки ёзининг долзарб кунларида ёшу яланг бирдай далага кўчиб чикарди. Колхознинг от-улови, техникаси баҳархол эди. Шийпон қайда? Уларнинг иш соати офтобга қараб ўлчанаарди. Кун чиқиши ва ботиши. Мана уларнинг аник, абадий соати. Биз елкага кетмон ташлаб далага боргунча, Ўрол опа, Сарвар хола ва Робияхон икки узун эгатни ягана қилиб, «маржон»дай тизиб кўйган бўларди. Ёки марза чопиқда 2–3 сотих ерни қўлдан чиқарган бўларди. Терим пайтлари эса уларнинг пахта жойлаган копи кетмон бўйи кўтарилган бўларди.

Чопиқда юзаки юмшатган ёки ёзга чопганларни хушламасди улар. Бир кун бўлик ерда бепарволик қилибман чоғи, 5–6 ширил кўсакли ёзга томирига кетмон дами тегди. Ўрол опа кўриб колса борми? Кўрди ҳам, роса аччик сўзлар билан тузлади, сўнг табелчи, бригадирга етиди бу гап. Мен ҳам, Латофат ҳам бешта меҳнат кунимиз-

дан ажрадик. Кечикканлар, қўл учида ишлаганларни хеч ким аямасди.

Ўрол опа, бугун Сизга ўхшаган тили ўткир, сўзи кескирлар жуда ҳам керак экан!

Кўлдош ака чўпон эди. Баъзида ойлаб чўлдан бери келмас, Сиз эса атак-чечак болаларни ҳам эплардингиз. Зарбдорлар сафида эдингиз. Қачон нон ёпиб, иссик овқатга улгуриб, қачон бу болакайларнинг ҳар кун лойга ботиб келган кавушчаларини, тўзган кўйлакчаларини ювиб, ямаб улгурадингиз?

Оқ-сарикдан келган басавлат бу аёлнинг ҳар елкаси бир тоғ кўтарали, дердилар ойим. Бир кафтгина томоркангида буғдой сочиб, хирмон кўтарардингиз, болаларингиз турнакатор бўлиб хирмон янчанингизни кўрганимда, хавас килиб ўтардим! Кадипалаклар пахсадевор оша «мўралаб» ётар, очиқ дарвозадан эса ховлингизэда барқ уриб ўсганрайхонли гулзор кўзга ташланарди.

Тасаввур қиласман: Сиз тушлигини рўмолга тугиб, эмизикли болангизни Ахтам бувига қолдирасиз-да, икки тойчоғингизни етаклаб далага ошиқасиз... Қадамларингиз шу қадим ернинг чайир қадоқларига босилган малхамдай ёқади... Ҳамон шундай, Ўрол опа!

\* \* \*

Улар икки киши — битта бокчанинг бутун бошли жамоаси. Саккиста гўдак тўртта каравотчага ётқизилган. Колхоз — камбағал. Бир хонаю, бир даҳлиз — шу бокча. Болаларга егулик ҳам бор, лекин етарли эмас. Тўртласи ҳали кўкракдан чиқмаган. Она сути хумор килади. Ахтам буви икки болани кўтариб, эмизиб келгани далага кетади. Катта дока рўмолини икки елкаси оша «бокча бола»га соябон килиб олган. Кавушлари тупроқка тўлади. Куёш қиздиради. Тут соясига етгач, овоз беради. Икки паҳлавонча тўклидай тўйиб, эркаланади. Ахтам буви уларни авраб, «ўзига эл қилиб» яна тупроқ йўлда, кун қизифида келган изидан қайтади. Иссиқдан унинг кўзлари тиниб кетади. Силлиқ пешонасидан тер куйилади. Озғин, баланд қадди-комати яна ҳам нозиклашиб кўриннади. У эркатойларни ёғоч каравотга солиб аллаларкан, энди икки болани кўтариб, Робия йўлга чиқади. Унинг соchlари этаклари билан баб-баравар, қора атласдай ёнади. Корамагиз юзларида синиқ бир хаёл яширинган. Оламда бева-бечоралик ёмон.

Шундокқина бокчага девор-дармиён ҳовлида эса қорамайиздай ширин Назира қўғирчоқ ўйнар, Сотиболди темир-терсак билан овора эди. Бу қишлокнинг қанча болаларини бу икки муштипар илик сути бериб боқди. Елкалари узилай деб далама-дала гўдакларни эмизишга олиб борди. Латта ва чўплардан қўғирчоқлар ясад бериб овутди, аллалар айтиб ухлатди. Бугун ўша болалар ўзлари рўзгорлик, фарзандлик бўлишиди. Бу фидокорлик ҳакида газеталарда ёзилмаган. Уларга мукофот пуллари ҳам берилмаган. Лекин хеч қачон улар меҳнатларини таъна қилмаганлар.

Робия Нуриддинова ва Ахтам бувилар қўлида дипломи бўлмаса ҳам, болаларни бағрига босиб, ўз жигаридай авайлаб боккан ҳақиқий мураббия эдилар...

Кун тиккага келган. Икки қўлида бургутдай тетик икки болакай. Оқ дока рўмолини уларга соябон килиб, нихолдай бир вужуд дала томон бормоқда. Кишлок йўлида ҳамон тирик қўраман бу икки мунис меҳнаткашни...

Кишлок тўйлари август ойи адодида пахтага тушиш олдидан бўлади. Киз узатиш, ўғил уйлантириш тўйларида машъалалар ёқиларди. Уни жар дейишарди. Йигитлар давра олиб, раксга тушишиб, қийқириқлар билан машъала кўтариб келинникига келардилар. Мана шунда бир марта Сарвар ҳолани мен хаяжонда кўрдим. Унинг юзлари машъала ёғусида шуълаланиб кўринарди:

— Тўй яхши-да! Юрак жунбушга келади, — деди у армон аралаш.

\* \* \*

Улар тўрт оға-ини эдилар: Раҳмон, Равшан, Ҳалил, Мухаммад. Биргина Мухаммад омон қайтди. Уч ўғил бедарак кетди. Ҳикоят биби уларни то ўлгунча — 100 ёшга киргунча кутди. Сарварой қайлиғи Ҳалилни хар кеча кутди. Умидлардан ахтарди, қўшиқлардан кидирди. Канал қазганда бир хаёли у билан банд эди. Паҳта терганида, тим-тирс қанорларни ўғли Наим билан аравага юклаганда, уни йўқлади. Бўз боладай ер ағдарди. Чигит экди. Ягана килди. Болаларнинг ризкини бутун килди. Кишлок тўйларида бармоқлари қаваргунча Намознинг беваси Робия билан жўровоз доира чалди. Лалар айтди. Унинг чилдирмаси юракларга титрок, хаёлларга бўрон соларди. Зарбидан осмондаги юлдузлар тўкилгудек эди. Қўшиқлар юракка «жаз» этиб ёлишарди. Не қизлар

эшилиб ўйнар, йигитлар лочиндай кулоч ёзиб, даврани киэдирап эдилар. У чилдирмани дил эхтиёжи учун чаларди. Нон топай, деб доирадастлик қилмаган. Унинг топгани — колхоздан ишлаб топгани бир рўзгорга етарди.

Икки аёл, икки кайфудош келинчак, ўн гулидан бир гули очилмай бева колган дардли қалблар нола киларди:

*Чироқ ёнар ёғ билан,  
Қалбим тўла дод билан!  
Ўнамадим, кулмадим  
Ўзим суйган ёр билан...*

Робиянинг худди Чингиз Ахмаров чизган суратларда гидек нафис, тархи нозик юзларида ой нури балкарди. Унинг алифдай тикка қадди бўйига шоҳона либослар қандай ярашарди. Мармардай оппок бўйнига маржон, узун бармоқларига ёқут кўзли узуклар ярашмасми? У хаммасини қаҳатчилик йиллари нонга алишган. Низом, Халоват ва Омонни тишининг кавагида асраб, саломат олиб чиқкан! Кунжарадан, арпадан шишиб нобуд бўлган болаларнинг сўнник кўзларини ёдидан чикаролмайди! Уни табиат муҳаббат учун, эр кишининг оташин севгиси учун яратганди! Уч боланинг юзига термулиб совук тунлари — иссиқ кечди, қоронги кечалари — ёруғ кечди. Кўнгил кўчасига кириш унинг тушига ҳам кирмади: Сарвар Халирова, Робия Шамилова... Улар назаримда ҳамон йўл бошида эшигимдан ёrim кириб келармикан, деб умидвор бокадилар.

Кўрадим: хира лампа ёруғида кеч куз кечалари кора кўрак чувирдик. Уларнинг бармоқлари ситилиб кетганди. Ёрилган бармоқларига қаймок суриб, чироққа тоблашарди. Улар тоби қочиб қолса ҳам даладан колмас, қишлоқда амбулатория қаёқда эди! «Касаллик наракаси»ни улар умр бўйи кўрган эмас. Уларнинг малҳами, шифоси — иш, қишлоқнинг тупроқ кўчаси, сафиirlарининг ташвишлари эди. Колхоз уларга 12 сўмдан нафака ажратганди. Лекин улар кизлари, набираларига ёрдам учун пилла, чопик ва пахта терим пайти далага чиқиб кетишарди. Уларнинг суюнчи, суюнчи ҳам меҳнат эди. Кийин-каттиқ кунлардан уларни меҳнат овутиб олиб ўтганди.

Сарвар опанинг зарбдорлик медаллари бор эди. Ёшлигида ойнахалтага солиб кўярди. Ҳозир келинининг сандигида.

Туман «Шон-шухрат» музейида энг аввало шу халол яшаб ўтган, нозик елкаларида юртнинг бир юкини кўтарган Аёлларнинг суратларини фаҳр билан қўймок керак.

\* \* \*

Тилидан «айланай-ўргилай» сўзлари тушмаган Шарифа холани ёдлайман. Уруш уни уч норасидаси билан хаёт чорраҳасида ёлғиз қолдириди: Лутфулла, Раъно, Латофат. Бир уй, бир дахлиздан иборат камтаргина ҳовличада меҳнат қайнарди. Она-болалар баравар ишга чикишар, Лутфулла бригадада хисоб-китоб ишларини олиб борарди. Раъно ва Латофат қишлоқ кизларининг олди эди. Мехнатда илғор. Сўзда чечан. Ўқишида аълочи. Ҳабиб Қора ўт кечиб Ватанини химоя қилган йиллари у оки оқ, қизили қизил бўлган сулув келинчак эди. Куйган бағрига уч бегуноҳ гўдакни, совуқ корахатни босганча колаверди. Уни дала йўлида гоҳ бир боғ ўт, гоҳ гўзапоя орқалаган холда учратардим. Лутфулла ўқишини битириб келгач, уйланганида қувончдан йиглаганини кўрганман. «Бу кунларга отаси раҳматли етмади», деб армон қилганди. Уша армон қизи Раъно меҳнатда ўрнак кўрсатиб, орден олганида онанинг тилига қалқди. Латофатни узатганида бир ўксиди. Чуғурлашиб набиралар бўйнига осилганида ўша оловли ҳасрати қайталади. Яна ўзини койиб берарди: шундай кунларни кўрсатганига шукур! Болаларим элга кобил бўлишди. Ёмон сўзини эшитмадим. Юзи ёруғликдан зиёда баҳт борми?

Тасаввур қиласман: чеккасига қўконгуллар тақсан, боласини етаклаган Шарифа хола кўриннади. Юзлари, сўзлари қалбидай мулоим. Ваҳоланки, тошфеъл хаёт бу маъсума онага кулиб қарамаган. Оғирлик, қийинчилик, жудолик кўриб ҳам одамларга меҳри, ишончи сўнмаган матонатли бу Онанинг суратини чизармикан сехрли қаламда Баҳодир? Агар чизса, мен унинг ҳар бир ўтган кунини, шодлик ва изтироблари рангини сўйлаб берардим. Улар жуфтидан ажраб қолган оққушлар эдилар... Юксакдан юз тубан кетмаган, гўзал хис-туйғуларини денгизлар тубига гавҳар тошдай яширган соҳира аёллар эдилар.

Мажнунтолдай хаёлчан яна бир Робияни эслайман. Қозок Очилдан «кора хат» олганида йигирма ёшдамиди? У машъум хат кора дод бўлиб кўксига тушган. Сўнг қизалоги Гулчехрани заъфарма олиб кетди. Зайнабига суюниб яшади. Ҳовлисининг атрофида пахса девори ҳам

йўқ эди. Ҳамсоялар ҳашар қилиб, ўраб беришди. Эшигига уни сўраб келганлар бесаноқ эди. «Гўдакларимни бирорларнинг дастурхонига сарғайтирайми? Кўнглимга эса бир дардан бошкаси сиғмайди!» Уша дард билан соқин кўлдай яшаб ўтди. Ўша дардини ҳеч нимага алишмади, ахир ўшасиз қалби бўшлиқ, хаёти бенур бўлиб колмасмиди? Бугун кумуш сочли, увокқина кампирни тез-тез Фардиён кишлоги йўлида кўрадилар. Набираю абиralарини соғинган онаизор!

Устоз Миртемир айтганидек:

*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Энди у иигласин, мен ииглаб бўлдим.*

Уларни ўзим кўп кўрган киёфада тасвирлагим кела-ди: ёрғучоқ тортаётганда, ўғир туйганда. Эшакка қоп ўнгариб, тегирмонга кетаётганда. Бедазорда ўроқдан сўнг пичан боғлаётганда. «Ху-ху»лаб кор аралаш бирчи-гит тераётганда. Ранги ўнгиб кетган рўмол ва қўйлакла-рини бўёқка солиб, қайнатаётганда... Келин бўлажак қизларнинг сўзанасига гул тўлдираётганда. Улар тиккан йўрмаларда умид рамзи — ок, кутиш рамзи — сарик ипаклар мўл бўлганди... Бахор олдидан арикларни ҳашар қилиб тозалаётганда; оғир замбилларда далага гўнг ташиётганда улар кўзларимда суратланиб қолган...

Бойлик, зару зевар деб на бирорларнинг, на колхознинг мулкига хиёнат қилмаган улар. Боридан рўзгорига бара-ка топган. Бирортасининг уйида гап-сўз ўтиб қолса, қишлок шўросигача етиб бормаган. Кўни-кўшнининг бир оғиз насиҳати билан не жанжалли муаммолар ҳал бўлган. Элу юрт нима дейди, андишаси билан яшаган ин-сонлар...

— Барака топкур, покдомон эди. Беозор эди. Имон-инсофли эди, — дердилар онам уларнинг ҳар бири ҳакида.

Дабдаба ва довруқсиз, эл қатори ишлаб, тер тўкиб, йиғисини ютиб яшаган яхшилар улар!

Кишлок ахли Шарифа холани, Ҳамида ва Саида би-биларни, Сарвар холани, Ахтам бувини сўнгги йўлга кузатганига кўп йиллар бўлди. Учала Робия буви ҳали ҳам колхозга мадад беради.

Бугун довруғли, тўкин-сочин маъракаларда, кузнинг тифиз меҳнатли кунларида уларни бот-бот эслаб турайлик.

Кизилтепа тумани Рўзибиён кишлогидаги бу аёллар

уруш йилларида колхоз от-уловсиз, эркакларсиз қолганда унинг кунига ярашган.

*Эмиш... шұхрат үраб кемтик қисматим,  
Күзлардан үирокда сирқираб оқар.  
Дилда құргошиндай ётиб ҳасратим,  
Күзларим жаҳонга баҳтиәр боқар.*

Бугунги югурик замон, түқин-сочин күнларда бу «кемтик қисматли» мардона оналардан сабру қаноатни, меҳрибонликни, садоқатни, үзни элу юрт учун фидо килмокни ўрганишимиз керак!

1986 йил.

## ЙҰҚОТТАНИМ ТОПСАМКИ ШОЯД...

Хаёт чархи айланаверади. Авлодлар яшаради, янгиланади. Бу янгиланишда биз күрмаган севинчлар, биз түймаган жүръялтар гулга киради. Кечагина сүз демокка ийманиб, хаётнинг барча зарбасига дош бериб, күнишиб яшаган авлод бугун ўзлитини англай бошлади. Бу ошкоралик, қайта куриш меваси, маънавий хаётимиздаги биз ўн йиллаб кутган эзгу байрам! Байрамдан кутганишимиз күп. Янги сарин шабадалар юзларимизга урилмокда. Биз димиқкан тор фикрлар, махдуд хәёллар исканжасидан кутилиб, хур фикрлашнинг мазасини сездик, нур эмган нихолдай ранг-рўйимизга қизиллик югурға бошлади.

Шиорларнинг панасида бўри қувган жайрондай қалтиллаб турган Она Еримизнинг захил юзларига кўзимиз тушди. Ҳиссиз, баландпарвөз хитоблар кўзимизни хира килиб қўйган экан: бизни едириб-ичирадиган, умр бўйи елкасида кўтариб юрадиган Ернинг афтодаҳол бўлганини билмабмиз. Олис эллардаги пороҳ тутунларидан хавфсираб, шеърлар битибмиз, юрт талашиб билаги қонга ботган жангари эллар учун қайғурибмиз, биродарлик рамзи, деб вагон-вагон ошу нонимизни олис сарҳадларга юборибмиз... Билмабмизки, шундок ўз останамиизда илиги пуч болалар, меҳнатдан силласи куриган муштипар оналар, тўлиб кетган сағирхоналар, ғарифхоналардаги шоми ғарифонга дучор қариялар борлигини...

Баҳор пайти сунларга, кўм-кўк далаларга, лолазорга кўп тикилиш керак. Кўзга дам беради, рухни осойишта қиласи, чарчокни олади, деб айтган эди бир куни Олмосхон дугонам. Қибрайга элтадиган торгина, равон

йўлдан машина худди пушти булатлар бағрига кириб бо-  
раётгандай. Ёмғир шивалаб турибди. Дараҳтлар яшил  
либосларини кийиб, таналари яйраб, сарин шамолда  
оламга сиғмай шивирлайди.

Бу кўм-кўк новдаларга сирға бўлган олма гулларими  
ёки юлдузлар ёмғирими? Табиат мулоим ва тиник на-  
фас олади. Мажнунтолларнинг чилвир соchlарини шаба-  
далар «қайчилаб» ўтмоқчи бўлади. Ариклар бўйидаги  
майса-қиёклар кийикчаларнинг қулоқларида динг, тоза,  
шудрингли. Юракда унган хайрат майсаларида нени  
ниҷирлайди улар бу дунёнинг ташвиши билан югуру-  
юурлар аро толиқкан одам зотига? Кўзларимни узол-  
майман. Онам бир махаллар эслатган ривоятлар, ақида-  
лар, шу мовий манзараларга эш хотиралар, тўғрироғи,  
юракни ларзага солган хайратлар вужудимни илита бош-  
лайди.

Хотира кўлларига шамол оралайди, «бўри болалади»  
ёмғирлари савалайди. Машина кўзгусида ўйнаётган бир  
катим нур мени қишлоғимнинг ажриқзор сўқмоқ йўлла-  
рига улади.

Етти ёшдамидим. Бир арава хотин-халаж, бола-бакра  
Шўробод қишлоғига тўйга борардик. Муллатош қишлоғи  
заранглари ортда қолди. Йўлни кесиб канал чиқди.  
Кўпrik йўқ.

Аравани эса шунча юқ билан от тортолмайди. Канал-  
нинг икки қирғонини бирлаштирган нов-ёғоч тарновда  
сув шалдираб оқади. Бир арава одам тушиб, битта-битта  
новдан сув кечиб ўтдик. Янги либослар хўл. Лекин хеч  
ким инжимас, ҳангома, гурунг билан йўлда давом  
этардик.

Маърифатли одамлари билан танилган Ванғозига ки-  
риб борамиз. Йўлнинг икки ёқасида қалин токзорлар.  
Улар ер бағирлаб, шоналаб, фўралари шарбатга тўлиб  
ётибди. Асаларилар зувиллайди. Бошинга сатил, эгнига  
оқ либос «кийган» қўриқчилар ажабтовур кино манзара-  
ларига ўхшайди. Ванғози минораси эртак айтиётган кўйи  
сехрланиб қолган сайёҳдай йўлда колиб кетди. Зармитан  
арик суви сап-сарик, сумалакка менгзайди. Тизза бўйи  
хулбўй, келинсупурги, мия (совун ўт) иси димокка ури-  
лади. Яйловлардан тўйиб, бузогини кўмсаб аркони  
шохига ўралган сигирлар мътраб, адашмай қадрдон  
ховлиларга қайтади.

Намозшом шамоли эсган паллада тўйхонага кириб  
бордик. Каттакон ҳовлида икки туп баҳайбат тут тар-

вақайлаб ўсган. Томоркада олчалар ипга тизилган сарық мунчоқдай. Бир тупгина олмурут. Мевалари пилладайгина, олтинранг, юмшоқ, хушбўй. Ҳовли қанотида ариқ лимиллаб оқади. Кечки шабада юзларга салқин пуркаб ўтади. Сула адогида бўйрадаккина жойда нозбўй, сарикгул, намозшомгуллар мавж уради. Ҳовлининг бир ён девори ўрнида гўзаноя тахлаб ташланган. Ажаб, кўприкка ҳам ўзапоя босилган. Биз, болалар, улокчалардек қишлоқ йўлларига ирғишилаб чикиб кетдик. Кўприкдан ўтишим билан очиқ айвонли, устунлари мунаққаш сувратлар чекилган иморатга кўзим тушди. Мен она қишлоғим — Рўзибиёнда бундай ажойиб бино кўрмаганман. Саҳнига чоркирра ғишт ётқизилган. Вассалари рангин. Устунларда жимжима нақшили сувратлар. Билсам, у араб алфозидаги ёзувлар, муқаддас қаломлар экан. Ўймакори қуббалари турли бўёқларда товуснинг қанотлари дай товланарди. Анчагача кўз очолмай турдим. Ўнгимда кўринган биринчи эртак, ғаройиб қасрларнинг бир нозик суврати эди ул. Ўша кечаси Робихон аянинг чилдирмаси овози нукул рангларга ўхшаб кўзимни тиндирав, юрагимда ғалати бир туйғу ёнарди. Тўлахоннинг соддагина лапарлари байтида ўша бино жилолари порларди. Тонготарда, «тўйлар муборак» суруди ўқилгач, эл оёғи тинди. Биз болакайлар ҳам дуч келган жойда думалаб ухлаб қолдик. Туш кўрдим. Тушимда ўша кошона токчаларига еттита зангор қуш кўниб, тинмай сайранди. Букри тут ғовагидан қора илон ўрмалаб чиқдию, қушларга даф кила бошлади. Қоп-қаро аждаҳо еттига бўлиниб, етти токчага ўрмалаб, қиличдай тилларини чиқарар, қушлар чинқирав, аммо уларни қуткарувчи бир куч кўринмасди. Мен эса жиққа терга ботиб, йўл ўртасида изиллаб турардим, у қушларни балодан халос килишга курбим етмасди. Даҳшат ва ўқинч аралаш уйғониб кетдим. Туш таъбирини ечишга менинг мурғак зехним ожизлик қиласарди. Факат онам бошимни силаб, оғиррок жойдан ўтдимикан, дея хавотир олиб, кайвони бибига олиб бордилар.

Фуж-ғуж олмурут мевали чайир дарахт, тугмачадай товланган олуча шохлари, нақшин иморат, унинг етти равоби ва унда тун бўйи чиркираган қуш кўп пайтлар хаёлимдан кўтарилемади. Ўшандан сўнг тўрт йил ўтказиб яна Зармитанга, Шўробод қишлоғига бордим. Ариқ бўйидаги мўъжиза иморат йўқ эди. Ўрнига лойсувок килинган, чўпкори айвон қад кўтарганди. Унда энди

оламдан ўтганларни сўнгги йўлга кузатганларида жаноза ўқилар экан...

— Бундай музайян мачит Зармитанда ўн саккизта эди. Барини бузиб ташлашди, — дедилар ўкиниб Камол Ёрмуродов.

Мен тушимда кўрган етти бошли аждаҳо эллигинчи йилларнинг кора катагони экан. Имон-эътиқодни пок сақлаб, элу юртни инсоф ва диёнатга чорловчи муқаддас саждагоҳларга ёвузларча кетмон солиниб, бузиб ташланган экан.

У менинг биринчи бу сирли оламда юзма-юз келган ҳайратим эди. Бугун юрагимда бир чандик қолганини туяман.

Қиплоқнинг олмурут, олчазорини, бузиб ташланган хонақоҳларни тиклаш учун бугун биз буйруқ кутиб ўтирамасдан, қарзимиз, бурчимиз, деб дадил ишга киришсак, йўқотганларимизни топган бўламиз...

\* \* \*

Булғориянинг салқин, тош кўчаларида сени кўп ўйладим, она юртим. Девор оша йўловчиларга мўралаб турган токзорлар, атиргул чамбарлари, бодомзорлар, ёнғоқзорлар оралаб ўтганда сезган жаннатий туйгулар ичра сени ўйлаб, ўкиндим, менинг тупроғи тоза юртим!

Тошчетанлар, ёғоч тўсинларга ёнбошлаб ўсаётган ноклар, анжирлар, баргларида шафак илашиб қолган олма дарахтлари шукухига қараб, нималар хаёлимдан кечмади!

Кичкина дарвозачаларда уй сохибининг исми шарифи, ҳовлисининг ҳажми ёзилган лавҳаларни кўриб, инсонга ишонч деган туйғу нақадар азизлигини англадим. Икки катта шаҳарни бир-бирига боғлаган поёнсиз ўйларнинг ёқалари бодомзор, ёнғоқзор. Ҳар кимнинг ўз бофу боқчаси бор! Демак, бозорида мевасини доналаб пулга сотмайди! Демак, қовунининг бир карчини палон сўмдан пулламайди.

Эҳ, менинг боғларидан, ишкомларидан офтоб эгилиб ўтган, шабадаларнинг қаноти асалга ботган боғ ҳовлиларим, қай нокис аклнинг касофатига қаҳатга учрадингиз сиз.

Тоғларни тарқ этиб, шаҳарга тушиб келган арчалар, аллақайси совук иқлимдан келиб қолган акаслар, денгиз ўлкаларидан келган каштанлар — булар ўз иқлимида гўзал. Лекин Ўзбекистоннинг мевасини шакарга, бу-

локларини болга айлантирувчи об-хавосига олмазорлар, ўрикзорлар, шафтозорлар күпрөк ярашмайдими!

Одатда, Сибир калимаси тилга олинса, этимиз жунжикади. Чоризм ваҳшати билан турмахонага айланган маскан. Исёнкор ақлларни ўз комига, совук чакалакзорларига тортган зиндангоҳ.

Бу Шимол ўлкасининг беҳад шоирона ва жозибали бир макон эканлигини мен Иркутскда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати кунлари кўриб, хайратдан ёка ушладим!

Ранглар ўлкаси, афсоналар, ривоятлар шахри, декабристларнинг жафокаш номи билан боғлиқ бўлган жасорат ва укубат манзили! Сибирнинг олтин кузи шунчалар рангдор, бой, афсона киёс эканини ўшандада кўрдим. Махобатли Байкалнинг феруза кенгликларини айтмай кўяколай! Вилоятнинг 72 фоиз майдони ўрмонзорлардан иборат. Табиатни бунда мохир мусаввирга таққослайсиз: эҳ, бундаги беҳиштӣ ранглар атторнинг кутисида йўқ! Байкалга ёндашиб кеттан ўрмонзорларга караб сўздан адашасиз: қаҳва ранг, заъфаронранг, оловранг, тилларанг, қизғишранг, зарғалдоқранг, шафакранг, қирмизи, гулоби, алвонийранг, хурморанг... Япроқлар шуъла сочаётган фавворадай балкийди. Дараҳтларга чирмасиб, ерни коплаб ётган ўт-ўлан, майса-тиёҳ, кўкат ва қиёқларни айтмайсизи!

Тилоғочларнинг нозик ва ингичка барглари тилла пайраҳаларидай живирлайди. Корагат, хўжағат, ёввойи наъматаклар, маймунжонлар беркинмачоқ ўйнаётган қизчалардай лип-лип этиб, дараҳтлар панасидан кўзга ташланиб колади. Арчаларнинг, бўйдор оқтеракларнинг кир учидаги офтоб заричувалиб ётиби. Нима учун Валентин Распутин ўз юртини бунчалар севишини, Байкалнинг мусаффолиги учун қайфуришини шунда англаб етдим.

Иркутск кўчаларида ҳаммаёқ гулистон. Жаннатга тушиб қолгандай бўласиз. Яшил чимзорларда ёввойи ноклар дув тўкилиб ётиби.

Ёкун ва зумрад булатлар хиёбонларда гулга айланниб колган, дейсиз! Баҳорнинг бисотида бу қадар ажиб ипаклар йўқ! Ваҳоланки, сентябр, мезон охирлаб қолган, Сибирнинг катта корлари учқунлашига атиги бир ҳафтагина фурсат бор эди, холос! Бу гўзаллик, афсунгар лавҳалар Байкалнинг нафаси, унинг тиник, кислородга бой сувидан, деб тушунтиришди.

Бу шаҳарнинг бинолари — бир томонда янги, салобатли, иккинчи томонда содда, жозибали, турли бўёкларда бўялган ёғоч уйлар — ўзига хос, бетакрор. Кўчаларнинг қадимий номларини сақлаш ҳар бир шаҳарликнинг бурчи, дейишди. Ўз тупроғининг ҳар бир қаричи бедаҳллиги, соғлиги учун, Байкалнинг таровати учун умрини тиккан одамлар яшаркан бу ўлкада...

Бизнинг ҳар фиштида офтоб қоришган, ҳар дарахтида беҳишт шамоли эсган юртимизнинг афсоналари, маталлари, табаррук тошлари, хосиятли булоклари канча...

Халқ бекорга бирор булоқ хақида афсона тўқимайди. У афсоналарнинг ибрати, холосаси битта: уни асройлик, булғамайлик, кўзига қум тўлмасин.

Мен Тошкентнинг ховлиларидан айланиб оқадиган зилол арикларни эслайман. Май ойлари кўчаларнинг икки қанотида чодир-чаман бўлиб очилиб ётган гулзорларни эслайман. Тонг сахарда қуш уйғонмай туриб, шаҳарни супуриб-сидириб ораста қилган фаррошлар удумини хотирлайман.

Ҳар бир шаҳарнинг ўз удуми, анъаналари бўлиши даркор. Қанийди ҳар кўча-кўйда, муюлишда, ҳар бир корхона пештокида, ҳар бир гузарда, маҳаллада, тўпарда, сойлар бўйида, чойхоналар эълон лавҳасида ёзилса: Тошкентни, Ўзбекистонни зилол ва озода масканга айлантирайлик!

Бозорларнинг атрофи балчикка, кирўрага, ахлатхонага айланмас! Мехру шафкатни ўзимиздан, Она табиатга ҳурматдан бошласак! Чунки биздан мурувват кўрмаган табиат ўлади.

Бунинг учун ҳаммада ҳайрат ва завқ туйғуси бўлмоғи керак. Узок замонларки, уни йўқотганлар кўп бўлди. Кеч бўлса ҳам, энди излайлик! Маҳаллалардан ўрнак олиб, кўп қаватли биноларнинг уй раислари, уй-жойдан фойдаланиш идоралари мутасаддилари бир оз куйинчак бўлсинлар!

Нон билан ахлатни қоришириб, сувга тупурадиганларга не дейин?! Улар бу тупроқнинг тилини, дарахтининг тилини, қуш-киёсининг тилини билсаларгина, бу юрт обод бўлажак.

Шаҳар марказидаги Олой дехқон бозорига кўп кираман. Ернинг юзи, куннинг кўзи одам. Яхшилик, боғу роғлар саҳовати шундай. Кишдан омон чиқиб майга етиб элнинг оғзига totлигина мева тутқизган дехқонга балли... Лекин нархи-навони ҳам изга солиб турадиган бир

мард толилса, нур устига аъло нур буларди...

Хайрат билан яшаш Инсон учун бир байрам! Хайратланиш, табиатдан завқ олиш, уни безаш, зийнатлаш, тотган тузи учун бадал тўлаш инсонгагина хос фазилатдир!

Буюк боболардан ўгит айтсак, алқисса шуки:

*Агарчи барчани латиф айлади,  
Барчадин Инсонни шариф айлади.*

1990 йил, май.

## ОДАМИЙЛИК САРАНЖОМЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Болалик хаёлимда бир воеа қаттиқ муҳрланиб колган: бир неча жойидан чегаланган лола гулли лаълин товок иттифоқо чил-чил синиб кетди. Бирор идиш синса, келган бало шунга урсип, деб куюнмайдиган онам, бу гал бехол ўтириб қолдилар. Нафаслари ичига тушиб кетдими, деб қўркканимча ёнларига чўқдим:

— Онажон, нима бўлди сизга...

Анчадан сўнг онам ўзларига келиб, дедилар:

— Отангдан мерос эди, болам, раҳматликнинг қўли теккан буюм эди. Отагинангнинг баракаси бор эди унда.

Дарҳақиқат, бу лаълин товок доим равоқда авайлануб сақланар, меҳмон-измон келсагина тутиларди. Байрам ва хайит кунлари палов сузилари бу табаррук товоқда. Онамнинг юрагидан бир тори узилгандай бўлганди ўшанда. Энг азиз хотиралари, севинчлари, рўзгорининг баракаси унинг хаёлида шу чинни буюмга боғланганини йиллар ўтгач тушуниб етдим. Билсам, инсон ўз кечмишига боғлик нарсаларни асраб-авайлаши ҳам хотира маънавиятининг белгиси экан.

Яқинда қадим Бухоро кўчаларини кезиб, таъмирланётган мадраса ховлисига кириб қолдик. Ҳужраларда хунармандлар, зардўзлар, мистарлар, косиблар, тўкувчилар, чиланглар иш билан банд эдилар. Ҳувиллаган масканнинг обод ва гавжум бўлганидан суюндим. Зардўз қизларнинг санъатини кўриб кўнглим ўси. Не ажабки, баъзи ҳужраларда қадимий сўзаналар, адрес тўнлар, чилимлар, кашқул, обдаста, офтоба, дастшўйлар териб қўйилганди. Бу ноёб буюмлар долларга сотиш учун олиб чиқилган экан. Авлоддан-авлодга ўтган, қанча тарихий кунлар, шодликлар гувоҳи, азиз қўлларнинг тафти кетмаган бу палаклар, сўзаналар хонадонларнинг файзи,

бобо мерос, она давлат эмасми? Кўз олдимда онамнинг синган товокка унсиз тикилиб колганлари яна жонланди. Либослар, турли рўзғор анжомлари, зару зеварлар бу эл-улуснинг турмуш йўсими, истеъоди, аклу фасохати, кизиқишлигини сўйлаб берадиган жонли тарих-ку!

Халкнинг бундай бойликларини асраб-авайлаш, мозийхоналарга топшириш керак. Қадрдон, меросий хоти-ралар рамзи бўлган буюмлар бизга нималарни эслатмайди? Далага чикаётган дехқон хўқизининг шохларини мойлаб, омочларига бағишлаб ғазаллар тўкиб, кўшга ки-раётган хўқизининг туёкларини тилло деб таърифлагани-да инсон ва табиат, хайвонот олами ўртасидаги нозик уйғунликни кўриб қойил қолмай иложингиз йўқ. Маъна-вияти етук инсон деганда аввало ўз халқи тарихини, ма-даний қатламларидаги маънавий-маърифий бойликларни ўзаштирган, шуларга муносиб бўлолган зотларни айти-дилар.

Табиатга муносабат ҳам маънавиятнинг ажралмас уз-видир. Йўл устида тош ётганини кўриб айланиб ўтган одамни эмас, балки шу тошни чеккага суриб қўйиб, ўзга-ларга йўл очиб берган кишини олижаноб деса бўлади. Остонасини кул босиб ётсаю, уйининг ичини музейга ай-лантириб қўйса, бундай одамнинг саришталиги — чала, кемтиқ. Ён-атрофга бир қаранг: кўп қаватли уйларнинг остоналаридан қадам босиб киришга кўнглингиз торт-майди. Кўча бўйларида ўюлиб ётган ахлат уюмлари-чи? Кўп қаватли уйлар пинжида ўсаётган дараҳтларга боксангиз ёка ушлайсиз: «амал» дараҳтига ўхшайди, теп-падан ирритилган турли чиқиндилар, қоғозлар шундай «безаб» турари уларнинг шохларини. Мана бу ҳол ҳам маънавий қашшоқликдир. Чунки қашшоқлик жуда ранг-барангдир. Нега кўп қаватли «дом»ларда турадиганлар хеч бир-бирларига қовушмайдилар? Уйлари атрофлари-ни, йўлаклари, эшик остоналарини тартибга солмайди-лар? Махаллалар бу жихатдан анча ораста, кўркам. Чунки қўшни-қўшнига кўз, бир-биридан истихола кила-ди. Лекин шаҳар марказларидаги биноларни кўриб ачи-насан киши. Кўчаларнинг киёфаси ҳам, уйларнинг осто-наси ҳам эл-юрт маънавиятининг кай даражада эканидан далолат беради. Кичкинагина Коми халкининг бир хик-мати бор: кай бир йўловчи дараҳт соясида хордик ол-мокчи бўлса, шу дараҳтнинг етти авлодига озор бермас-ликка қасам ичиб, сўнггина унинг салқинида ўтиришга ҳақди экан.

Азалдан боғон феълли ҳалқимиз бор. Унинг хунар-пешалигига, фазилатларига таъриф йўқ. Лекин ана шу фазилатларимиз турмуш югур-югурларида эсимиздан чиқиб колмаяптими? Тошкентимизнинг маҳобатли, муаззам биноларига, меҳмонхоналарига қараб, бошимиз осмонга етади... Лекин куппа-кундуз куни атрофга чанг буркситиб, кўча супуриш қош қўяман деб кўз чиқариш эмасми? Качон шахарларимиз замонавий тозалаш техники-каси билан қуролланади? Ҳар бир корхона, идора ёки ташкилот ўзи жойлашган манзилини жаннатдай обод қилиб қўйса, пешайвонларга, баланд уйларнинг раҳравларида чирмасиб ётган қирк оғайни гуллар барк урса. Гўзалликка, озодаликка интилиш, Ватан тутган ерини обод қилиш ҳам маънавиятнинг бир белгисидир.

Ўз ҳалқининг йиллар давомида шаклланган удумларига, эл-юрт таомларига амал қилиш ҳам маънавият дарражасини аниқлайди. Ён қўшниси азадор бўла туриб, карнай чалдириб тонготар базму жамшид килган ҳамсояни комил ва доно одам деб бўладими? Мотамзаданикига қўш-қўш тақинчоклар такиб, хиноли бармоқлар ила борган аёлнинг таъзияси ўрнига ўтадими? Тўй-тўйчикда раккосалар бошидан пул сочаётган хотамтойларнинг маънавий дунёси мукаммалми? Чиллалик келин-куёвга қадаҳ суниб, фариштасини учирадиган меҳмонларнинг «ҳиммати» ўзбекнинг қайси урфида бор? Мана бу оғрикли муаммолар хусусида кибриё оналаримиз, мастура опа-сингилларимиз билан бирга жуда жиддий ўйлаб кўрмоғимиз даркор.

Албатта, хаётни бепарволик билан ўз ҳолига ташлаб қўйса, хамма нарса қоришиб-аралашиб кетаверади. Удумларнинг, маросимларнинг, анъаналарнинг Инсонга, оиласа, ҳалққа фойда келтирадиганини, Инсон шахсини улғайтириб, камол топтирадиганларини саралаб, олиб қолмоғимиз мухимdir.

Эркин, хур фикрли ёшларимиз бор. Дунё уларнинг куч-ғайрати, жўшқинлиги билан гўзал. Кўпни кўрган кексаларнинг тажрибалари, доно ўйтлари дунёни тутиб турган яна бир устундир. Лобар келинчакларимиз рўзғорга ўралашиб қолмасалар, жасур ўғлонларимиз илму фаннинг очилмаган сўқмокларидан юрсалар, мустақил республиканинг оғир юкларини елкаларига олсалар, ҳалқнинг омади келгани шу.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамининг тўрт йиллиги тантанасида сўзлайтуриб, Президен-

тимиз Ислом КАРИМОВ 1997 йил Инсон манфаатлари иили бўлсин, деб эълон килди. Билимли, маърифатли одам ўзини, элини, тарихини, авлодини ҳимоя қилаолади. Манфаат сўзида ўзидан, умридан, амалларидан, аклу идрокидан кўпчиликка наф келишини, ҳаётининг мазмун ва мохиятини тушунади. Рухини пок, жисмини соғлом, ҳаётини мусаффо асролмаган одамлардан на элга, на ўзига манфаат келар.

Одамларнинг илдизи ерда маҳкам бўлмаса, оёғи ерда каттиқ турмаса, кавракдай тўзғиб кетади. Ана шу Заминда мустаҳкам илдиз отишнинг аввалин мезони маънавий баркамолликдир. Бу эса ўзни танимок, наслу насабини билмок, киндик кони тўкилган тупроқ тарихии ўрганмок, мустақил фикрламоқ, имон-эътиқодда сабитлик, янги давр эпкинларига кўнгил эшикларини очмоқдир. Замон шабадаларидан довдираб колмай, ҳаётнинг шитоб янгиланаётган мазмунига мос аклни чархлаб, туйғуни, шуурни мослаб яшамоқ баркамолликдир, баҳтиёрликдир.

1996 йил, декабр.

## МИЛЛАТНИНГ ҚАЙФУСИ НИМА?

Ўтган йил адогида хорижга сафар килдик. Халқнинг қадри, ўзлигини англаш туйғусини йўлга чиқканда кўпроқ хис этаркан киши...

Йўл фикрларни тиндириб, тасаввурни бойитди. Вактнинг кенгликлари аро поезд филдираклари бир маҳромда филдираб, «кашта тўқиб» ўтади. Чексиз Қозоғистон чўлларидаги саксовуллар, янтоқзору қамишзорлар хайлни сехрлайди. Бўталокларини эргаштириб юрган туялар чўлнинг зийнати. Кимсасиз йўл бўйларида сирли мозористонлар, гиштин мақбаралар. Чўл сукунатида ўтмиш аждодлар ёди кезади. Дўумбиранинг шиддатли саслари янграгандай. Қамишларнинг пўпакларини ўйнаб, шамол хуштак чалади. Ерларга сарик кигизлар ёйилгандай. Поезд шимолга интилади. Ерлар оқара бошлиди. Томларнинг қовурғалари кор, темир йўлнинг иккни тарафи қаровсиз, хароба, балчик. Кора қурум босган бинолар, мөгор босган маҳобатли темир хумлар. Минглаб куб ёнилғи, ўтин... Очиқ вагонларда полvon машиналар, қаровсиз бойликлар. Юрагинг ачишади. Улуғ ва бепоён мамлакатнинг фидойи фарзандлари қаерда? Рос-

сиянинг ҳувиллаган кентларидан ўтиб бораркан, фикримда шундай савол чарх уради.

Саранжом, саришта Будапештга ҳам етдик. Можористонда бизни Қаҳрамонлар майдонига олиб боришди. Можор миллатининг тарихи, тақдири, ўтмишини 14 киролнинг биринж ҳайкаллари сўйлайди. Ҳар бир киролнинг шажараси, улуғ ишлари, ўлмас ёдидан ҳикоя килиб беришиди. Уз замонасида мактаб маорифини йўлга қўйган, ҳарбий ислохотни амалга оширган, дехқонларга хукук берган, турклар асоратидан элини озод қилган қиролларнинг тош сиймолари авлодларга сабок сўйлайди. Ўтмишдан ибрат олишни, ўз тарихига ҳамнафас яшашни ўргатади.

Гўзал Будапештнинг муқаддас Жоме масжиди. Ибодат пайти. Ёш ҳам, қари ҳам муқаддас китобларни кироат килишарди. Саккиз ярим минг кипи сиғадиган муаззам ибодатхона гумбазларининг баландлиги қарийб юз метр. Усталар созлаган арғанун янграйди. Мунаққаш токларда можор ҳалқининг тарихий байроқлари. Ҳалқ ўз тарихининг шамоллари, дўллари, конли босқинлари, музaffer кунларини кўрган тилсиз гувоҳ – байроқларни ибодатхонада кўз қорачигидай сақлар экан.

Бу меҳнаткаш ва мағрур ҳалқ қурган шахар, кўчаларни кезарканман, Бухоронинг қанотида турган Ҳазрати Баховуддин масжиди эсимга тушди. Мунаққаш бинонинг дарвозаларида битилган қаломларни ўқий олмаганимни хотирладим. Бу қадамжо бир пайтлар отхонага айлантирилгауди. Ҳалкни ўз имлосидан маҳрум этган, тарихий илдизларидан узиб ташлаган маънавий сўқирлар Инсон бош қўйиб сиғинадиган саждагоҳларни отхонага айлантиргани қайси қабоҳат кирғинидан кам?

Ҳалқ дардига шифо, таскин излаб борган жойларни ё қамоқхона, жиннихона, омборхона қилиб, ёки тамоман вайрон этиб ташлаш бизнинг кўз ўнгимизда, ҳалқимизнинг фарзандлари олдида содир бўлди. Нега биз осориатиқаларимиз билан, боболаримиз яратиб кетган тасаввуф илми билан хорижийлар олдида фаҳрланиши билмадик?

Кўрқоқлигимизми? Калтабинликми? Ўзлигини йўқотишми?

Хаммаси, дейиш мумкин. Туеларимиз нега топталди? Бизгача яшаган авлоду аждодларда бирор бир эзгу иш бўлмаганимди?! Кўприклар курилмаганимди?

Афсуски, муаррихларимиз тарихнинг қаро доғларини

кўрдилар. Нурли нукталарни илғашдан чўчиidlар. Янги маданият, янги адабиёт яратамиз, деб улуғ Навоийнинг хикматларини чала-чулла ўргандик. Машрабни ёдлаб, камолга етган авлодлар ўрнини ўз тарихи, адабиётидан бебаҳралар олди. Бойқарони золим шоҳ дедик, Хусайний тахаллусида зариф ғазаллар ёзганини тан олгимиз келмади. «Ватан адабиёти» деган дарслик тузиб, унда «Кутадгу билиг»дан, «Хиббат ул-хақойиқ»дан дуруст-роқ тахсил ололмадик.

Ўзбекистон Компартияси XXII съездидаги хаёлларим тўйполон бўлиб кетди. Бундан тўрт йил аввалги анжумани эсладим. Ким ўзарга бир-бирини қоралашлар халқнинг бошига не азобу мусибат, укубат солмади?.. Халқимнинг номини ёмонга йўйди.

Съезд минбаридан айтилган аччиқ ҳақиқат, пушаймон ва икрор, ўқинч ва окловни тинглаб, бир қадар кўнгил ҳаловат топди. Анжуман иштирокчилари саволларига жавоб бературиб, республика раҳбари Ислом Каримов «биз нега шу ахволга тушдик?» дейа юзландилар. Ҳамма айб ўзимиэда, музейларда биз саёҳатчиларга жаллодларни, қул қилиб сотилаётган болалар сувратларини, Бухоро зиндонларини кўрсатдик.

Дарҳақиқат, Бухоро Аркига киришингиз билан зин-донга дуч келасиз. Асоратдаги қулларни кўрасиз: кўлида киshan, оёғида гул... Рекхона, обхона, канахона... Абгор ва аянчли манзара. Юқори қаватдаги хона кўргазмалирида эса нукул кундага бош қўйиб турган гулдай йигитлар, золим эр қамчиласётган ҳурилиқо келинчаклар... Кон ялаган қассоблар, тасбех ўтириб катлга фатво берагётган қозию қуззот.

У ердан оғир туйғу билан чиқасиз. Ваҳоланки, ўша минг йилларда Ибн Синонинг «Тиб Конуни», Форобийнинг, Берунийнинг буюк рисолалари, Навоийнинг нажиб ва бехад порлок байтлари битилган. Наршахийнинг, Насриддин ат-Тусийнинг жўғрофий асарлари, қимматли илмий кузатишлари дунёга келган. Оташин шоир Умар Хайём дунёдаги энг аниқ тақвимни (календарни) яратган.

Музейлар, маърифат масканлари ҳар бир миллатнинг тарихий таркиб топган давридан бери яратган маънавий, маданий ҳазинасини ўзида қуёш нуридай жамлаши, узоқ авлодлар қалбига хаёт шуъласидай нур сочиши керак. Бизнинг музейлар эса ҳувиллаб ётади, одамларда иштиёқ йўқ.

Йўлим Фиждувон шаҳрига тушди. Бир неча йиллар аввал Улуғбек қурдирган мадраса хароба, қаровсиз холда ётарди. Абдухолик Фиждувоний мақбараси оёқости эди. Бу даргоҳ Фиждувон бозорига келган бозорчиюй ўловчилар от-аравасини, уловини боғлайдиган жой эди. Ён атрофда эса турли майда-чуйда майший хизмат кўрсатиш тармоқлари жойлашганди.

Ана шу ғариб,чувринди бўлиб ётган маскан тозалашиб, обод қилиниб, Фиждувонийнинг қабри таъмирланабди. Мадраса сахнига ғишт ётқизилибди. Намози жума куни кексалар тўпланишиб, тоат-ибодат қилишар, ҳадиси шарифлардан тинглашар, кексарган кўнгиллари-га тавалло топишар экан.

Мана шундай ишларга бош-қош бўлган улуғ кишилар қийин-қистов қилиндилар. Собик раҳбарларнинг барча хатоларини элга ошкор айтиб, амалга оширган эзгу ишларидан ҳам кўз юмаслик даркор. Ҳар бир ҳалқ ўз фарзандининг гунохини ўзи кечирсан, айблари учун ўзи жазо берсин, ўзи тарбияласин. Бир пайтлар юзлаб масжидларни кунфаякун қилган, бебаҳо китобларни араб алифбосида бўлгани учун сувларга оқиздирган, гулханга ташлатган, қабристонларга кўмдиришга мажбур қилгандарни ким жазолайди!

Ҳалқ ўз хотирасида аввало яхшиликни саклайди, ёмонликни ҳам унутмайди. Ҳаётида, ёдида мудхиш из колдирган зобитларни бугун ўз номи билан аташ, ҳақиқий баҳосини бериш, хайрли иш қилган фарзандларнинг ҳурматини эса ўрнига кўймок пайти келди. Ҳали у, ҳали бу минтақада ноҳос ўқлар отилиб, ёнғин чиқиб турган алғов-далғов бир наллада ўкинч ва алам билан ўйлайман:

Ўзбек билан қирғиз ўртасига нифок уруғини сочгандар Кодирийлар котилининг қўллари, қўланкаси эмасми? Қадим Туркистоннинг инжак туркий тилида сўзлашувчи, дини, эътиқоди бир, турмуш тарзлари яқин урунаймоклари элларига не бўлди? Олис тарихимиз, маданиятимиз илдизлари бир улкан томирига туташади, сув ичган дарёларимиз бир бўлса...

Ўзлигимизни англаб, биргалашиб қадримизни тиклаб, турмушимиэни бутлаб, йигирманчи, ўттизинчи йилларда зулумот қатағонига учраган алломаларимиз, фозилларимиз, муаррихларимиз номини оклаб, йўқотган мерос мулкимизни ҳалқимизга қайтариб беришимиз тарих олдидаги қарзимизэдир. Зоро, рухлари

чиркираган халкнинг бири икки бўлмайди, кўксига шамол тегмайди.

Ақлу идрок билан иш юритиб, бирлашиб катта мақсадларга қўй уришни виждан амри билиш фарз. Бунинг учун эса ҳар бир халк ўз маънавиятини, маданиятини камол топтириб, сув ичадиган мерос чашмаларини поклаб олиши даркор. Тарихнинг қатағон қилинган барча кўчаларига ақл машъаласи билан кириб, бой ва қадим меросдан кенг халқни баҳраманд этмок қарз. Навоийни миллионлаб нусхада насрый баёнлари билан чоп этиб, ҳар бир хонадонда нон-туздай азиз қилмоғимиз керак. Алпомишни, «Юсуф ва Зулайҳо»ни, «Киссаси Рабғузий»ни, Сўфи Оллоёрни, Фузулийни, Лутфийни, Фаридуддин Атторни, Жомийни сут тиши тушмай туриб ўқитсак, маъносини англатсаккина, кўнгли равшан бир авлод вояга етажак.

1990 йил, сентябр.

## МЕХР ТОЛАСИДАН ЭШИЛГАН ШЕЪРИЯТ

Бундан тахминан 25—30 йиллар аввал ижодкор кизлар Кириё опанинг сухбатини олмок, доно ҳикматлари ни тингламок учун, мумтоз шоирларнинг ўлмас шеърларини тинглаб, улар тўғрисида баҳслашмок учун бот-бот у кишининг ховлисида йиғилиб колишарди. Бир-икки шунаقا йиғинда мен ҳам тасодифан катнашиб қолганман. Даврадаги қизларни таниширил экан, бир гал Кириё опа ўрта бўй, кулча юзли, қорамағиз бир қизга дикқатимни тортид. У худди кекса аёллардек бошига кўк хошиялик оқ рўмол ташлаб олган эди.

— Бу кишининг Бухоро поездидан тушганига бир соат бўлди. Танишинг, Ойдин Ҳожиева.

Афтидан, Кириё опа Ойдинхоннинг камсукумлигини, ха деб гапга аралашверишидан кўра бошқаларнинг гапларини тинглаб ўтиришни маъкул кўришини, тортинчоқлигини назарда тутиб, ҳазил қилган эди, шекилли. Лекин мен бу тортинчоқ қизни танирдим — у билан авваллари сухбатлашиб, ипидан игнасигача билиб олган бўлмасам-да, лекин ҳар қалай, унчалик содда ва анойи эмаслигини, камгаи кўрингани билан ўрни келгандан жуда бийрон бўлиб кетишини, ҳаққини бериб кўйиб, индамай кетаверадиганлардан эмаслигини яхши билардим. Мен Ойдинхонни биринчи марта 60-йилларнинг бошида — университетнинг филология факультетига имтихон топширганида кўргандим. Минг афсуслар билан айтмок керакки, ўша кезларда ўқишга киргани келадиган болаларнинг аксари, айниқса, вилоятлардан келадиганлари кўпинча ашаддий даражада чаласавод бўларди — улар ёзган ишоларга кўп ҳолларда ижобий баҳо кўйишнинг имкони бўлмасди. «Беш»га арзийдиган ишолар-ку анқонинг уруғи эди. Шундай ишлар чиқиб қолса, уни имтихонда катнашаётган ҳамма домлалар ноёб гавҳарга рўпара келгандек, кўлларига олиб бир-бир кўриб чиқар эдилар. Ўшанда шунаقا бир ишга «беш» кўйидик. Кейин фамилиялар ошкор қилингандан сўнг қарасак, бу ишни бухоролик абитуриент Ойдин Ҳожиева ёзган экан. Ундан оғзаки имтихонни янада синчковлик билан олдик. Биласизми, университетда 40 йилдан ошик ишлаганман, энг ёмон кўрганим — имтихон олиш. Лекин ахён-ахёнда имтихон ҳам домла учун байрамга айланиб кетади. Имтихон тошираётганинг билими пухта бўлса, оғзингиздан савол чиқиб улгурмай, жавобини ёпиштириб турса,

ўзининг ҳаклиги учун талашиб-тортишса, тилига чиқаролмай ичиди қолиб кетган билими кўплиги сезилиб турса «олти», «етти» деган баҳолар йўклигидан хафа бўласан ҳатто. Бундай ёшлар эсингизда қолади, беихтиёр уларнинг тақдирини кузата бошлайсиз... Ойдинхон қолган учта кириш имтихонини «беш»га топширди, талаба бўлди. Кўп ўтмай, патила сочли бу тўпоригина киз баҳор фунчасидек очилди – у шоира экан. Шоира бўлганда ҳам нафаси ўткир, ўзига хос нигоҳга эга, олами-ни ғоятда нафис туюдиган шоира экан. Унинг шеърлари дугоналари ўртасида ҳам, кейинчалик бошка шеърият мухлислари ўртасида ҳам мъқул бўлди. Ёзувчилар уюшмаларида, бошка адабий давраларда, матбуот саҳифаларида унинг шеърлари тез-тез кўрина бошлади. Бирин-кетин шеърлари китоб бўлиб чиқди. Шунда билдикки, камсукумлиги, тортиңчоқлиги ижодига алоқадор эмас экан, аксинча, унинг қалами ўта югирик, инжа туйғулар ва теран фикрларни ифодалашда ғоятда дадил экан.

Ойдин Ҳожиева адабиётга кириб келган 60-йилларнинг боши ва ўрталарида ижод соҳасида ялпи кўтарилиш кузатилмоқда эди. Бу, айникса, шеърият бобида яққол кўринарди, гўё қандайдир қудратли куч шеърият булокларининг кўзини тўсиб ётган тўсикларни кўтариб ташлаган-у, бу булоклар навқирон бир жўшкинлик илиа қайнаб тоша бошлиганди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон ва яна бошка кўпгина ёшлар нафакат янги шеъриятга асос солдилар, улар умуман, ижод, маҳорат даражасини шу макомга кўтариб юбордиларки, унинг билан бўйлашиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас эди. Бундан ташқари, ўша кезларда, агар таъбир жоиз бўлса, аёллар шеърияти ҳам анча-мунча юксалди. Мен Зулфия она ва Саида Зуннунова шеъриятинигина айтаётганим йўқ, мен шеърият майдонига дадил кириб келган Гулчеҳраларни, Зулфияю Нодираларни, кейинроқ эса Шарифаю Ҳосиятларни назарда тутмоқдаман. Шеъриятда ракобат жуда кучайган ва унга бардош бериш анча мураккаблашган чоғлар эди. Бундай шароитда шеърият хонадонида ўз ўринини эгаллаш ҳам, унда муқим туриб қолиш ҳам жуда мушкул эди. Ойдин Ҳожиева бу майдонга дадил кирмоқдан ва шеърият арслонларининг панжаларига панжа урмоқдан заррача ҳайикмади. Шоирларнинг зич сафларида унинг бўйи-басти кўринмай кетмади, умумий хорда ҳам овози – ўзига хос майин ва

хазин най куйини эслатадиган овози йўқолиб кетмади. Ойдинхон ўқиши тутатди, меҳнат фаолиятини бошлади ва қаерда ишлашидан қатъи назар шеър ёзиш, шеърий тафаккурни, шеър билан яшашни бир зум ҳам тўхтатмади. Натижада, бирин-кетин «Шабнам», «Тароват», «Ишонч юлдузлари», «Наво», «Бўэтгургай», «Тамал тоши», «Кўзимнинг оқу кораси» каби шеърий тўпламлари майдонга келди. Албатта, бу тўпламларга кирган шеърларнинг ҳаммасини ҳам умри бирдай узоқ эмасдир, ҳаммаси ҳам бирдай олий санъат намунаси бўлавермас, лекин ишончим комилки, бирор олим XX аср ўзбек шеъриятининг тарихини ёритмоқчи бўлса, у Ойдинхоннинг ижодини эътибордан сокит қила олмайди. Албатта, кичкина бир мақолада Ойдин Ҳожиева ижодининг барча кирраларини очиб бериш, у босиб ўтган йўлларни босқичма-босқич таҳлил қилиш қийин (лекин, албатта, шундай таҳлил керак — шу маънода адабиётшунос олимларимиз, умуман ўзбек шеъриятидан қарздор бўлганларидек, бсвосита Ойдин Ҳожиевадан ҳам карздордирлар, аслида бу шоирамиз ижодига махсус тадқикотлар бағишланса арзир эди). Шундай бўлса-да, шоиранинг шеъриятга олиб кирган бойлиги, овозининг ўзига хослиги нимада, деган саволга жавоб бермок керак. У замонавий ўзбек шеъриятига бухороча нафасни олиб кирди — унинг шеърлари ҳам бошқа шоирларнинг лирикаси каби инсонга, инсон дардлари ва севинчларига, ҳасратларига бағишлиланган, у ҳам инсон руҳиятининг ва биринчи навбатда XX аср ўрталарида яшаган ўзбек аёлининг руҳият манзараларини чизади. Лекин бу манзараларда бухороча тароват, бухороча ўзига хослик ва Ойдинхоннинг ўзига хос назокати, инжалиги ҳам сезилиб туради. Назаримда унинг лирикасида Бухоро зардўзининг жилолари, Бухоро кимхобининг товланишлари, Бухоро коракўлининг жозибадор қўнғироқчалари, Бухоро тор кўчаларининг бетакрорлиги, Бухоро майдонларининг муаззамлиги уфуриб тургандай бўлади. Энг муҳими — унинг шеърларида Бухородай буюк ва қадимий шахарда яшаган, унинг маънавий ва руҳий бойликларини эмиб улгайган, ўз юрти, ўз авлод-аждоди, ўз маънавияти ва маданияти учун чексиз фурур туйғусини ҳис килувчи қалбнинг уришилари сезилиб туради. Менимча, буларнинг барни унинг шеърларида аёл қалбига хос назокат билан, ибо ва ҳаё билан ифодаланган ва айни чоғда, Бухоро шеърий мактабига хос теранлик ҳам яққол кўриниб туради. Шу

айтилганларга караб, Ойдинни «бир вилоят шоири эканда», деб қараш мутлако хато бўларди — менга қолса, унинг меҳр толаларидан эшилган шеъриятининг ўзбек поэзияси хазинасига олиб келган бухороча нафаси тўғрисида гапириш маъқул бўларди. Хархолда, унинг шеъриятидаги ўзига хослик шу даражадаки, бу шеъриятнинг ҳам Бухоро поездидан тушиб келганига атиги бир соат бўлган деб ўйлайсан кини. Бу шеърларнинг ҳаммамиз учун тансик жихати шундаки, улар Бухороча заминдан парвоз қилган бўлсалар-да, бутун ҳалқимизнинг қалбига ҳамоҳанг шеърлардир. Масалан, аёл кишининг қалби, унинг қувончлари ва ҳасратлари тўғрисида куйлаганда ҳам, жонажон ҳалкининг бир шайдо қизи бўлиб ох урганида ҳам Ойдинхон ўз нигохи ва ўз овозини сақлаб колишга харакат қиласди. Шу жихатдан унинг юртимиз мустақилликка қадам қўйиш арафасида ёзган бир туркум шеърлари диккатга сазовордир. Шоира ҳалкининг буюк сифатларидан фахрланади, ҳалки учун ифтихор туйғуларини баралла куйлашга харакат қиласди ва айни чоғда унинг оёғига киshan бўлаётган, шаънига ярашмаган қилиқлар ва сифатлар тўғрисида ҳаяжон билан ёзади. Бундай шеърлар тўғри келса-келмаса маддоҳлик карнайидан пуфлаб чиқарилган оҳанглар эмас, балки дардчил ўйлардир, садоқатли фарзанднинг қўнглини ўртаётган ҳасратдир. «Илтижо» шеърини олиб кўрайлик — у руҳсиз ва ўйсиз мадхиялардан қанчалик фарқ қиласди. У нихоятда дардчил шеър:

*Дарё десам, балиқлари йўқ экан,  
Тоғ дегандим, кийиклари йўқ экан,  
Алномишининг ўқ-ёйини занг босмиш,  
Кўтармоққа лойиқлари йўқ экан.  
Бул қавмни ўзинг асра, худойим!*

Шеърнинг сўнгги банди ҳам юракдан отилиб чиккан ўтли ҳайкирик! Унинг мустақилликдан икки йилгина аввал айтилганини инобатга олсак, шоиранинг фифону ҳасратлари ўшанда авж нуктага кўтарилиганига ишонч ҳосил қилмай илож йўқ:

*Кизил юзи саргайса эл қул бўлар!  
Ўз қўргонин қўргамаса қул бўлар!  
Fурур деган ўти ўчиб, кул босса,  
То ўлгунча оёғида гул бўлар!  
Бундай қавмдан ўзинг асра, худойим!*

Шоиранинг ўша кезларда ёзилган яна бир «Ўзбек» деган шеърида халқига таъриф бериб, ундаги олижаноблик пардаси остида зухур этадиган юввошлик, куллик сифатларини санайди. Бу халқ «кирда эчки-улоғини сизлайди, кучугининг ялоғини сизлайди, бешикдаги гўдагини сизлайди, гўдагининг сумагини сизлайди». Шунинг учун шоира агар йўлиқиб колса, Хизр бободан ўзи учун нон, хуазур-халоват, бойлик эмас, халқи учун икки «дарди буюк» тилаш орзусида яшайди:

*Ғурур беринг, мунис дил беринг,  
Умр беринг ҳар бир боламга!  
Бир ўтингчим: узун тил беринг  
Ўзбекистон деган онамга!*

Шеърдаги самимият ва теранлик далолат бериб турибдики, бу оташин мисралар муайян кунлар тўлқинида туғилган бўлса-да, ўша куннинг ўзида умри тугайдиган енгил-елпи сатрлар эмас — улар бокийликка дахлдор байтлардир.

Мен Ойдинхоннинг атиги бир-икки шеъри тўғрисида-гина бир оз тўхтаб ўтдим. Ҳолбуки, кирқ йилдан ортиқ давом этган ижодий фаолияти давомида у бундай жозибадор, теран инсоний дард билан сугорилган шеърларни кўплаб яратди — уларни бир жойга жамласа, бемалол тўрт жилдга жойланадиган китоб бўлади.

Ойдинхон пафакат шоира, балки иктидорли адиба хам экан. Албатта, мен унинг наср ёзишидан хам хабардор эдим — авваллари ҳар хил матбуот саҳифаларида унинг хикоялари, лавхалари, очеркларини бот-бот учратиб туриш мумкин эди. Мана, у якинда «Панохим» деган китобда уларнинг ҳаммасини эмас, атиги бир кисми-ни бўлса-да, бир жойга тўплаб, нашр килдирди. Уларни кўриб чиқиб, бир нарсага тан бердим — ха, Ойдинхон адиба сифатида хам пишиб қолипти — унинг насрда хам бемалол қалам тебратиши учун етарли асос бор: биринчидан, у бугун ҳар кандай асарга материал бера оладиган етарли хаётый тажрибага эга; икинчидан, Ойдинхоннинг насрбол тили бор экан, у рангларни, охангларни, киёфаларни аник кўради ва уларнинг аник тасвирини қорозга туширади, нихоят, учинчидан, унинг услубида шунака бир ёкимли самимият ва табиийлик мавжудки, бу хислатлар ижодда муваффакиятнинг биринчи гаровидир. Шундек экан, биз бундан бўён Ойдинхондан на-

факат хикоялар, балки киссалар ва романлар кутишга хам ҳақлимиз. Фақат улар майда-чуйда гаплардан юкори бўлмоғи, мардона қалб ва мардона қалам билан ёзилмоғи керак.

Ойдинхоннинг кутлуғ таваллуд куни муносабати билан ёзилаётган бу мақолага шу ерда нукта қўйилса хам бўларди, лескин унинг фаолиятининг яна бир кирраси борки, бу тўғрида хам жиндай тўхтаб ўтмок жоиз. Истиклолдан кейин Ойдинхон бевосита журналистик фаолият билан ҳам шуғуллана бошлади. У «Саодат» журналига бош мухаррир бўлиб ўтганда бир вақтлар донг таратиб, шон-шавкатга бурканиб яшаган «Саодат» маълум сабабларга кўра реанимация бўлимига тушиб қолган беморга менгзарди. Унга янгидан жон ато қилиш учун жуда катта жонбозлик кўрсатиш талаб қилинарди. Албатта, хали журнал авалгидай миллион-миллион нафар ўкувчиларини кайтадан топганича йўқ, лекин у бугун яна ўзининг аввалги мавқенини янги асосларда тиклай бошлади десак хато бўлмас. Бугунги «Саодат» журнали кўз ўнгимизда яшариб бормоқда — қийинчилик йилларида у иккни ойлик журналга айланниб колган эди — ҳозир аста-секин аввалги мақомига эришмокда. Журнал муқоваси рангли ва жозибадор бўлиб колди, қоғози хам нисбатан яхши. Энг мухими — журналдаги фотосувратлар, хархолда, муштариини ўзига жалб қилаолади. Лекин энг мухими — журналда эълон қилинадиган лавхалар, мақолалар, очерклар, эсселарнинг савияси. Хўш, улар бугунги ўзбек аёлининг турмушини тўғри акс эттиряптими? Уни қизиқтирган асосий масалаларни, муаммоларни ёритиб беряптими? Менимча, бу саволга ижобий жавоб бериш керак.

Ойдин Ҳожиеванинг кўпгина кучи журнални вақтида сифатли қилиб чиқариб туришга кетяпти. Бу хам унинг фаолияти бесамар ўтмаётганига бир далил! Бундай кутлуғ саналарга бағишлиланган тўйхатлар одатда юксак оҳангларда, тантанали айтилган хитоблар ва тилаклар билан тамом бўлади. Лекин мен ҳарчанд уринмай, баландпарвоз гап тополмадим. Шунинг учун жўнгина тугатишга аҳд қилдим. Ойдинхон, сиз, сиз — менинг келинимсиз. Нечук дейсизми? Сизнинг турмуш ўртоғингиз Иброҳимжон шунчаки менинг шогирдим ёхуд ҳамкасбим эмас, у менинг тутинган укам хам. Лекин бу гапларни кулоғингизга айтиётган эканман — мени қайиноғангиз сифатида ҳурмат қилиб, ҳар пиёла чойни ўрнингиздан

туриб, кўл учида назокат билан узатмогингиз учун айтадиганни йўқ. Факат бир тилак айтиш учун айтапман, холос: кўша қаринглар ва баҳтли бўлинглар! Адабиётимизнинг ҳали ҳал қилинмаган муаммолари кўп — уларни самарали ҳал қилмок учун кўлни-кўлга бериб, ахиллик билан меҳнат килишда давом этаверинглар. Қачон тўхташ кераклигини бирор 20-йиллардан кейин ўзим айтарман!

**Озод ШАРАФИДДИНОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони.**

**2003 йил.**

## МУНДАРИЖА

Таржимаи ҳолимдан бир улуш.....	5
---------------------------------	---

## ШЕРЛЛАР

УМР ЧАРХПАЛАГИ.....	8
ЧОРЛАШ. <i>Туркүм</i> .....	8
Ёшларга деганим.....	16
СҮМБУЛАДАН ЭЛЧИ КЕЛАР. <i>Туркүм</i> .....	17
Алмисоқдан қолган бу дунё.....	21
«Гузалим, дилбарим...».....	22
Эттиқодимсан, халқым.....	22
«Шу тириз, тор хона...».....	24
«Кизил мүрча, ок мүрча...».....	24
Мухсинага.....	25
«Томсувоқ бўлмаган уй каби вужуд...».....	25
Танбех.....	26
«Теша бобо айтар ривоят...».....	26
«Ҳеч кимдан сўрмагил...».....	27
«Савлат тўкиб...».....	28
Истиклол сўзин айтсан.....	28
«Сарик саратон ўтди...».....	29
«Қилмишидан топар ҳар банда...».....	30
«Топган поним...».....	30
Осмон олачалпоқ.....	31
«Ватанинни соганинб турналар кайтди...».....	31
«Бахор базм тузди...».....	32
«Етти кат фаришта бўлсанг сен агар...».....	32
«Бунча гўзал мукова бу...».....	32
«Суксур дунё, ғоз дунё».....	33
«Хаёл кўлларига...».....	33
«Боғларда ёсуман гуллай бошлади...».....	33
«Сўзларим, учкун соч...».....	33
«Шоирлик ярим пайғамбарлиқидир...».....	34
«Камонидан отилган ўқсан...».....	34
«...Ватан деб...».....	34
Мухаббатга.....	34
2003 йил кор хати.....	35
Ўзбекпинг ёзи.....	36
Озодлик.....	37
Ўи икки баҳорим.....	38
Мўъжиза лаҳзалари.....	40
Наврӯз.....	41
Намангандик сингилларимга.....	42
Танбех.....	43

Бахор илинжида.....	43
Ташриф.....	44
«Бир сўниб, боз ёнмоқ...».....	44
Тамарага.....	45
«Зуволангиз балки шамолдан...».....	45
Ўйлар.....	46
Деҳқон.....	47
Садо бергил.....	48
«Сўнди деманг...».....	48
«Чечак бошқа...».....	49
«Хосили ўрилган даладай...».....	49
«Сенинг онанг меҳнат...».....	49
«Кари тол тагида...».....	49
«... Шошма кўнгил...».....	49
Восвос.....	50
«... Ёнерингда тусланади бир шайтон...».....	51
Асло қарам бўлмасмиз.....	51
Муножот.....	52
Айтим.....	54

## ДОСТОН ВА ҚАСИДАЛАР

Озод сўз ёлкинлари.....	56
Таваллуд таронаси.....	61
Буюк карвон.....	70
Зиёрат.....	76

## БОЛАЛИК БАЙРАМЛАРИ

Чиллик ўйин.....	86
Рўмолча.....	88
Чирок.....	91
Мехтар бобо.....	93
Гирдибод.....	98
Буғдойга кол.....	100
Муборак.....	103
Тохиржон ва Зухрахон қиссасидан.....	106
Падар вакил.....	108
Тельвагезак.....	111
Қизғалдок.....	116
Одил Бўрон боғи.....	119
Келинчак.....	122
«Лайли ва Мажнун»дан мутолаа.....	126

## КЎНГЛИМДАН КЕЧГАНЛАРИ

Қишлоқдошларим.....	130
Йўқоттаним топсанки шояд.....	137
Одамийлик саранжомликдан бошланади.....	143
Миллатнинг қайуси нима?.....	146
Озод ШАРАФИДДИНОВ. Мехр толасидан эшилган шеърият....	151

**ОЙДИН ХОЖИЕВА  
НАЗОКАТ**

*Шеърлар, достон, қасида, бадиалар, ўйлар*

Гулзор Султонова чизган суратлардан фойдаланилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2007

Мухаррир *Н. Ўролова*  
Бадний мухаррир *А. Мусахўжаев*  
Техник мухаррир *Л. Хижова*  
*Мусаххих А. Зокиров*  
*Сақифаловчи Л. Цой*

Теришга берилди 05.09.2006. Босишига рухсат этилди 11.12.2006.  
Бичими 84x108<sup>1/2</sup>. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табори 8,4. Нашриёт-хисоб табори 8,0. Адади 5000 нусха.  
Буюртма № 2866. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонаси, 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.